



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

2022/№1

ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH

ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАД҆ҚИҚОТЛАР
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH



№ 1, 2022
январь

<p>Муассис: Бухоро давлат университети Фан ва таълим МЧЖ</p> <p>Бош мухаррир: Маъмуроў Баҳодир Бахшуллаевич</p> <p>Жамоатчилик кенгапси раиси: Хамидов Обиджон Ҳафизович, Бухоро давлат университети ректори</p> <p>Таҳририят кенгапси раиси: Махмудов Мэлс Ҳасанович</p> <p>Масъул котиб: Акрамова Гулбаҳор Ренатовна</p> <p>Техник мухаррир: Давронов Исмоил Эргашевич</p> <p>Таҳририят манзили: Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кӯчаси, 16-үй</p> <p>Телефон: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjurnal2020@gmail.com</p> <p>Журналнинг электрон сайти: www.interscience.uz</p> <p>Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Карори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) иљмий даражасига талабгорларниң диссертация ишлари юзасидан асосий иљмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган иљмий нашрлар рўйхатига киритилган</p> <p>Босишга руҳсат этилди: 30.01.2022 й. Қоғоз бичими 60x84 1/8, б/т.12,5. Буюртма рақами 12 «FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп этилди. Бухоро шаҳар</p> <p>Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Оммавий аҳборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган</p> <p>Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб хар ойда 1 марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади</p> <p>«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро иљмий-ме- тодик журналидан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади</p>	07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ	
	Иноятов С. Қатағон қурбони бўлган уч буюк сиймо	7
	Давлатова Ш. Ш. Миллий масала ва Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати (XX асрнинг 20-йиллари)	23
	Умарова М. Бухоро амири Шоҳмурод даврида барпо этилган иморатлар ва уларнинг асосий хусусиятлари	31
	Алланазаров М. М. Бухоро ҳалқ совет республикасида кадрлар сиёсатининг асосий хусусияти	39
	10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
	Ҳамроев F. X. Она тили ўқитиши методи- касида саволнинг ўқув топшириғи сифатидаги ўрни	50
	Rakhmanova A. Kh. The specifics of the perception of the Koran by Russian poets of the early XIX century	59
	Киличев А. А. Замонавий билимлар парадигмасида антропоцентризм	74
	Раджабова Н. М. Роль образцов фольк- лора в певческом искусстве	81
	Муртазаева Ф. Р. Психологизм как стилевое единство в женской прозе русских и узбекских писательниц	89
	Ishonhanova I. A. Umumta'lim maktab- larida Alisher Navoiy hayoti va ijodining o'rganilishi yuzasidan mulohazalar	100
	Махмудова С. X. “Остона” лингвомада- ний бирликлари Тоҳир Малик асарлари матнида	106
	13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
	Абдураҳимова Л. А. Роль симуляцион- ного обучения в системе медицинского образования	112

Маколада келтирилган фактларнинг
тўғрилиги учун муаллиф масъуллар



Qodirova N. F. Maktabgacha yoshdagи bolalar aqliy faoliyatini rivojlantirishda didaktik o'yinlarning ahamiyati	117
Надырова А. Б. Роль музыкально-теоретических дисциплин в процессе профессионального становления учителя музыки	122
Рустамова Н. Р. Медиатаъсир контекстида талабаларда медиаменталитетнинг шаклланиш босқичлари	130
Акрамова Г. Р. Инновационные методы развития критического мышления учащихся в процессе онлайн-обучения	137
O'ktamova Sh. H. Texnika oliv ta'lim muassasalari talabalarida tadqiqotli kompetensiyani rivojlantirish imkoniyatlari	144
Самиева Ш. Х., Шодмонова М. С., Раҳматова Г. Н. Инновацион таълим муҳитида бўлажак мутахассислар ижодкорлик ва лойиҳалаш кўникмаларини шакллантиришнинг муҳим йўналишлари	154
Samiyeva Sh. X., Narzulloyeva F. F. Oliy ta'limda strategik fikrlash va kreativ boshqarish asosida ta'limni tashkil etishning muhim yo`nalishlari	163
Тожибоева Х. М. Гендер маданиятнинг замонавий шаклларини вужудга келтирувчи ижтимоий-педагогик омиллар	178
Кучкарбаев Р. У. Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентликни ривожлантириш	183
Содиқова Ш. М. “Оптик толада ёруғликнинг тарқалиш қонуниятлари” мавзусини ўқитишида муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш	190
Ахмедов Ё. О. Мактаб ўқувчиларида ватанпарварликни шакллантириш модели	200
Saidova G. N. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini ijodiy faoliyatni tashkil etishga tayyorlash pedagogik muammo sifatida	208
Чоршанбиев З. Э. Олий таълимда кредит-модуль технологияси асосида табақалаштирилган ўқитиши тизимини жорий этишнинг назарий модели	216
Lukmonova S. G. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisining raqamlı ta'lim resurslaridan foydalanishga tayyorligini shakllantirish	221
Караева Ф. Қ. Музыка таълимининг янги вазифалари (Финляндия мисолида)	227



Джураева Д. Ш. “Муаммоли ёндашув” тушунчасини аниқлаштиришга доир ёндашувлар	233
19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Расулов А. И. Психология таълим йўналиши талабаларида субъектив назорат даражалари	238
Mullabaeva N. M. Analysis of the problems of creating a psychological portrait of bulling participants	247
Raxmanova D. U., Mirzayeva S. R. Inkluziv ta’lim sharoitida fanlarni o’qitish jarayoniga tatbiq etilgan zamonaviy yondashuvlar samaradorligi	254
Рамазонов Н. Н. Психологические и социальные риски использования интернета для детей: обзор литературы	259
Собирова Д. А. Тиббиёт ходимлари касбий камолотида ижтимоий перцепция омилларининг роли ва аҳамияти	266



ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

Джусураев Рисбой Ҳайдарович, педагогика фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Шамсутдинов Рустамбек Темирович, Андижон давлат университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ёхидами, тарих фанлари доктори

Мажисидов Ином Урушевич, техника фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон миллӣ университети.

Олимов Қаҳрамон Танзилович, педагогика фанлари доктори, профессор. А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети Тошкент филиали

Таджикходжаев Зокирхўжа Абдузатторович, техника фанлари доктори, профессор

Мусурмонова Оинисо, педагогика фанлари доктори, профессор

Сафарова Роҳат Гайбуллоевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Т.Н.Кори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти.

Ибрағимов Ҳолбой Ибрағимович, педагогика фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАХРИРИЯТ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

Артамонова Екатерина Иосифовна, педагогика фанлари доктори, профессор, Москва давлат педагогика университети, Ҳалқаро педагогика фанлари академиясининг президенти

Емельянова Ирина Евгеньевна, педагогика фанлари доктори, профессор. Жанубий-ураль давлат ижтимоий-педагогика университети, Россия

Кўзъменко Галина Анатольевна, педагогика фанлари доктори, профессор. Москва давлат педагогика университети, Жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик институти

Олимов Шириной Шарофович, педагогика фанлари доктори, профессор. Бухоро давлат университети

Сафаралиев Бозор Сафаралиевич, педагогика фанлари доктори, профессор. Челябинск давлат академияси

Жўраев Хуснуддин Олимбибоевич, педагогика фанлари доктори, доцент. Бухоро давлат университети

Кўлишов Владимир Васильевич, педагогика фанлари доктори, профессор. Давлат иқтисодиёт ва технология университети проректори, Кривой Рог, Украина

Лазаренко Ирина Рудольфовна, педагогика фанлари доктори, профессор. Алтай давлат педагогика университети ректори, Россия

Филиппова Оксана Геннадьевна, педагогика фанлари доктори, профессор. Жанубий-Ураль давлат ижтимоий-педагогика университети, Россия

Христо Кючуков, педагогика фанлари доктори. Умумий тилишунслик ва психолингвистика профессори. Берлин Эркян университети, Туркология институти. Ҳалқаро психолингвистика ва Социолингвистика журнали асосчиси ва муҳаррир, Германия

Кұмков Михаил Иванович, физика-математика фанлари доктори, профессор. М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети

Тилавова Матлаб Мухаммадовна, педагогика фанлари номзоди, доцент. Бухоро давлат университети

Дилова Наргиза Гайбуллаевна, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент. Бухоро давлат университети

Максименко Сергей Дмитриевич, академик, психология фанлари доктори, профессор. Украина Миллӣ педагогика фанлари академиясининг академиги

Умаров Баҳридин Мингбаевич, психология фанлари доктори, профессор. Тошкент давлат педагогика университети

Козлов Владимир Васильевич, психология фанлари доктори, профессор. Ҳалқаро психология фанлари академияси президенти, П.Г.Демидова номидаги Ярославль давлат университети, Россия

Жибборов Азим Мейликулович, психология фанлари доктори, профессор. Карши давлат университети

Бафаев Мухиддин Мухаммадович, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Падалка Олег Семенович, педагогика фанлари доктори, профессор, М.П. Драгоманова номидаги педагогика миллий университети, Украина

Ражабов Дилюд Зарипович, филология фанлари доктори, профессор. Бухоро давлат университети

Маджидова Райно Үришевна, филология фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Файзуллаев Мухаммад Бакаевич, филология фанлари номзоди, доцент. Бухоро давлат университети

Юсупова Хилола Үқтамовна, филология фанлари номзоди, доцент. Бухоро мұхандислік-технология институти

Рӯзиева Моҳиҷерҳо Ёқубовна, филология фанлари бўйича фалсафа дойтори (PhD), доцент. Бухоро давлат университети

Июнайтос Сулаймон Иноятович, тарих фанлари доктори, профессор. Бухоро давлат университети

Ражабов Қаҳрамон Кенжасевич, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти етакчи илмий ёхидами

Ҳазретали Турсун, тарих фанлари доктори, профессор, Ҳожа Аҳмад Яссавий номидаги ҳалқаро қозоқ-турк универсиети профессори

Мамедова Ирада, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, Озарбайжон Миллӣ академияси Тарих институти бўйим бошлиги

Жўмаев Рустам Фаниевич, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент. Бухоро давлат университети

Тимур Ҳўясағиј, тилишун соғада адиабёнётчилик олим. Мичиган университети профессори (АҚШ)

Nurettin Hatipoğlu Doç. Dr., Zonguldak Bülent Ecevit Üniversitesi Fen-Edebiyat Fakültesi Tarih Bölümü (Турция)

Ҳайитов Шодмон Аҳмадовиҷ, тарих фанлари доктори, профессор. Бухоро давлат университети

Муллоғузсанов Сайдулло Қуҷаковиҷ, тарих фанлари доктори, профессор. Тоҷикистон миллӣ университети

Долгов Вадим Викторович, тарих фанлари доктори, профессор. Удмурт давлат университети. Россия

Артикова Ҳафиза Тўймулодовна, биология фанлари доктори, доцент. Бухоро давлат университети

Наврузова Шақар Истамовна, тибобёт фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат тибобёт институти

Гушко Сергей Владимирович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Давлат иқтисодиёт ва технология университети проректори, Кривой Рог, Украина

Куродов Қобулжон Қўлмановиҷ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор. Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳуҷуридана педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва уларнинг маълакасини ошириш тармоқ, маркази директори

Маманазаров Абдуҳаким Бозоровиҷ, иқтисодиёт фанлари фан номзоди, доцент. Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиали

Соҳибов Акрам Рустамович, педагогика фанлари номзоди, доцент. Қарши давлат университети

Умаров Баҳшигулло Жўраевиҷ, педагогика фанлари номзоди, доцент. Бухоро давлат университети

Ҳасанова Гулноз Қосимовна, педагогика фанлари номзоди, доцент. Бухоро давлат университети



ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

ЧЛЕНЫ ОБЩЕСТВЕННОГО СОВЕТА

Джураев Рисбай Хайдарович, доктор педагогических наук, академик АНРУЗ

Шамсутдинов Рустамбек Темирович, профессор Андижанского государственного университета, заслуженный работник культуры Узбекистана, доктор исторических наук

Мажисиев Ином Урушевич, доктор технических наук, профессор, Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека

Олимов Каҳрамон Танзилович, доктор педагогических наук, профессор. Ташкентский филиал Российского государственного педагогического университета имени А.И. Герцена

Таджиходжасов Закирхужа Абдулсатторович, доктор технических наук, профессор

Мусурмонова Ойинисо, доктор педагогических наук, профессор

Сафарова Роҳат Гайбуллоевна, доктор педагогических наук, профессор, Узбекский научно-исследовательский институт педагогических наук имени Т. Н. Кори-Ниязи

Ибрагимов Холбай Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор, Узбекский государственный университет мировых языков

РЕДАКЦИОННО-ИЗДАТЕЛЬСКИЙ СОВЕТ

Артамонова Екатерина Иосифовна, доктор педагогических наук, профессор, Московского государственного педагогического университета. Президент Международной академии педагогических наук

Емельянова Ирина Евгеньевна, доктор педагогических наук, профессор, Южно-Уральский государственный гуманитарно-педагогический университет. Россия

Кузьменко Галина Анатольевна, доктор педагогических наук, профессор. Московский государственный педагогический университет, Институт физической культуры, спорта и здоровья

Олимов Шириной Шарофов, доктор педагогических наук, профессор Бухарский государственный университет

Сафаралиев Бозор Сафаралиевич, доктор педагогических наук, профессор кафедры социально-культурной

деятельности Челябинской государственной академии

Джураев Ҳуснидин Олтинбоевич, доктор педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет

Кулишов Владимир Васильевич, доктор педагогических наук, профессор. Государственный университет

экономики и технологий, Кривой Рог, Украина

Лазаренко Ирина Рудольфовна, доктор педагогических наук, профессор. Ректор Алтайского государственного

педагогического университета, Россия

Филиппова Оксана Геннадьевна, доктор педагогических наук, профессор. Южно-уральский государственный

гуманитарно-педагогический университет. Россия

Христо Кючуков, доктор педагогических наук. Профессор общего языкознания и психолингвистики. Свободный университет Берлина, Институт тюркологии. Редактор Международного журнала психолингвистики и социолингвистики, Германия

Кумсков Михаил Иванович, доктор физико-математических наук, профессор Московского государственного

университета им. М.В. Ломоносова

Тилавова Матлаб Мухаммадовна, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный

университет

Дилова Наргиза Гайбуллаевна, PhD по педагогическим наукам, доцент. Бухарский государственный университет

Максименко Сергей Дмитриевич, академик, доктор психологических наук, профессор. Академик Национальной

академии педагогических наук Украины

Умаров Баҳридин Мингбаевич, доктор психологических наук, профессор. Ташкентский государственный

педагогический университет

Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор. Ярославского государственного

университета им. П.Г. Демидова. Президент Международной академии психологических наук, Россия

Жабиров Азим Мейликубович, доктор психологических наук, профессор. Каршинский государственный

университет

Бафаев Мухиддин Мухаммадовиҷ, PhD по психологическим наукам. Ташкентский государственный педагогический

университет имени Низами

Падалка Олег Семенович, доктор педагогических наук, профессор, Национального педагогического университета

имени М.П. Драгоманова, Украина

Ражабов Дилят Зарипович, доктор филологических наук, профессор. Бухарский государственный университет

Маджидова Райно Ӯришевна, доктор филол. наук, профессор, Узбекский государственный университет мировых

языков.

Файзулаев Мухаммад Бакаевич, кандидат филологических наук, доцент. Бухарский государственный

университет

Юсупова Хилола Уқтамовна, кандидат филологических наук, доцент. Бухарский инженерно-технологический

институт

Руззева Моҳиҷера Яқубовна, PhD по филологическим наукам, доцент. Бухарский государственный университет

Инъоятов Сулаймон Инъоятович, доктор исторических наук, профессор. Бухарский государственный университет

Ражабов Каҳрамон Конжакеевич, доктор исторических наук, профессор. Ведущий научный сотрудник института

Истории Академии наук Узбекистана

Хазретали Турсун, доктор исторических наук, профессор Международного казахско-турецкого университета

имени Ходжи Ахмада Яссави

Мамедова Ирада, PhD по историческим наукам, доцент, заведующий институтом истории Национальной

Академии Азербайджана

Джумаев Рустам Ганиевич, PhD по политологии, доцент. Бухарский государственный университет

Тимур Ҳуқсағли, лингвист и литературовед. Профессор Мичиганского университета (США)

Nurettin Natipoglu, Assoc. доктор, университет Зонгулдақ Бюлент Эджевит, факультет искусств и наук,

исторический факультет (Турция)

Хайитов Шодмон Аҳмадовиҷ, доктор исторических наук, профессор. Бухарский государственный университет

Муғлоджансов Сайфулло Кучаковиҷ, доктор исторических наук, профессор. Национальный университет

Таджикистана

Долгов Вадим Викторович, доктор исторических наук, профессор. Удмуртский Государственный Университет.

Россия

Артикова Ҳафиза Туймуродовна, доктор биологических наук, доцент. Бухарский государственный университет

Наврузова Шакир Істамовна, доктор медицинских наук, профессор, Бухарский государственный медицинский

институт

Гүшико Сергей Владимирович, доктор экономических наук, профессор, проректор Государственного экономико-

технического университета, Кривой Рог, Украина

Куролов Қобулжон Қулманович, доктор экономических наук, профессор. Центр переподготовки и переподготовки

преподавателей при Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова

Маманазаров Абдуҳаким Бозоровиҷ, кандидат экономических наук, доцент. Ташкентский филиал МГУ им. М.В.

Ломоносова

Соҳибов Акрам Рустамович, кандидат педагогических наук, доцент. Каршинский государственный университет

Умаров Баҳшулло Ҷураевиҷ, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет

Ҳасанов Гулиоз Қасимовна, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет



EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH

MEMBERS OF THE PUBLIC COUNCIL

Djuraev Risboy Haydarovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Academician of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Shamsutdinov Rustambek Temirovich, Professor of Andijan State University, Honored Worker of Culture of Uzbekistan, Doctor of Historical Sciences

Majidov Inom Urushevich, Doctor of Technical Sciences, Professor. National University of Uzbekistan

Olimov Kahramon Tanzilovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Tashkent branch of the Russian State Pedagogical University named after AI Gertsen

Tadzhikhodjaev Zokirkhoja Abdusattorovich, Doctor of Technical Sciences, Professor

Musurmonova Oyniso, doctor of pedagogical sciences, professor

Safarova Rohat Gaybulloevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, Uzbek Scientific Research Institute of Pedagogical Sciences named after TN Qori-Niyazi.

Ibragimov Kholboy Ibragimovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, Uzbekistan University of World Languages

MEMBERS OF EDITORIAL COUNCIL

Artamonova Ekaterina Iosifovna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, President of the Moscow State Pedagogical University, International Academy of Pedagogical Sciences

Emelyanova Irina Evgenevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, South Ural State Humanitarian Pedagogical University. Russia

Kuzmenko Galina Anatolevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Moscow State Pedagogical University, Institute of Physical Culture, Sports and Health

Olimov Shirinboy Sharofovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Bukhara State University

Safaraliev Bozor Safaralievich, doctor of pedagogical sciences, professor. Chelyabinsk State Academy

Jurayev Husniddin Oltinboevich, Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Kulishov Vladimir Vasilevich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Vice-Rector of the State University of Economics and Technology, Krivoy Rog, Ukraine

Lazarenko Irina Rudolfovna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Rector of Altai State Pedagogical University, Russia

Filippova Oksana Gennadevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. South Ural State Humanitarian Pedagogical University. Russia

Christo Kyuchukov, Doctor of Pedagogical Sciences. Professor of General Linguistics Psycholinguistics. Free University of Berlin, Institute of Turkology. Founder and editor of the International Journal of Psycholinguistics and Sociolinguistics, Germany

Kumskov Mikhail Ivanovich, Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor. M.V. Lomonosov Moscow State University

Tilavova Matlab Muhammadovna, Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Dilova Nargiza Gayullaevna, PhD in pedagogical sciences, associate professor. Bukhara State University

Maksimenko Sergey Dmitrievich, academician, doctor of psychological sciences, professor. Academician of the National Academy of Pedagogical Sciences of Ukraine

Umarov Bakhriddin Mingbaevich, Doctor of Psychological Sciences, Professor. Fergana State University

Kozlov Vladimir Vasilevich, Doctor of Psychological Sciences, Professor. President of the International Academy of Psychological Sciences, Yaroslavl State University named after PG Demidova. Russia

Jabborov Azim Meylikulovich, Doctor of Psychological Sciences, Professor. Karshi State University

Bafaev Muhiddin Muhammadovich, Doctor of Philosophy in Psychology PhD. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Padalka Oleg Semenovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, National Pedagogical University named after M.P. Dragomanova, Ukraine

Rajabov Dilshod Zaripovich, Doctor of Philology, Professor. Bukhara State University

Madjidova Rano Urishevna, Doctor of Philology Sci., Professor, Uzbek State University of World Languages, Tashkent, Uzbekistan

Fayzullayev Muxammad Bakayevich, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Yusupova Hilola Uktamovna, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor. Bukhara Institute of Engineering and Technology

Ruzieva Mohichehra Yakubovna, PhD in Philology, Associate Professor. Bukhara State University

Inoyatov Sulaymon Inoyatovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. Bukhara State University

Rajabov Qahramon Kenjaevich, Doctor of Historical Sciences, Professor, Leading Researcher at the Institute of History of the Academy of Sciences of Uzbekistan

Hazretili Tursun, Doctor of Historical Sciences, Professor of the International Kazakh-Turkish University named after Khoja Ahmad Yassavi

Mamedova Irada, Doctor of Philosophy PhD, ex. History, Associate Professor, Head of the Institute of History of the National Academy of Azerbaijan

Jumaev Rustam Ganievich, Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science, Associate Professor. Bukhara State University

Timur Khuzhaugli, linguist and literary critic. Professor at the University of Michigan (USA)

Nurettin Hatunoğlu Assoc. Dr., Zonguldak Bülent Ecevit University, Faculty of Arts and Sciences, Department of History (Turkey)

Khayitov Shodmon Akhmadovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. Bukhara State University

Mullojanov Sayfullu Kuchakovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. National University of Tajikistan

Dolgov Vadim Viktorovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. Udmurt State University. Russia

Arıkkova Hafiza Taymurodovna, Doctor of Biological Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Navruzova Shakar Istamovna, Doctor of Medical Sciences, Professor, Bukhara State Medical Institute

Gushko Sergey Vladimirovich, Doctor of Economics, Professor, Vice-Rector of the State University of Economics and Technology, Krivoy Rog, Ukraine

Kurolov Kobuljon Kulmanovich, Doctor of Economics, Professor. Director of the center for retraining and retraining of teachers at the tashkent state technical university named after Islam Karimov

Mamanazarov Abdukhakim Bozorovich, Candidate of Economic Sciences, Associate Professor. Tashkent branch of Lomonosov Moscow State University M.V. Lomonosov

Sohibov Akram Rustamovich, candidate of pedagogical sciences, associate professor. Karshi State University

Umarov Bakhsullo Djuraevich, candidate of pedagogical sciences, associate professor. Bukhara State University

Hasanova Gulnoz Kasimovna, Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University



07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

ҚАТАГОН ҚУРБОНИ БҮЛГАН УЧ БУЮК СИЙМО

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.12.65.001>

Иноятов Сулаймон,

*Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори,
профессор*

Аннотация: мақолада XX асрнинг бошларида Бухоро ва умуман Туркистон заминининг мустақиллиги учун курашиб, шу йўлда катта ишларни амалга оширган уч жадид – Файзулла Хўжаев ва aka-ука Усмонхўжас ҳамда Атаяуллаҳўжас Пўлатхўжаевларнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган.

Калит сўзлар: жадид, кураиши, амирлик, Германия, Россия, Бухоро, террор, “Коммунарка”.

ТРИ ВЕЛИКИЕ ФИГУРЫ - СТАВШИЕ ЖЕРТВОЙ РЕПРЕССИИ

Иноятов Сулаймон,

доктор исторических наук, профессор

Бухарского государственного университета,

Аннотация: В статье освещается проблемы как джадиды баролись в начале XX века за независимость Бухары и вообще Туркистана. Праводатся примеры из жизни трёх репрессированных великих деятелей джадидизма – Файзуллы Ходжаева, братья Усмонходжы и Атаяуллаходжы Пулатходжасевых.

Ключевые слова: жадиды, борьцы, эмират, Германия, Россия, Бухара, терроризм, «Коммунарка».

Ўзбекистон мустақиллиги ўз халқи, ватани учун курашиб, жон фидо қилган инсонларнинг номини қайтатиклаш учун катта имкониятлар яратиб берди. Истиқлол туфайли тарихнинг кўпгина ўқилмаган сахифалари қайта кашф этилмоқда. Тарих ва халқ ўз юртидан етишиб чиқкан инсонпарвар, миллатпарвар фарзандларининг муборак номларини ҳеч қачон унутмайди.

Тарихимизнинг ана шундай зиддиятли, оғир, мураккаб, синовли ва ғоятда Ватан мустақиллиги учун сиёсий кураш кескинлашган бир даврида яшаб, халқининг озодлиги ва эркинлиги учун курашган уч давлат арбоби, миллат фидойиси, юртпарвар инсонлар Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Атаяулла Хўжаевларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритмоқ-



ЧИМИЗ.

Файзулла Хўжаев (1896-1938). У қисқа, лекин мазмунли, масъулиятли, синовларга тўлиб-тошган бир даврда ҳаёт кечирдики, бунга тарих гувоҳ. У халқи ва юртини ўйлаб, замонавий, демократик давлат қуриш ва халқини дунёга танитиш йўлида ҳатто жонини ҳам аямай, ўзини қурбон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 16 феврал ва 2021 йил 12 октябрда Бухоро вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда Бухоро заминида туғилиб вояга етган Файзулла Хўжаевнинг табаррук номини тилга олиб, бугун бу инсонга муносиб бўлиб, бу шахснинг хурматини жойига қўйишга барчани даъват этдилар.

Президентимизнинг даъватига жавобан Бухоролик олимлар оммавий ахборот воситаларида қатор чиқишлиар уюштириб, Бухоро давлат университет жамоаси (2018 йил 12-13 майда ва 2021 йил 2 июлда) халқаро илмий-назарий анжуман ўтказдилар. Бугун ҳам вилоятда бу инсоннинг номини шарафлаш учун қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Чиндан ҳам Файзулла Хўжаев тарихнинг суронли, мураккаб ва алгов-далғовли даврида сабитқадамлик билан халқини, ватанини ҳимоя қила олишга ўз умрини бағишилаган ватан ўғлонидир.

Файзулла Хўжаев Бухорода жаҳонга машҳур қоракўлчи савдогар Убайдуллаҳўжа Қосимхўжаев оиласида таваллуд топди. Дастраси маълумотни амакиси Усмонхўжа уйида ташкил қилган мактабда, сўнг Ғозиён мадрасасида ўқишини давом эттирган. Ғозиён мадрасасида ўқиётган даврда Файзулла Хўжаевга Ғуломқодир Изомий (Изомов) халфалик (репетиторлик) қилиб домла берган сабоқларни амалий машқ қилдирган. 1907-1912 йилларда Файзулла Хўжаев Москвада отаси ёллаган ўқитувчилардан якка тартибда таълим олди. 17 ёшдан жадидлар, 20 ёшидан бошлаб ёш бухороликлар ҳаракатида иштирок этди ва уларга раҳбарлик қилди.

Бухоронинг сўнгги амири Сайд Олимхон унга икки марта сиртдан ўлим жазосини тайинлади. 1918 йили Оренбургдаги оқ гвардиячилар ҳарбий суди уни отувга хукм этди.

1920 йил сентябрида амирлик тузуми ағдарилиб, Туркфронт қўмондони М.В.Фрунзе бошчилигига Бухорода амалга оширилган ваҳшийликларни кўрган Файзулла Хўжаев “Биз бундай инқилобни кутмаган эдик” деб қаттиқ ўксиниб, хато қилганини англаб, адашгани учун пушаймон бўлди.

Файзулла Хўжаев 1920-1924 йилларда БХШЖ Кенгашининг раиси (шунингдек, ҳарбий ишлар, ташқи ишлар, ички ишлар нозири) вазифаларида ишлади.

Файзулла Хўжаев отасидан қолган бойликларни ўз ихтиёри билан



давлат хазинасига топширди. Булар қуидаги: 410 кг олтин, 4,8 млн дона олтин танга, 82 кг кумуш танга, кўп миқдорда қимматбаҳо буюмлар ва ер мулкларидан иборат.

Амирликдан мерос бўлиб қолган 200 пуд (3 тонна 200 кг) олтин, 9600 пуд (153 тонна 600 кг) кумуш, гавҳар, олмос, қимматбаҳо тошлар қадалган кимҳоб-тўнлар БХР иқтисодиётини йўлга қўйиш, тиклаш, аҳолидан иккийил солиқ олмаслик, ёшларни хорижда ўқитиш, замонавий саноат ва ўқув муассасаларини очиш учун сарфланиши устидан назорат қилишни Файзулла Хўжаев шахсан ўз зиммасига олди.

Файзулла Хўжаев ёшларни замонавий билимлар билан суғормасдан муваффақиятларга эришиши мумкин эмаслигини тасаввур қилиб, бухоролик ёшларни Германия, Туркия ва Россияга юборишининг ташаббускори бўлди. Унинг бевосита раҳбарлигида Россияга юборилган болалар учун Москва марказида фабрикант Сова Морозовдан қолган уй сотиб олиниб, “Бухоро маориф уйи” ташкил этилди. Бухоро халқ Республикаси ҳар йили бу мактабнинг эҳтиёжи учун 25000 (йигирма беш минг) олтин сўм миқдорида пул жўнатиб турган.

Германияга юборилган талабалар учун Берлин банкига ҳар бир талаб ҳисобига катта миқдорда яъни 125 минг доллар жойлаштирилганлиги тарихий манбаларда келтирилган.

Файзулла Хўжаев Ўзбекистон Республикаси Халқ Комиссарлари совети раиси (1925-1937) сифатида Республигадаги хукумат ва партия раҳбарлари орасида энг обрўлиси ва халқ ишонган шахс сифатида фаолият кўрсатди.

Файзулла Хўжаевнинг ташаббуси ва унинг бевосита раҳбарлигида Ўзбекистон Республикасида 400 дан ортиқ саноат обьектлари қад ростлади. Унинг раҳбарлигида Республика иқтисодий ва маданий равнақи учун қатор тадбирлар амалга оширилди.

Кўп қиррали фаолият соҳиби бўлган Файзулла Хўжаев давлат арбоби, тарихчи, иқтисодчи олим, публицист-журналист сифатида ҳам танилган эди. Унинг 30 дан зиёд китоб ва рисолалари, 500 дан ортиқ мақолалари чоп этилган. Унинг китоб ва мақолаларида Ўзбекистон тарихининг XX аср биринчи чорагида муҳим ва ўта жиддий, долзарб ҳисобланган муаммолари ёритилган.

24 ёшида Бухоро Халқ нозирлар шўросининг раиси, 29 ёшида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ва СССР МИҚ раисларидан бири бўлган фидойи инсон ўзи хизмат қилган, бойликларини ихтиёрий топширган мафкура номидан ўлимга хукм қилинди. Бу хукм Файзулла Хўжаев эътиқод қилган жаллодлар томонидан 1938 йил 15 марта Москва атрофидаги “Коммунарка” қатлгоҳида ижро этилган.

Ф.Хўжаевнинг авлодлари унинг қаерда отилиб, қайси жойда дафн

этилгандигини сўраб турли ташкилотларга мурожаат қилиб, аниқ жавоб ололмай юрган эдилар. Унинг қатл этилган жойи Бутово, Лефортово хибсхоналари деган маълумотлар тарқалган эди. Ва ниҳоят 2018 йилнинг ноябрь ойида ижтимоий тармоқдаги Podrobno.uz сайти тарқатган маълумотда қўйидаги хабар барчанинг диққатини ўзига жалб этди. Унда кўрсатилишича, Россия Президенти Владимир Путин ўзининг чиқишиларидан бирида 1937-1941 йиллардаги “катта террор” даврида “репрессия” (қатағон) қилингандарнинг номини тиклаш тўғрисида гапириб “Ўтмишнинг бу даҳшатли ҳолатини халқ хотирасидан ўчириш мумкин эмас. Мудҳиш даврнинг ҳодисаларини тақорорланмаслиги учун унга тўғри, адолатли баҳо беришимиз зарур. Биз ва келажак авлод бу трагедияларни келиб чиқарган сабабларни аниқлаб, ҳеч қачон бундай ҳодисалар рўй бермаслиги учун курашмоғимиз ва уларнинг хотираларини тиклаб, ҳурматини жойига қўйишимиз керак” деган фикрни айтган.

1937 йил 2 сентябридан 1941 йилнинг 24 ноябригача Москванинг Новомосковская маъмурий округига қарашли Сосенское шаҳарчасида жойлашган “Коммунарка” қабристонида олти минг олти юз киши отилган. Булар орасида Литва, Латвия, Эстония, Германия, Руминия, Франция, Туркия, Болгария, Финляндия, Польша, Буюк Британиянинг фуқаролари билан бир қаторда Собиқ Иттилоқнинг барча республикаларида давлат ва сиёсий арбоблари бўлган. Москвада жойлашган ФСБ (Федаральная служба безопасности) нинг архивида сақланаётган ҳужжатлар асосида уларнинг исму фамилиялари ва отилган саналари аниқланиб, В.Путиннинг топшириғи билан 2018 йил бошидан бошлаб “Махсус “Коммунарка” тарихий хотира майдони” (Памятник истории спец. объекта “Коммунарка”) ташкил этилиб, уни қайта таъмирлаш ва қатл этилган қатағон қурбонларининг номини тиклашга киришилган.

Биз Бухоро давлат университетининг бир гуруҳ олимлари – мақола муаллифи Сулаймон Иноятов, Баҳодир Маъмурев, Обиджон Жумаевлар 2018 йил декабрь ойининг бошида Москва шаҳридан 50 км узоқликда жойлашган шу хотира қабристонига бориб, уни топиб, зиёрат қилдик. Қабристон 30-40 гектар ердан иборат ўрмонзор. Катта магистрал йўлдан кираверишда симёғочлардан бирида “Памятник истории спец. объекта “Коммунарка” (узунлиги 1,5м, эни 1 метрлик ёғоч) кўрсаткич ўрнатилган. Кираверишда тахминан (20м. X 10м жойда) бўлажак кириш биносининг пойдевори ташланган. Мозорга дарвоза ўрнатилиб “Коммунарка қабристони” деган ёзув мавжуд.

Дарвоза ичкарисида қора мармардан тикланган таҳтада “Памятник жертвам репрессии 1937-1941 г.г” деган ёзув ўйиб ёзилган. Унинг



орқасида эса 64 та тахта (доска) ўрнатилиб, ҳар бир тахтага икки қатор қатағон қурбонларининг номи ва отилган саналари ёзилган темир тахта варақлари ўрнатилган. Ҳар бир тахтачада 80-100 кишининг номи ва отилган санаси кўрсатилган. Улар кирилл алифбосида ёзилган. Шулар орасида Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва юзлаб таниш номлар борлигини аниқладик. Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев номи битилган жойга гулчамбар қўйиб, уларнинг хотираларига қуръон тиловатини амалга оширидик.

Бизлар шу қабристондан - Файзулла Хўжаев қатл этилган жойдан бир кафт тупроқ олиб қайтдик. Имкони бўлса, бухороликлар ташаббуси билан унинг туғилган заминида Файзулла Хўжаевга рамзий қабр ўрнатилиб, шу тупроқ қўйилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Маълумки, “Файзулла Хўжаев хотирасини абадийлаштириш тўғрисида” (1967 йил 1 март), “Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (1996 йил 22 февраль) қарорлари қабул қилинган. Бу қарорлар асосида маълум ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Дастлаб Ф.Хўжаев номи билан иш юритган Бухоро педагогика институтига 1937 йил С.Оржоникидзе номи берилди. 1990 йил 1 майдан мазкур институтга яна Файзулла Хўжаев номи қайтарилиди. 1992 йил февралида Бухоро давлат педагогика институтига Бухоро давлат университети мақоми берилгач, Файзулла Хўжаевнинг номи тушириб қолдирилган.

Файзулла Хўжаев туғилиб ўсган Бухородаги уй-ховли, 1925 йилда у оиласи билан Самарқанд (Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти)га кўчиб кетгач, 1937 йилда давлат ҳисобига топширилади. Бу уйдан 1980 йилгacha мактаб, педагогика билим юрти, архив, поликлиника, болалар музика мактаби сифатида фойдаланиб келинади. 1989 йилдан бошлаб уй Бухоро давлат музейи ихтиёрига ўтказилиб, 1991 йилдан бошлаб “XIX аср охири ва XX аср бошларидағи бухоролик савдогар Убайдулло Хўжанинг уй-музейи” номи билан юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги “Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш” тўғрисидаги қарори асосида Бухоро вилоят ҳокимлиги Файзулла Хўжаевнинг ҳовлисидаги музейда янги экспонатлар ташкил қилиб, унга “Файзулла Хўжаев уй-музейи” номи берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сон қарорига биноан “2017-2027 йилларда қайта ташкил этиладиган давлат музейлари” рўйхатида Бухоро давлат бадиий-меъморий музей қўриқхонасининг Файзулла Хўжаев уй-музейи “Бой савдогар хонадони уй-музейи” номи остида қайта ташкил этиш

режалаштирилган.

Бугун бу уй-музейнинг атрофи шахсий уй-жойларга бўлиб берилиб, уй-музей хароб, таъмиталаб ҳолга келиб қолган.

2026 йилда Файзулла Хўжаев таваллуд топганига 130 йил тўлади. Шу табаррук санани нишонлашгача бўлган даврда биз бухороликлар Бухоро давлат университетига унинг асосчиси Файзулла Хўжаевнинг номини тиклашимиз, миллат фидойисининг уй музейини қайта тиклашимиз, асарларини янги нашрларини чоп эттиришимиз, унинг қатор сафдошлари номини тиклаш ва абадийлаштиришимиз, у томонидан қурилган Бухородаги “Халқ уйи” (“Нардом”) номи билан машҳур бўлган биринчи театрни таъмирлаб, ундан фойдаланишни йўлга қўйишимиз, шунингдек, театр олдидағи боғ (сквер) да ва Москванинг Сосенское қишлоғидаги Файзулла Хўжаев отилган “Коммунарка” қабристонида унинг бюстини қўйиш масалаларини амалга ошириш учун фаол ҳаракат қилишимиз лозим.

Бу ишларни амалга оширишда, албатта, Республика хукумати, вилоят ҳокимлиги, Республика ва Бухоро вилоят “Қатағон қурбонлари хотираси” музейлари, барча мутасадди ташкилот ва муассасалар жамоаси ва халқимизнинг бегараз ёрдами ҳамда кўмаги зарур.

Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1878-1968)

Таниқли давлат арбоби, Бухородаги жадидлар ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири, миллатпарвар, Ватан, унинг мустақиллиги учун бир умр курашган инсонлардан бири – Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғлидир. Ўзбекистонимиз мустақилликни қўлга киритгунга қадар барча тарихчи-тадқиқотчилар Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғлининг фаолиятига “ватан хоини”, “инглиз жосуси”, “сотқин”, “буржуа миллатчиси”, “инқилоб душмани”, “туркпарат”, “исломпарат” каби ўнлаб тамға-ю ёрлиқларни ёпишириб келдик. Кечагидек эсимда, энг йирик Ўзбекистон тарихчилари ҳам тухмат ёрлиқларини қайта-қайта тақрорлар ва ҳамма асарларига ҳам киритган эдилар. 1950-1960 йилларда чиққан О.Эшоновнинг асарларини варакланг, 1983 йилда X.Турсунов ва А Макашовларнинг рус тилида чоп этган “Бухоро коммунистик партиясининг ташкил топиши ва фаолияти” китоби, X.Ш.Иноятовнинг Москва “Мыслъ” нашриётида 1984 йилда чоп этилган “Ўрта Осиё халқлари интервентларга ва ички контрреволюцияга қарши курашда” монографияларида Шарқий Бухородаги воқеалар таҳлил қилинар экан, Усмонхўжа Пўлатхўжанинг сотқинлиги, ватанга





хоинлик қилиб босмачилар томонига ўтиб кетганлиги, жумхурият ҳукумати ҳамда марказий ҳукумат ташкилотларини фавқулодда заифлаштиргани, қишлоқларда тузилаётган ревкомлар раҳбарларига бойлар, қўрбошилар, амир амалдорларини қўйишга интилиб, ҳалқ орасида советларга қарши миллатчилик ишлари олиб борганлиги, ҳатто Шарқий Бухорога жўнатилган укаси Отахўжаев орқали тор-мор қилинган амир қўшинлари қолдиқларидан тузилган босмачилар тўдаси билан алоқа ўрнатганлиги ҳақидаги хабарлар билан уни қоралашга уринганлари сир эмас.

Мустақил Ўзбекистон тарихини ёритишга, тарихий ҳакиқатни тиклашга уринган касбдош дўйстларимиз, бугуннинг йирик тарихчилари Рустам Шамсуддинов, Қаҳрамон Ражабов, Шодмон Ҳайитов каби қатор муаррихлар Усмонхўжа Пўлатхўжанинг пок номи ҳалқ ва Ватан олдидаги хизматларини қатор мақолалари, рисола ва тадқиқотларида тикладилар. Бу буюк инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини илмий асосда ўрганиш ва ёритиш давом этмоқда.

Усмонхўжа Пўлатхўжаев йирик савдогар, Бухорои Шарифда машҳур Пўлатхўжа оиласида 1878 йилда Ўш шаҳрида туғилиб, дастлабки саводини Бухоро мадрасаларида 1908 йилдан 1912 йилгacha эса Истанбулда таҳсил олди. У дўсти Ҳомидхўжа Мехрий билан бирга Анвар Пошо (1881-1922) билан мулоқотда бўлганликлари манбаларда кўрсатилган.

“Усмонхўжа, - деб таъкидлайдилар Қ.Ражабов ва Ш.Ҳайитовлар, - XX аср бошларида Туркияга илм олиш мақсадида биринчилардан бўлиб сафар қилган илғор фикрли ёшлардан эди. У Туркия сафаридан қайтгач, 1912 йилда яна 30 нафар бухоролик ёшларни Истанбулга таҳсил олиш учун юборилди. Хуллас, 1911-1913 йилларда Усмон Хўжанинг туғишган укаси Отаулла Хўжаев (1880-1937) ва Мазхар Махсум, Бурхон Махсум, Абдурауф Фитрат, Муқимбеклар ҳам Туркияда ўқиб қайтдилар”.

Усмонхўжа Туркиядан қайтгач жадидчи, сўнгра эса ёш бухороликлар ҳаракатининг кўзга кўринган арбобларидан бирига айланади. Бухорода унинг ташаббуси ва бошчилигида янгича услубдаги бир қатор мактаблар очилади. У ташкил этган мактабда ўқувчилар дунёвий фанларни ўрганадилар. Бу мактабда глобус, хариталар ҳам мавжуд бўлган. Ҳатто Файзулла Хўжаев Усмонхўжа ташкил қилган мактабда биринчи таҳсилни олган.

Усмонхўжанинг Бухорода ўз уйида очган мактаби ҳақида Файзулла Хўжаев кейинчалик “Хотирамда” деб номланган мақолосида алоҳида маълумот беради. Бу мактабда форс-тожик тилида дарслар олиб борилган. Мактабда ўқувчилар замонавий, дунёвий билимларни эгаллагач, ота-оналар иштирокида имтиҳон топширганлар. Ўқув йили

1 октябрдан бошланиб, таълим ва тарбия қўшиб олиб борилган.

1916-1917 йилларда Бухорода жадидчилик ҳаракати кучаяди. Усмонхўжа ёш буҳороликлар партиясининг энг обрўли аъзоларидан бўлиб, у хазиначи вазифасини бажарган. 1918-1920 йилларда Усмонхўжа Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида яшаб, Бухоронинг озодлиги учун курашган.

Бухорода амирлик тузуми ағдарилгач, Усмонхўжа бу хукуматда Молия нозири (1920-1921), Давлат назорати нозири вазифаларини бажаради.

1921 йили августда бўлиб ўтган Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти II иккинчи қурултойида Усмонхўжа Пўлатхўжаев БХШЖи Марказий ижроия қўмитаси раиси, яъни президенти этиб сайланади. У бу лавозимда 1922 йил январигача фаолият қўрсатди.

1922 йил бошларида муҳожирликка кетишга мажбур бўлган Усмонхўжа қолган 46 йиллик умрини хорижда яшади .У аввал Афғонистонда бироз истиқомад қилиб, Туркия Республикасига кўчиб ўтди. Туркия президенти Мустафо Камол Отатурк, Усмонхўжа Пўлатхўжаевни давлат органларида ишлашга таклиф этди. Бироқ, Усмонхўжа ўз умрини Туркистон тарихи , маданиятини ўрганиш, истиқлол учун курашишга бағишлиашни айтиб ушбу таклифни рад этди. Отатурк Усмонхўжага салмоқли миқдорда шахсий нафақа белгилади. Туркияда Пўлатхўжаев турк тилида, араб имлосида “Йени Туркистон” (“Янги Туркистон”) журналини чоп эттирди. Ушбу журналнинг 1927-1932 йилларда 24 та сони нашрдан чиқди. “Янги Туркистон” атрофида Туркиядаги ўзбек муҳожирларнинг зиёли қисми жипслашди. Туркиядаги “Туркистонликлар жамияти”ни тузишда, “Туркистон озодлиги куни” тадбирларини ўtkазишда Усмонхўжа Пўлатхўжаев фаол иштирок этди.

Усмонхўжа Пўлатхўжаев ватанпарвар ва истиқлол учун толмас курашчи бўлганлиги учун Шўро хукуматининг маҳсус идоралари хорижда ҳам уни таъқиб қилишни бир дақиқа тўхтатганлари йўқ. Тақдир тақозоси билан унга Польша, Фарбий Эрон, Шарқий Туркистон (XXР), Покистон каби мамлакатларда яшашга тўғри келди. Усмонхўжанинг 1947 йилда Истанбулда таваллуд топган ўғли Темур Хўжа адабиётшунослик ва бадиий ижодиёт, сиёсатшунослик, журналистика соҳалари билан шуғулланиб, у биринчи марта 1991 йилда ота-боболари юрти Ўзбекистонга ташриф буюриб, 250 дан ортиқ қавм-қариндошлари билан дийдор кўришди.

У “Ўзбек ва қозоқ романчилигига миллий онг масаласи” мавзусида филология фанлари доктори илмий даражасини олган. Темур Хўжа Бухорода бўлганида отаси Усмонхўжа ҳаётининг сўнгти дақиқасигача Ватан ишқи ва меҳр-муҳаббати билан яшаганлигини, фарзандларига ҳам

Ватан меҳрини қолдирғанлигини қайта-қайта таъкидлади. Усмонхўжа Пўлатхўжаев совет мафкураси асосида ёзилган китоблардаги сингари “айғоқчи”, “хоин”, “ватанфуруш” эмас, аксинча ҳақиқий ватанпарвар, озодлик ва мустақиллик учун курашган жасур инсон, маърифатпарвар, йирик сиёсатчи ва давлат арбоби бўлганлиги бугун кўпчиликка аён эканлигига Темур Хўжа ҳам ишонч ҳосил қилди. Усмонхўжа ўғли Темур Хўжа сўнгги йилларда Ўзбекистонга яна тўрт марта ташриф буюриб, кейинги ташрифи 20-23 июнь ва 21-23 декабрь 2019 йилда бўлиб, у ота юрти Бухорода бўлди. Бухоро давлат университети, Бухоро муҳандислик технология институти ва Бухоро шахрининг музейлари ҳамда тарихий жойларида бўлиб, кейинги йиллардаги ўзгаришларни кўриб чексиз қувонди. У қатор учрашувларда иштирок этиб, телеканалларда интервьюлар бериб, бугунги Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамиятидан муҳим ўрин эгаллаётганига алоҳида ургу берди.

Усмонхўжа Пўлатхўжаев сингари умрбоқий шахсларнинг ибратли ҳаёт йўли истиқлонимиз учун курашлар солномасидан мустаҳкам ўрин олишига шубҳа йўқ.

Атаулло Хўжаев (1880-1937)

Бухоро жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчisi, амирлик Бухоросини демократик Бухорога айлантиришни мақсад қилган, Бухоро Xалқ Республикасининг фаолларидан бири, ўз ғоялари учун жонини ҳам аямаган, Файзула Хўжаевнинг сафдошлидан бири – Атаулла Хўжаевdir.

Таниқли тарихчи олим Қ.Ражабов Атаулла Хўжаев ҳақида қўйидаги фикрларни баён этган: “Атаулла Хўжаевнинг номи XX аср биринчи чорагидаги архив хужжатлари, даврий матбуот материаллари ва бошқа расмий Хўжаев, Ота Пўлатович Хўжаев, Ота Хўжа Пўлат Хўжаев, Отакўжа Пўлатхўжаевич Хўжаев, Атаулла Хўжаев каби номлар билан тилга олинади. У таниқли давлат арбоби Усмонхўжа (1878-1968)нинг укаси эди. Атаулла Хўжаев бухоролик йирик савдогар Қори Пўлатхўжа оиласида 1880 йилда туғилган, Бухорода мадраса таҳсилини олган. Сўнгра акаси Усмонхўжа, Фитрат ва бошқалар билан биргаликда Истанбулда таҳсил олган (1909-1913). “Тарбияи атфол” ташкилоти ва Ёш бухороликлар партияси фаолиятида қатнашган.”

Ўзбек адабиётшунос олими Ҳамидулла Болтаев бир неча марта Туркияда бўлиб, Истамбул университетида таҳсил олган бухороликлар, Ўрта Осиёликлар ҳаётини ўрганганди. У киши билан сухбат жараёнида



аниқладикки, Атаулла Хўжаев Истамбулда юртдошлар учун тайёрлов курси очиб, Бухоро ва Туркистондан келганларни ўқитиб, турли ўкув юртларига киришга тайёрлаган. Бу жараён “Низомнома”да ва Закий Валидий асарларида ёритилган.

1913 йилнинг баҳорида Туркияда ўқиётган Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Ҳамидхўжа қатори Атаулла Хўжаев ҳам Бухорога қайтиб келдилар. Улар Бухорода “усули жадид” мактабларини Усмонхўжанинг ҳовлисида (буғунги Бухоро шаҳридаги Пойи Калон гузари, Хўжа Гулрез 13-й) очишига, ёшларни маърифатли қилишга ҳаракат қила бошладилар. Уларнинг ташабbusлари билан “Маърифат кутубхонаси” ва “Баракат ширкати” тузилиб бу кутубхоналарни китоблар, дарсликлар билан таъминлаб турдилар. Бу кутубхоналарга Туркия, Татаристон, Крим, Озарбайжондан зиёли жадидларнинг китоблари, дарслик ва қўлланмалар келиб турди. Шу даврда Усмонхўжа ва Ҳамидхўжалар Бухорода, Атаулла Хўжаев ва Фитрат Шаҳрисабзда янги мактаблар очдилар. Айниқса, 1914 йилдан бошлаб амир таъқиби асосида Бухорода жадид мактаблари ёпила бошлагач, Фитрат ва Атауллахўжалар бошчилигида Ғиждувон, Кармана, Нурота, Чоржўй, Карки каби манзилларда янги усул мактабларини очишига муваффақ бўлдилар. С.Айний 1914 йилги Бухорода юз берган воқеалар тафсилотини баён қиласар экан: “Бу орада Фитрат билан Атаулла Хўжаев Бухорога қайтиб келиб, мактаблар ислоҳида бош бўлиб, мактаблар очиш йўлида қатор ишларни амалга ошириб, ёшлар ва муаллимлар билан маслаҳатлашган ҳолда мактаблар атрофида бирлашдилар”, - деб ёзган эди.

1917 йил апрель ойида амир томонидан ислоҳот манифестини тайёрлаш ва эълон қилишда бошқа тарақкийпарвар зиёлилар қатори Атаулла Хўжаев ҳам фаол қатнашди. Ана шу маросимдан кейин намойиш ўтказилди. Намойишда кўнгилсиз воқеалар бўлмаганлиги ва у тинч ўтганлиги тўғрисида амирнинг вазири Қушбегини хабардор қилмоқ учун унинг ҳузурига Марказий Комитет аъзоларидан Атаулла Хўжаев, Мирбобо ва Юсуфзодалар вакил қилиб юборилади. Аммо Аркка етиб келган вакиллар ҳисбсга олинадилар. Кўп вақт ўтмай ҳукумат жадидларнинг қудратли кучини ҳис қилиб, уларни озод қиласар.

Атаулла Хўжаев ва унинг дўстлари амирикда конституцион монархия ўрнатиш ҳамда меҳнаткашлар оммасининг фаровонлигини ва маданиятини ошириш учун Бухорони иқтисодий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш ғоясини илгари сурдилар. Шунинг билан бир қаторда, улар деҳқончилик ва ер-сув масалаларига ҳам катта эътибор бердилар. Маърифатпарварлар қишлоқ хўжалик мактабларини очиш ҳамда агрономия билимларини омма орасига ёйиш каби илғор фикрларни ҳам илгари сура бошладилар.



1918 йилнинг марта туркистонлик “инқилобчи” Колесов амирга қарши юришда кенг халқ оммаси бизга эргашади, деб қўпчиликни ишонтирган эди. Колесов амирлик устидан ғалабани осонлик билан қўлга киритиш маҳсадида маҳаллий шароитни ҳисобга олмай, Бухорога юриш қилди. Унга ёш бухороликлар ташкилотининг алданган баъзи бир аъзолари фаол ёрдам бердилар. Бирок, Колесов юриши кутилган “натижа”ни бермади. Пировардида ёш бухороликлар ташкилотининг фаол намояндалари қаттиқ қувғин қилиндилар. Файзулла Хўжаевнинг ёзишича, бу урушда Бухорода бегуноҳ 3000 (уч минг) киши ҳалок бўлган.

Ёш бухороликларнинг қирғиндан кутулиб қолган 150-300 кишилик гуруҳи Туркистон АССРга қочиб бориб, у ерда икки сиёсий марказ тузди. Бу марказларнинг бири Самарқандда, бири эса Тошкентда эди. Самарқанд марказига Раҳмат Рафиқ ва Атаулла Хўжаев, Тошкент марказига эса И.Акбаров, А.Бурҳонов ва Ф.Хўжаевлар бошчилик қилдилар. Марказнинг асосий вазифаси ташкилот аъзоларига моддий ёрдам бериш, уларни иш билан таъминлаш, маблағ тўплаш ва уни тақсимлашдан иборат эди. Атаулла Хўжаев 1920 йилнинг сентябрь ойигача ёш бухороликлар партиясининг сафида бўлди. Маълумки, ёш бухороликлар ўша вақтда Бухорони мустақил давлат сифатида кўришни орзу қиласар эдилар.

Бухоро партархивидан топилган бир ҳужжатда 1920 йил июлида ёш бухороликларнинг Туркистондаги марказий бюроси Атаулла Хўжаевни Москвага коммунистик интернациональ конгресига қатнашиш учун вакил қилиб жўнатади. Конгресс йиғилишида Атаулла Хўжаев шахсан ўзи Ленинга ёш бухороликларнинг дастури ва унга илова сифатида ўзининг хатини топширади. Хатнинг мазмуни қуйидагича: “Ўртоқ Ленинга ёш бухороликлар партияси аъзоси Атаулла Хўжаевдан ариза. Ёш бухороликлар партияси Бухорода энг кучли ва оммабоп партия ҳисобланади. У 1908 йилда ташкил топган ва бу партия фаоллари икки марта амирни таҳтдан ағдариб ташлашга уриниб кўрди. Партия жанговор отрядлар тузган. Амир армиясида ҳам ёш бухороликларга хайриҳоҳлар анча. Биз Россия коммунистик партиясининг ёрдамисиз ғалабага эриша олмаймиз. Шунинг учун бизни III Коммунистик Интернационал секцияларидан бирига қабул қилишингизни сўраймиз. Қолган барча муаммоларни тушунтириш учун мени шахсан қабул қилишингизни сўрайман.” Ленин бу хатни Шарқ ҳалқлари коммунистик ташкилотининг раҳбари И.Сталинга йўллайди. Маълумки бу пайтда Москва Бухоро устига “юриш”га ва бу жараён яқин кунларда амалга ошиши учун тайёргарлик кўрилаётган эди. Хат эътиборсиз қолдирилди. Аммо бу хатдан бир неча масалага аниқлик киритиш мумкин. Биринчидан, ёш

бухороликлар гурухи 1917 йилда эмас, 1908 йилда ташкил этилганлиги, иккинчидан, ёш бухороликлар большевикларга, айниқса, унинг “доҳийси”га жуда катта ишонч билдирганлар, учинчидан, бухоролик зиёлилар Бухорони мустақил давлат сифатида қўришга қатъий ишонч билан қараганлар.

Файзулла Хўжаевнинг сафдоши бўлган, Бухорода амир ва унинг амалдорлари юритаётган сиёсатдан қаттиқ норози бўлган, Бухоро халқини озод қилишга киришган, миллатнинг жонкуярларидан бири Атаулла Хўжаев Бухоро амири томонидан 1915 йилда 45 кун зинданда сақланган. 1917 йилда иккинчи бор Бухоро амири уни қамоққа олган.

Файзулла Хўжаев ўзининг “Бухоро инқилобининг тарихига доир материаллар” китобида сафдоши Атаулла Хўжаевнинг Бухорода демократик тузум ўрнатиш учун қилган саъй-харакатларини саккиз жойда тилга олади.

Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташлангач, 1920 йил 6 октябрда Ситораи Мохи-хоса саройида икки мингга яқин делегат иштирокида қурултой ўтказилиб, унда Атаулла Хўжаев Ички ишлар нозири лавозимига тайинланади. Орадан озгина фурсат ўтгач, Атаулла Хўжаев Қарши вилояти инқилобий қўмитаси (ревкоми) раиси вазифасига ишга юборилади. 1921 йилда Файзулла Хўжаевнинг топшириғи билан Шарқий Бухоро-Душанбega “босмачилик ҳаракатини” ўрганиш ва “чора” қўриш учун Атаулла Хўжаев бошчилигига Содик Муҳаммадиев ва Наимжон Ёқубзодалардан иборат комиссия юборилади. Комиссия аъзолари у ердаги Қизил армия қисмлари қўмондонлиги билан “келишиб”, Кўлоб вилоятининг Балжувон туманида ҳаракат қилаётган босмачи гурухларининг қўрбошилари Давлатмандбий, Комилбой ва Каюм Тўқсаболар билан учрашади. Олдиндан келишилган тавсияларга кўра бу ерда битим-келишув тузилади ва имзоланади. Битим-келишувда айрим маълум талаблар қўйилади:

“Битим-келишув:

Оллоҳ ва Ислом динига чексиз ҳурмат билдириб, Бухоро аҳли – фуқаросининг тинчлиги ва осойишталиги йўлида тубундаги шартлар асосида келишиб олдик:

Биз – Шарқий Бухоро халқи розилиги билан Мустақил Бухоро Республикасини тан оламиз ва унинг қонунларига оғишмай амал қиласиз; Муборак Бухорони босиб олган Русия қўшинлари дарҳол олиб чиқиб кетилиши ва давлатда тартиб ўрнатиш Мустақил Бухоро хукумати кўлида, ўз армияси кучидан фойдаланиш орқали бўлиши керак;

Бирорта ҳам хорижий мамлакат табаррук Бухоронинг ички ишларига аралашмасин;

Ҳамма бўғинларда раҳбар ходимлар фақат аҳли Бухоро орасидан

танланиши керак. Улар бизнинг дин, урф-одат ва анъаналаримизни билиши, ҳурмат қилиши шарт.

Тўнтаришдан сўнг Русия армиясининг маҳсус отрядлари халқни қириб, мулкларини талади, Шарқий Бухорони шип-шийдон қилиб кетишиди. Бу талаб кетилган мулк ва бойлик Русия ҳукумати томонидан Бухорога қайтарилисинг;

Ушбу шартларга риоя этилса, биз ўз ислом армияларимизни тарқатиб юборамиз ёки ҳукумат ихтиёрига ўтамиш. Лозим бўлса табаррук Бухоро давлати вакилларига қуролларимизни топширамиз. Бухоро душманлари – бизнинг душманимиз, дўстлари – дўстимиз бўлиб қолажак;

Русия давлатини ҳурмат қиласиз, агар бизга ўз ҳукмини ўтказиш сиёсатини тўхтатса;

Ички ишларимизга аралашибга уринаётган инглизларни миллат, давлат ва динимиз душмани деб биламиш.

Халқимиз тазиик ўтказган, миллат олдида жиноят қилган (12 киши рўйхати бор)лар жазога тортилиши керак;

Булар амалга оширилмаса, ҳамма уринишларимиз бекор кетади ва кураш давом этаверади.

Бухоро вакили Ота Хўжаев: - Давлатмандбий Камолиддин ўғли.”

Бу битим-келишувга Атаулла Хўжаев ва Давлатмандбий Камолиддин ўғли имзо чекканлар. Кейинроқ бу ҳужжат Москвада муҳокама қилиниб ташқи ишлар нозири Чичерин Ф.Хўжаевни, ўзбекистонликларни қаттиқ койиб, қўпчилик бухороликларни советларга қарши чиқаётганликда айлаган ва айримларни ишдан четлаштиришни талаб қилган.

1922 йилнинг январь-май ойларида Атаулла Хўжаев Россия давлатида БХСРнинг муҳтор вакили бўлиб хизмат қилади. 1923 йил май ойидан эса Халқ Нозирлар Кенгаши Раиси лавозимини вақтинчалик бажара бошлади. Архив материалларида келтирилишича, 1922 йил 21 августда Ф.Хўжаев касаллиги тўғрисида ариза ёзиб, Россия ёки Германияда даволаниш учун уч ойга руҳсат беришларини сўрайди. Ф.Хўжаевнинг аризаси қондирилиб, унга уч минг тилло даволаниш учун ажратилади ва чет давлатлар билан иқтисодий ва ташқи алоқалар ўрнатишга ижозат берилади.

“Бухоро ахбори” газетасининг 1922 йил 19 октябрдаги 103-сонида берилган “Туркларнинг ғалабаси муносабати ила Бухорода байрам” сарлавҳали хабарда Бухородаги масжиди Калон жомъе мсжида 12 октябрь куни Халқ Нозирлар Шўросининг муваққат раиси Ато Хўжа ва Марказий Ижроия Қўмита раиси биринчи муовини Аминов ва Муқим Каримовлар турк аскарларининг инглизлар бошлиқ юононлар устидан ғалаба қозонгандарига шарафига турк биродарларини қутлаш мақсадида катта митинг ўтказдилар деб хабар берилган. Митингда Ато Хўжа катта

нутқ сўзлаб, туркларнинг ғалабаси билан табриклаб, Туркия ҳукумати номига иштирокчилар ва Бухоро ҳукумати номидан табрик йўллашни таклиф этади.

Файзулла Хўжаев даволанишда бўлган 4 ой давомида Нажим Ҳусаинов бошчилигидаги бир грух сўл коммунистлар ҳокимиятни эгаллаш учун кураш бошлайдилар. 1923 йил июнь ойида РКП(б)МК Ўрта Осиё бюроси раиси Рудзутак бошчилигидаги комиссия Фитрат, Атаулла Хўжаев ва бир қатор масъул ходимларни ишдан четлаштириб, Бухоро худудидан сургун қилишга қарор қиласди. Файзулла Хўжаев Германиядан қайтгач, Бухоронинг мустакил давлат сифатида иш кўриши учун курашган ўз сафдошларини қутқаза олмайди. Большевиклар ўз мақсадларига эришиш ва БХСРни давлат сифатида йўқотиш учун Ўрта Осиёда миллий чегараланишни амалга оширадилар.

Атаулла Хўжаев Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг ногиронларнинг Бутун ўзбек уюшмаси (Всеузбексоюз) раиси ўринбосари (1925), 1930-1933 йилларда Хоразм округи ва Тожикистон АССРда турли лавозимларда ишлаган. Кейинчалик Кисловодскдаги “Ўзбекистон” санаторийси директори, “Ўзбекбирлашув” тизимида масъул ходим (1935-1936), Бухоронинг Лаби ҳовузида жойлашган биринчи гастрономнинг ташкилотчиси ва директори (1935-1937) лавозимларида ишлаб эл-юрга муносаб хизмат қилиб келди.

1937 йил Собиқ Иттифоқда бошланган маъмурий-буйруқбозлик сиёсатининг авж олиши, шахсга сигинишнинг кучайиши оммавий-сиёсий қатағонликларга йўл очиб берди.

Файзулла Хўжаевни бадном қилиш мақсадида унинг барча сафдошлари қатори Атаулла Хўжаев ҳам 1937 йил 17 январида Бухорода қамоққа олинади. У 57 ёшга кирган бўлиб, ташвишлардан вақтли кексайган, соchlарига оқ оралаган бир ҳолатда Бухоро шаҳридаги гастрономда ишлар эди.

Ўша даврнинг ўлим машинаси ҳисобланган “учлик”нинг қарори билан Атаулла Хўжаев БХСРнинг 17 раҳбарлари қатори 14 октябрда отувга ҳукм қилинади. Тошкентда 1937 йил 25 октябрда ҳукм ижро этилади. Атаулла Хўжаев 1965 йил 2 декабрда вафотидан сўнг оқланган.

Файзулла Хўжаевнинг сафдошларидан бири, халқимизнинг оташин фарзанди, эрк ва озодлик курашчиси Атаулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятини янада мукаммал ўрганиш биз тарихчиларнинг олдимизда турган муқаддас вазифадир.

Хулоса. Ҳар уччала қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганар эканмиз, бугунги мустакил Ўзбекистонимиз тараққиётининг дунёвий мавқеини ҳисобга олиб, айрим мулоҳаза ва хулосаларни таклиф



этмоқчи эдим:

бириңчидан, Файзулла Хўжаевнинг 2026 йилда 130 йиллик юбилейини халқаро миқёсда ўтқазиш ва бу соҳадаги тадбирларни давлат даражасида тайёрлашга эришиш;

иккинчидан, Файзулла Хўжаев ва унинг сафдошлари, жумладан, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Атаулла Хўжаев, А.Фитрат, ака-ука Бурхоновлар, Ф.Мунзим кабиларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишилаб Республика, вилоят миқёсидаги тадбирларни ўтказиш;

учинчидан, барча қатағон қурбонларининг асарларини тўплаш ва улар хақидаги китобларни чоп эттиришни ташкил этиш;

тўртингчидан, ҳар уччала қатағон қурбонлари туғилган замин – Бухоро шарифда уларнинг номларини абадийлаштириш;

бешинчидан, Бухоро жадидчилик ҳаракатининг қурбони бўлган фаолларнинг сони уч мингдан ортиқ кишиларни ташкил этади. Уларнинг номларини тиклаб, Бухоро шаҳрида “Жадидлар хиёбони” ва “Жадидлар музейи”ни ташкил этиш бугунги авлодлар зиммасида бўлган энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар

1. Алиев С. Бухорода битилган байтлар: (Адабий мақолалар ва хотиралар) –Т.:Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1992, 46-47-бетлар.
2. Ражабов Қ. Файзулла Хўжаев (Тарихий эссе) Т.: “Абу Матбуот-консалт”, 2011.
3. Хайитов Ш.А. Файзулла Хўжаев – миллат фидойиси, юртпарвар инсон, донишманд сиёсатчи // “Файзулла Хўжаев – инсон, сиёсат арбоби ва миллат фидойиси” мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари. Бухоро – 2018, 6-7 бетлар.
4. Ўзбекистон МДА. 48 жилд, 1-рўйҳат, 79-иши, 51-варақ.
5. Иноятов Сулаймон. Эл ботирин унутмайди! Бухоронома, 2019 йил 30 январь;
6. С.Иноятов. Жасорат ҳеч қачон унутилмайди (Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида). Бухоро адабиёти ва санъати, 2019 йил 30 январь.
7. Болтаев А.А. Файзулла Хўжаев уй-музейи // Файзулла Хўжаев – миллат фидойиси, юртпарвар инсон, донишманд сиёсатчи // “Файзулла Хўжаев – инсон, сиёсат арбоби ва миллат фидойиси” мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция (Халқаро миқёсдаги олимлар иштирокида) материаллари тўплами. Бухоро – 2018, 127-130 бетлар.
8. Халқ сўзи, 1996 йил 23 февраль, Бухоро вилоят ҳокимининг 62-сон қарори, 1996 йил 20 март.
9. WWW/Lex.uz

10. Шамсуддинов Р. Усмонхўжа Ватан хоини эмасди. Халқ сўзи, 1991, 15 октябрь.
11. Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмонхўжа (рисола) Т.: “Абу матбуот-консалт”, 2011.
12. Файзулла Хўжаев. Хотирамда. Бухоро аҳбори, 1921 йил, 1 сентябрь, 48-сон.
13. Ҳайитов Ш. Усмонхўжа Пўлатхўжаев – миллий истиқлол курашчиси. Бухоро-2006
14. Ражабов Қ. Унтилган сиймо // Бухоро мавжлари, 2010. №3, 45-Б.
15. Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. Т.: “Университет”, 2006. 70—Б.
16. Айний С. Таърихи инқилоби Бухоро. –Душанбе, 1987, 1186
17. Ходжаев Ф. Избранные труды. Т.1. – Т.: «Фан», 1970. С 71.
18. Воҳидова М., Эргашев Б. Ёш бухороликларнинг Ленинга хати. Советская Бухара, 1990, 27 декабря.
19. Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига доир материаллар. Т.: “Фан”, 1997, 61-174 бетлар.
20. Ўзбекистон МДА 14 жилд, 1-рўйхат, 168-иш, 2-варақ.
21. Бухоро аҳбори, 1922 йил 19 октябрь
22. Ражабов Қ. БХСР собиқ раҳбарларининг 1937 йилда катағон қилиниши// Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожеали оқибатлари. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент-2012, 67-68 б.
23. Эргашов Б., Муҳаммаджонова Л. Озодлик учун курашчи. Бухоро ҳақиқати. 1995, 11 январ;
24. Наимов Н. Атаулло Ходжаев. Бухарский вестник, 2000, 9 августа;
25. Наимов Н. Фитрат фожеаси. Т.: “Фан”, 2005.



**МИЛЛИЙ МАСАЛА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ
ДАВЛАТИНИНГ МИЛЛИЙ СИЁСАТИ
(XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИ)**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edires.2022.12.11.002>

Давлатова Шоира Шодавлатовна,

*Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси
китта ўқитувчиси*

Аннотация. Уибу мақолада давлат бошқарув тизимида миллий масаланинг ўрни, унинг тарихий даврдаги сиёсий жараёнлар билан алоқаси, совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистонда юритилган миллий сиёсатнинг характери ҳамда марказ томонидан мамлакатимизга нисбатан амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақидаги айrim жиҳатлар ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: миллий масала, миллий сиёсат, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзбеклаштириш, маҳалийлаштириш, маҳалийлаштириш ва ўзбеклаштириш комиссиялари.

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ВОПРОС И НАЦИОНАЛЬНАЯ
ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ
(20-Е ГОДЫ XX ВЕКА)**

Давлатова Шоира Шодавлатовна,

старший преподаватель кафедры Гражданского общества

Термезского государственного университета

Аннотация. В данной статье отражена роль национального вопроса в государственном управлении, его связь с политическими процессами в исторический период, характер национальной политики в Узбекистане в советское время и меры, предпринятые центром против нашей страны.

Ключевые слова: национальный вопрос, национальная политика, самоопределение, узбекизация, локализация, комиссии по локализации и узбекизации.

**THE NATIONAL QUESTION AND THE NATIONAL POLICY
OF THE SOVIET STATE IN UZBEKISTAN»**

(20S OF THE XX CENTURY)

Davlatova Shoira Shodavlatovna,

Senior Lecturer, Department of Civil Society, Termez State University

Abstract. This article reflects the role of national issues in the system of public administration, its relationship with political processes in the historical period, the nature of national policy in Uzbekistan during the Soviet era and the measures taken by the center against our country.

Key words: national issue, national policy, self-determination, Uzbekization, localization, localization and Uzbekization commissions.

Кириш. Миллий масала турли ижтимоий-иқтисодий тузумларда миллатлар ва элатлараро иқтисодий, худудий, сиёсий, ҳуқуқий, ғоявий, маънавий ҳамда маданий муносабатлар йифиндиси ҳисобланади. Жаҳон давлатчилиги тарихий тараққиётидан маълумки, миллий масала ҳар қандай давлат, айниқса, кўпмиллатли, полигэтник давлатлар учун муҳим ўрин тутади. Ҳар бир давлат ўз фаолиятида миллий сиёсатни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади. Миллий сиёсат ҳам давлат сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, илмий-техникавий, маданий, маърифий, маънавий, экологик ва бошқа жабҳалар билан алоқадорликда шаклланиб, ривожланиб боради.

XX аср бошларидағи Ўрта Осиё (айни вақтда Марказий Осиё), жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида юзага келган ижтимоий-сиёсий ҳолат, Россия империяси томонидан олиб борилган мустамлакачилик сиёсати ўлқада миллий масала, миллий муносабатларга жиддий эътибор беришни тақозо этарди. Бу даврда совет ҳукумати большевиклар партияси раҳнамолигида миллий республикаларни ўз исканжасида ушлаб туриш учун барча чора-тадбирларни қўллади, давлатнинг бошқа соҳалари билан бир қаторда миллий сиёсатда ҳам ҳар бир тарихий босқич, ҳар бир вазиятдаги шарт-шароит, ўз мақсадларидан келиб чиқиб йўналиш ҳамда моҳиятини ўзгартириб турди.

Тадқиқот методологияси. Мақолада умумий қабул қилинган усуслар-тарихий таҳлил, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида XX асрнинг 20-йилларида совет давлатининг Ўзбекистонда олиб борган миллий сиёсати ва унинг кадрлар фаолиятига таъсири баён этилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мақола учун бирламчи маълумотларни Ўзбекистон Миллий архивининг 86-фонд 5169, 3646, 3653, 4463, 3, 5200 ишларидан иборат ҳужжатлар ташкил этади. Бундан ташқари ўша давр матбуот материалларидан бири ҳисобланган “Правда Востока” газетасининг 1925 йил 9 мартағи сонидан, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитети съездлари ва пленумлари материалларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Миллий масаланинг қўйилиши ва характери муайян тарихий даврнинг хусусиятларига ҳамда ҳар бир миллат ижтимоий тараққиётининг алоҳида шароит ҳамда босқичларига боғлиқ. Миллий масаланинг қандай ҳал этилиши ҳам бевосита давлатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолатлар, бошқарув тизими фаолиятининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши билан алоқадор. Миллий масала ўта



нозик ва айтиш мумкинки, ниҳоятда қалтис масала. Бошқарув аппарати томонидан бу масала түгри, реал ёндашувлар асосида ҳал этилмаса давлат тараққиёти, ҳатто тузумини ҳам ўзгартириб юбориши, турли миллат ва элат вакиллари орасида қарама-қаршиликлар, низолар, келишмовчиликлар, зиддиятлар, уруш-жанжаллар келиб чиқиши табиийлиги жаҳон ҳамжамиятидаги айрим давлатларда бўлган тарихий воқеалардан маълум. Миллий масала түгри ҳал қилинмаган давлатда миллатчилик, яъни, миллат айриш, миллий муносабатлар тўқнашуви, бир миллат вакилларининг ҳақ-хукуқлари бошқа миллат вакиллари ҳақ-хукуқларидан устун қўйилиши, ўз эҳтиёж ва манфаатларини ўйлаб, бошқа миллат ва халқ вакилларининг хукуқ ҳамда эркинликларини назар писанд қилмаслик жамият ҳаёти, тинчлиги ҳамда барқарорлигини издан чиқариши, давлат ичида, минтақа ва халқаро миқёсда хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги амалий ҳаётда исботланган.

Миллий масала энг аввало миллий манфаат, миллий ғуур, миллий ифтихор, миллий-маданий қадриятлар, миллий урф-одатлар, миллий тилга мансублик масалаларига муносабатда ўз ифодасини топади. Миллий масаланинг турли томонлари (сиёсий, миллий мустақиллик учун кураш, иқтисодий мустақиллик учун кураш, ўз худудини бирлаштириш учун кураш, миллий тил ва миллий маданиятни, миллий ғуур ва миллат манфаатини ҳимоя қилиш учун) илгари суримиши мумкин.

1917-1924 йиллардан эътиборан совет давлати миллий сиёсатида “миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш” сохта шиори остида миллий чекка ўлкаларда ўзи хоҳлагандай, мажбуран миллий-худудий чегараланиш ўтказилди ва сунъий равишда миллий республикалар тузилди. Совет давлати бу сиёсат орқали ўз худудларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлини тутди. 1925 йилдан эътиборан большевикларнинг миллий сиёсатида 1923 йилдаёқ РКП(б)нинг XII съездида РСФСР Миллий ишлар халқ комиссари И.В.Сталин томонидан “Партия ва давлат қурилишида миллий моментлар” мавзусидаги тезисларда белгилаб қўйилган миллий чекка ўлкалар аҳолисини камситишга, таҳқирлашга, миллий тили, дини, урф-одати, қадриятлари, миллий ўзлигидан маҳрум қилишга асосланган алдамчи “ҳақиқий миллий тенгсизликни йўқ қилиш, миллий зулм ва мустамлака қулигининг барча қолдиқларига ғайрат ва сабот билан курашиш” [1] даври бошланди. Бу даврдан улар миллий республикаларда иқтисодий, ижтимоий, маданий қолоқликка “барҳам бериш” ҳаракатига киришдилар. Чунки давлат бошқарув ҳокимияти органларидағи миллий кадрлар сони жуда кам ва иш юритиш ишлари маҳаллий миллат вакиллари тилларида олиб борилмас эди. Шунинг учун республика давлат аппаратида ерли халқ вакилларини кўпайтириш, аппаратнинг

ҳамма бўғинларини ҳалқнинг тили, турмуш тарзи, урф-одатлари, расм-русларини биладиган кадрлар билан тўлдириш кескин масалалардан бири бўлиб қолди.

Мазкур масалани “ҳал” қилиш мақсадида большевиклар партияси Ўзбекистонда “ўзбеклаштириш”, “маҳаллийлаштириш” сиёсатини олиб борди. Давлат аппаратини “маҳаллийлаштириш” давлат, жамоат ва хўжалик аппаратига маҳаллий миллат вакилларини кенг жалб этишдан, иш юритишида ўзбек тили ва бошқа маҳаллий тилларни жорий қилишдан иборат бўлди. Бу сиёсатдан маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва юқори лавозимларга кўтаришишига совет ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи шартларидан бири сифатида фойдаланилди. Чунки “маҳаллий аҳолини ўз тарафига жалб этмай туриб минтақадаги воқеалар ривожини Москва учун керак бўлган йўналишга солишини тахмин қилиш жуда қийин эканлиги маълум бўлди” [2, Б. 105].

1923 йил 15-августда Туркистон АССР ХКС (Халқ Комиссарлар Совети) қошида барча ташкилотларни маҳаллий тилга ўтказиш юзасидан 124-рақамли қарор асосида маҳсус комиссия тузилган. Бироқ бу ҳақида газеталарда эълон қилинмаган [3, В.376].

Ўзбекистон ССР Инқилобий Комитетининг 1924 йил 31 декабрда “Бухоро ва Хоразм Республикаларида барча ташкилотларда, шунингдек, Ўзбекистон ССР бўйича ҳамма волост ташкилотларида иш юритишини маҳаллий миллат вакиллари тилига ўтказиш тўғрисида”ги 48-рақамли қарори қабул қилинган бўлиб, ХКС қошидаги маҳсус комиссия Ўзбекистон Инқилобий Комитети хузуридаги Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш Комиссияси деб номланган.

Ўзбекистон Ревизия Комитетининг фаолияти тугаши муносабати билан 48-рақамли қарор асосида ташкил этилган маҳаллийлаштириш комиссиясини 1925 йил 3 марта Ўзбекистон ССР МИК (Марказий Ижроия Комитети) ва ХКСнинг 6-рақамли қарори билан Ўзбекистон ССР МИК хузурига ўтказиш тасдиқланди. Ўзбекистон ССР МИК ва ХКСнинг 1925 йил 21 марта 10-рақамли қарори ва шу вақтгача амалда бўлган ўзбеклаштириш тўғрисида эълон қилинган, бутун Ўзбекистонга ёйилган барча қонунлар тасдиқланди [4, В.376].

Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш комиссиясининг раиси этиб йирик жамоат арбоби Бобон Мавлонбеков тайинланди. А.Икромов, Р.Иноғомов, Одилли, Фозиев, Илёсовлар комиссия аъзолари этиб белгиландилар [5, В.3].

Маҳаллийлаштириш комиссияси раҳбарияти зиммасига Ўзбекистондаги ўқув юртлари, илмий ва маданий-оқартув ташкилотлари, саноат корхоналарини маҳаллийлаштириш асосий режасини ишлаб чиқиш юклатилди. 1925 йил 29 июля Ўзбекистон

Компартияси Марказий Комитетининг йиғилишида давлат аппаратини маҳаллийлаштириш масаласи муҳокама қилинди ва марказий аппаратни маҳаллийлаштиришнинг минимум дастурини, яъни, режасини тузиш маҳсус йиғилишга топширилди. Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш комиссиясининг тахминий таркибида қуидагилар киритилди: Иванов, Икромов (Коммунистик партия Марказий Комитетидан), Й.Охунбобоев (МИК)дан, Бобон Мавлонбеков (ишчи-дехқон назорати комиссарлигидан), Мўмин Хўжаев (Самарқанд вилоят ишчи-дехқон назоратидан), Ўринхўжаев (Самарқанд вилоят ижроия қўмитасидан), Сайдали Хўжаев (меҳнат халқ қосисарлигидан), Саъдуллаев (касаба уюшмасидан), Одилли (“Кўшчи” союзидан), Магов, Челогузов, Эшонхўжаев, Черемухин, Желтов, Файзулла Хўжаев, Глазков, Мусахонов, Агамиров (Ўзбек саводдан), Махсуов (пахта ишлари халқ комиссарлигидан), Прохоров (сув хўжалигидан), Ниёзов (матлубот уюшмасидан), Файзуллин [6,В.44]. Бундан ташқари маҳаллийлаштириш Марказий комиссиясининг Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоят, округ бўлимлари ҳам ташкил қилинган.

Вилоят комиссиялари таркибида 7 нафар, унинг Президиуми эса 3 нафар аъзодан иборат бўлган. Тошкент вилоят комиссиясининг ишчи аппарати 3 нафар- масъул котиб, техник котиб ва инструктор таркибида шакллантирилган [7, В.24]. Бошқа вилоят комиссиялари учун алоҳида маош тўланадиган раҳбар ходимларнинг ўрни ажратилмаган. Маҳаллийлаштириш бўйича вилоят комиссияларининг Президиум ва аъзолар йиғилиши 2-3 ойда бир марта (лекин, ҳамма вилоят комиссиялари шундай эмас. Масалан, Фарғона вилоят комиссиясида йиғилиш 7 ойда бир маротаба) ўтказилган. Чунки йиғилишда вилоят миқёсидаги раҳбар ходимлар вилоят маҳаллийлаштириш комиссиялари аъзолари ҳисобланганлиги учун қатнашишлари керак бўлган. Вақтни тежаш мақсадида йиғилишлар кам ўтказилган.

1925 йилдан мазкур комиссия томонидан 3 ойлик ва бир йиллик қисқа муддатли ўқув курслари очилган. Бу ўқув курсларида маҳаллий миллат вакилларидан ходимлар тайёрлаш мақсад қилиб қўйилган.

1925 йил 24-28 сентябрда Ўзбекистон КП Марказий қўмитасининг IV пленуми бўлиб ўтган. Унда давлат аппаратини маҳаллийлаштириш масаласи кўриб чиқилиб, маҳаллий миллат вакилларини партия, совет, хўжалик ишларига жалб қилиш юзасидан қарорлар қабул қилинган. Қарорда давлат аппарати ва хўжаликни маҳаллийлаштириш сиёсати Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитети томонидан амалга оширилаётган тўғри тадбир бўлиб, уни амалиётга тадбиқ этиш кераклиги, бунга партия, касаба уюшмалари, ишчи ташкилотларини тўлиқ жалб қилиш, маҳаллий

аҳолининг пролетар ва ярим пролетар оммасини давлат аппарати ишларига тортиш, бунинг учун касаба уюшмалари масъулиятини ошириш лозимлиги таъкидланди. Марказнинг давлат аппарати ҳамда хўжалик ташкилотларини маҳаллийлаштириш ишларини вилоят ва уездларда ҳам намунали ташкил қилиш учун вилоят партия қўмиталари хузурида йиғилишлар ташкил этиш, унинг сиёсий аҳамиятини жойларда ҳам тушунтириш кераклиги қайд қилинди. Худди шунингдек, қарорда маҳаллийлаштириш комиссияси томонидан корхона ва ташкилотларга маҳаллий аҳолидан хизматчиларни жалб қилиш бўйича йиғилишлар ўтказилиб, дастурий маъruzалар ташкил қилиш, завод ва фабрикаларда маҳсус ўқув курслари очиш, маҳаллийлаштириш ишларининг давлат ва хўжалик корхоналарида ташкил этилиши ҳамда амалиётга тадбиқ қилинишини назорат қилиб бориш каби вазифалар кўзда тутилган.

Маҳаллийлаштириш сиёсатида давлат аппаратини қуидан юқоригача ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун аппарат ишларини ўзбек меҳнаткашларига яқин ҳамда тушунарли бўлган тилда ташкил қилиш, ўзбек тилида маданий-оқартув ташкилотлари-мактаблар, клублар, ўқув заллари, кутубхоналар, театрлар очиш, кенг ҳалқ оммасига этиб борадиган газеталар нашр этиш [8, В.4] чора-тадбирлари режалаштирилди.

Пленум қарорларини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон ССР марказий ва вилоят давлат аппаратини маҳаллийлаштириш назорат комиссиялари ташкил этилди. Назорат комиссияси томонидан 14 та саводдан иборат дастур ишлаб чиқилди. Дастурда маҳаллийлаштириш комиссиясининг марказий ва вилоят бўлимларида 1925 йил 10 октябрдан 1926 йил 1 сентябргacha тузилган иш режаси ва унинг бажарилиши, бир йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақидаги таҳлилий статистик маълумотлар, комиссия таркиби ва ундаги ўзгаришлар, уларнинг сабаблари, бир йил давомидаги иш усуллари ва ютуқлар, ўқув курсларининг ташкил этилиши ва натижалар, курсларни тугатган амалиётчиларнинг иш билан таъминланиш ҳолати, ўқитиш режалари ва ютуқлари, уларга маблағ ажратиш, вилоят ва марказий комиссияларининг совет, хўжалик, саноат, партия ташкилотлари, “Кўшчи” союзларининг ўзаро алоқалари, маҳаллийлаштириш сиёсатининг ижобий ҳамда салбий томонлари билан боғлиқ вазифалар белгиланди.

1925 йил 22-30 ноябрь кунлари Ўзбекистон Коммунистик партияси(б) нинг II съезди бўлиб, бу съездда ҳам “Партия, совет хўжалик, касаба уюшмалари ва кооператив ташкилотларига маҳаллий аҳолини жалб қилиш” масаласи кўриб чиқилди, бошқарув ва раҳбарлик ишларига ишчи, дехқон ва зиёлилардан маҳаллий кадрлар тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари ушбу сиёсий анжуманды конференция ва съездларда миллий озчилик вакилларини партия ва совет ишларига жалб қилиш тұғрисидабирқанчақарорлар қабулқилинишига қарамасдан ташкилоттар томонидан бу масалага етарлича эътибор қаратылмаётгандылығы танқид қилинди ҳамда съезд партия ташкилотларига миллий озчиликнинг өхтиёж ва талабларига жиудий қараш, маданий-оқартув муассасаларига ва сайлов органларига уларни жалб этиш вазифасини юклади [9, Б.122].

1927 йил 8-январдаги Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Кўмитасининг 2-рақами қарори билан 1925 йилда ташкил қилинган Ўзбекистон ССР МИҚ хузурида Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш Марказий Комиссиясининг номи Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Кўмитаси хузуридаги Давлат аппарати ва саноатни ўзбеклаштириш Марказий Комиссияси [10, В.6] деб ўзгаририлган. Мазкур қарорга асосан ўзбек миллатига мансуб аҳоли қўпроқ бўлган туманлардаги барча давлат, жамоат, кооператив муассасалари ва ташкилотлари иш юритишни ўзбек тилида ёки бу ерда кўпчиликни ташкил қилган маҳаллий аҳоли тилида олиб боришлари шарт эди.

Лекин, марказ раҳбарлигига давлат миқёсида амалга оширилган бу чора-тадбирлар ижобий самара бермади. Ўзбекистон Республикаси Миллий архивида сақланаётган манбалар таҳлили асосида шу хulosaga келиш мумкин. Масалан, 1926 йил 10-октябрда Тошкентнинг 19 та маҳаллий корхоналари ходимларининг миллий таркиби қўйидагича бўлган: саноат ва ишлаб чиқариш соҳаси: жами иш ўрни- 685 та, европаликлар-632 нафар, маҳаллий аҳоли-53 нафар; “Ўртоқ” тамаки фабрикаси: жами иш ўрни-283 та, европаликлар-211 нафар, маҳаллий аҳоли-12 нафар; “Ўртоқ” конфет фабрикаси: жами иш ўрни-72 та, европаликлар-52 нафар, маҳаллий аҳоли-20 киши. Бундан ташқари айrim ташкилотларнинг бошқа ташкилотлар билан ёзишмалари ҳам кўпроқ рус тилида юритилган. Жумладан: ЎзССР марказий ташкилотлари билан ёзишмалар - 27%; турли ташкилотлар ва шахслар билан ёзишмалар - 12,3%; турли давлат ташкилотлари билан ёзишмалар - 9%; кичик бюrolарда эса кўрсатма йўриқномалар - 27%; округлар бўйича ёзишмалар - 20% (Самарқанд округида - 5,7%, Фарғона округида - 32% ҳужжатлар ўзбек тилида олиб борилган [11, В. 327].

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва унинг кўп миллатли халқи совет мустамлакачилиги замонида ана шундай нотенг муносабатлар қарор топган даврларни бошидан ўтказди. Бугунги кунда эса аччик, аянчли, миллатимиз шаъни, обрўсими топташга ҳаракат қилинган, умумий “совет халқи”ни шакллантириш сохта ғояси асосида етакчилик қилган коммунистик мафкура таҳдидларидан халос бўлди. Миллий маданияти, узок тарих солномаларида ўз номига эга бўлган

мутафаккирларидан, қадр-қимматидан, тилидан, динидан мосуво қилинган даврларга барҳам бериб, мустақил, шарафли, озодлик ва эрк йўлига чиқиб олди. “Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг нафақат мамлакатга ном берган ўзбек халқи, балки шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг ҳам миллат сифатида сақланиб қолиши ва ривожланиши учун тенг шароит ва имкониятлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.” [12, Б.211] Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари “Ўзбекистон –умумий уйимиз” шиори остида тинч-тотув, дўст-биродар бўлиб яшамоқдалар.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўз МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 5169-иш, 376-варак.
2. Ўз МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 5169-иш, 376-варак.
3. “Правда Востока”, 9-марта 1925 г.
4. Ўз МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3646-иш, 44-варак.
5. Ўз МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3653-иш, 24-варак.
6. Ўз МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 4463-иш, 4-варак.
7. Коммунистическая партия Узбекистана. В резолюциях съездов и пленумов ЦК. -Т., Узбекистан, 1987. с. 122
8. Ўз МА, 86-фонд, 10-рўйхат, 3-иш, 6-варак.
9. Ўз МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 5200-иш, 327-варак.
10. Давлатова Ш. Узбекистонда бошкарув структурасининг шакланиши ва тараккиётида миллий масаланинг тутган урни (XX асрнинг 20-йиллари) //Тошкент: Navro’z. – 2016.
11. Khursandovna K. G., Umirzokvich R. U. NATIONAL COLOR: СОАлланазаров М. Вопросы подготовки кадров в системе народного образования БНСР //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5/S. – С. 95-99.
12. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Т., Узбекистон, 2001.
13. Shodavlatovna D. S. et al. The issue of public administration in nizamulmulk’s “policy” //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – С. 1007-1012.



БУХОРО АМИРИ ШОҲМУРОД ДАВРИДА БАРПО ЭТИЛГАН ИМОРАТЛАР ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.91.95.003>

Умарова Мухайё,

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси, ЎзР ФА Тарих институти изланувчиси

Аннотация. Мақолада Бухоро амири Амир Шоҳмурод ҳукмронлиги даврида барпо этилган иморатлар ва уларнинг қурилишига хос хусусиятлари, қурилиши жараёнида шилатилган қурилиши ашёси ва уларнинг турлари, иниоотларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти тўғрисида маълумот берилади. Болоҳовуз масжиди, Самарқанддаги Чорсу савдо маркази, Бухоро ва Самарқанд шаҳридаги мадрасалар Бухоро амирлигига қурилган иморатларнинг ҳозирги кундаги аҳволи ва уларга бўлган эътибор ёритиб берилган. Амир Шоҳмурод даврида қурилган иморатларнинг қай даражада аҳоли манфаатларига хизмат қилганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўламиз.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Амир Шоҳмурод, Болоҳовуз, Чорсу, Самарқанд, айвон, масжид, мадраса, вақф мулки, савдо маскани, галерея, сугорма иниоотлар.

ПОСТРОЕННЫЕ ЗДАНИЯ ВО ВРЕМЕНА ПРАВЛЕНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРА ШАХМУРАДА И ИХ ЗНАЧЕНИЕ

Умарова Мухайё,

преподаватель Национального института искусства и дизайна имени Камолиддина Беҳзода, научный сотрудник института Истории Академии наук Республики Узбекистан.

Аннотация. В этой статье представлена информация о зданиях, построенных во время правления бухарского правителя Эмира Шахмурада, и их особенностях строительства, строительных материалах, использованных в процессе строительство, и их типах, текущем значении этих построек. Мечеть Болоҳовуз, торговый центр Чорсу в Самарканде, медресе в Бухаре и Самарканде освещают современное состояние построенных в Бухарском эмирата зданий и уделяемое им внимание. У нас будет информация о том, насколько здания, построенные во время правления Эмира Шахмурада, служили интересам населения.

Ключевые слова: Бухарский эмирят, Амир Шоҳмурод, Болоҳовуз, Чорсу, Самарканда, навес, мечеть, медресе, фундаментное имущество, торговый центр, галерея, ирригационные сооружения.

BUILDINGS BUILT DURING THE REIGN OF THE BUKHARA EMIR SHAKHMURAD AND THEIR SIGNIFICANCE

Umarova Mukhayo,

Lecturer at the National Institute of Art and Design named after Kamoliddin Bekhzod, researcher at the Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

Abstract. This article provides information about the buildings built during the reign of the Bukharian ruler Emir Shahmurad, and their construction features, building materials used in the construction process, and their types, the current meaning of these buildings. The Bolokhovuz Mosque, the Chorsu shopping center in Samarkand, madrasahs in Bukhara and Samarkand highlight the current state of the buildings built in the Bukhara Emirate and the attention paid to them. We will have information on how the buildings built during the reign of Emir Shahmurad served the interests of the population.

Key words: *Bukhara Emirate, Amir Shokhmurod, Bolokhovuz, Chorsu, Samarkand, canopy, mosque, madrasah, fundamental property, shopping center, gallery, irrigation facilities.*

Кириш. Ўзбекистон давлати ва тарихида шундай шахслар борки, улар давлатнинг тараққиётига ўзининг муносаб изларини қолдирганлар. Шундай тарихий шахслардан бўлган Амир Шоҳмурод Бухоро амири сифатида фаолият бошлагандан сўнг (1875 йил) давлат бошқарувининг барча жабҳаларида ислоҳотлар ўтказган. Давлатни таназзулдан чиқариш ва уни ривожлантириш зарур бўлганлиги учун ҳам, ислоҳотларни мақсадли равишда бирин кетинликда амалга оширилишини таъминланган.

XVIII асрнинг 20 йилларида бошланган ўзаро курашлар натижасида Бухоро амирлиги худудлари таланганд, вайронга ҳолига тушиб қолган эди. Амир Шоҳмурод мамлакатга қўплаб қурувчи, кошинпаз ва наққош усталарни теварак атрофдан олиб келтириб, иншоотлар қурилишига катта аҳамият берган. Ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ёқ масжид, мадрасаларнинг қайта тикланишига ва барпо этилишига кўпроқ эътибор қаратган. Шу билан бир қаторда бозор, мелиорация ва ирригация қурилишини, қаровсиз ерларнинг ўзлаштирилишини амалга оширган.

Унинг даврига тегишли иншоотлардан айримларигина ҳозирги кунгача сақланиб қолган бўлсада, бу иморатларнинг қурилишида уларнинг диний ва илмий аҳамиятига, халқчиллигига ва инсонларга фойда келтиришига кўпроқ эътибор қаратилганлигини кузатишимиш мумкин. Иморатлар қурилишида анъанага кўра ғиштин [1] (пишган



ғишт), сангин [2] (аксарият ҳолларда пишган ғишт, кўп ҳолларда тошдан фойдаланилган), чўбин [3] (чўпкори), хом ғишт (Ўзбекистон худудида кенг тарқалган иморатлар қуриш хомашёси) ва ганч [4] усулларидан фойдаланилган. Ҳозирги кунгача сақланиб қолган Бухоро шаҳридаги Болоҳовуз масжиди ва Самарқанддаги Чорсу савдо иншоотлари бунинг ёрқин далилидир.

Тадқиқот методологияси. Мақолада умумий қабул қилинган методлар – холислик, тарихий таҳлил, қиёсий-мантиқий таҳлил, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида Бухоро амири Амир Шоҳмурод даврида қурилган иншоотлар ва уларнинг ҳозирги кундаги ҳолати баён этилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бухоро давлатчилиги тарихи жуда қадимий тарих ҳисобланади. Бу ҳақда кўплаб китоблар ёзиб қолдирилган. Улардан Бухоро амирлиги тарихнавислари Мирзо Салим Сомий, Мирий, Мирза Бадиий, Аҳмад Доңиш, Садриддин Айний ва шу қаторда тарихчилар олимлардан В.Вяткин, Л.Н.Соболев, Азамат Зиё, З.Муқимов, А.Мухамеджанов, Қ.Ражабов, М.Ю.Сайджанов, Я.С.Ашурев, А.Жуманазаров ва бошқаларнинг асарларидан маълумотларни учратамиз. Мақола учун Ўзбекистон Миллий архивининг И-126, И-323 - фонд хужжатлари ҳам ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар. Бухоро амирлиги худудларида Амир Шоҳмурод даврида барпо этилган иморатларнинг ҳозиргача сақланганлигини кўришимиз мумкин. Иморатларнинг асосий қисми бизнинг замонамизгача етиб келмаган бўлсада, етиб келганлари ҳозирги кунда ҳам тарихий аҳамияти беқиёс бўлган тарихий иморатлар ҳисобланади.

Бухоро шаҳрининг тарихий обидаларидан бўлган Боло ҳовуз қадимий ва тарихий аҳамиятга молик иншоотларидан бўлиб, Амир Шоҳмурод ташаббусига кўра, халқ билан биргаликда жума намозини ўқиши учун мўлжаллаб қурдирган [5]. Байрам кунлари амирнинг масжидга ташрифи чоғида Арқдан Боло ҳовузга бўлган майдонга қимматбаҳо гиламлар тўшалган. Амирнинг ўзи ҳам масжидда намоз ва байрам хутбаларини ўқиб борган. Амир Шоҳмуроддан сўнг бу масжид Бухоро амирлари (маъмурияти)нинг ҳайит ва жума намозини ўқийдиган масканга айланган.

Ансамблнинг асосий қисмларидан бири ҳовуз бўлиб, масжидга ташриф буюрганлар ундаги сувдан фойдаланиб, маҳсус жойда таҳорат олганлар. Боло ҳовуз узоқ йиллар мобайнида сув манбаи сифатида ҳам хизмат қилиб келган. Мешкобчилар теридан тикилган мешкобга Боло ҳовузда жойлашган ҳовуздан сув олиб, Бухоро бозорларида сотишган [6].

Ўша даврда Бухоро амирлиги иқтисодий оғир вазиятни бошидан

ўтказишига қарамасдан, халқ амалий ва безакчилик санъати асосида масжид жуда чиройли қуриб битказилган. Намоз ўқиладиган жой одатдаги каби одми ва расмлардан ҳоли. Амир Шоҳмуроднинг ўзи ўта тақводор бўлганлиги учун ҳам, Қуръон суралари ва безакларнинг санъаткорона усулда ишлатилишини назорат қилинган. Бинога ишлов берилиши замирида намозхонни чалғитмаслик мақсад қилинган. Барча мусулмонларнинг ибодат жойлари каби, масжид ҳам Каъба томон йўналтирилган ва унга қараган девор меҳробининг ўнг томонидаги бўш жой билан белгиланади, бу минбарда имом намоз ва байрам хутбаларини ўқийди. Амир Шоҳмурод иншоотни қишки ва ёзги мачитдан иборат шаклда қурдирган. Кейинчалик Боло ҳовуз ансамблига қўшимча сифатида минора қурилган (1917 йил ушбу минора устаси ва раҳбари усто Ширин Муродов ҳисобланади).

Боло ҳовуз ансамблининг ёзги масжидидаги осмонга интилган ганж ўймакорлиги асосида ишлов берилган ёғоч устунлар - ингичка хурмо дарахтини эслатади. Бадиий мукаммаллик намунаси ва рассомлар имкониятларини намойиш этган айвон плафонд (айвон шифти-юқори қисми)нинг саёз рельеф фонида турли хил нақшлар, деворлари эса геометрик ва гул нақшлари билан уйғунлашган ажойиб ганж ўймакорлигидан ташкил топган бу устунлар, масжиднинг кириш қисмини жозибадорлигини оширади. Ҳозирги қунда ҳам бу айвон ўзининг жозибадорлиги ва сталактит усулида (шифтга осилган шакллар (музлар, сомонлар, баҳрама ва бошқалар) бирлаштирган ёғоч устунларнинг ишлови билан барчани ром этади. Шунинг учун ҳам Боло ҳовуз нафақат маҳаллий балки, халқаро миқёсда ҳам туристик масканга айланган.

Самарқанд шаҳрининг марказида айланиб юриб, гумбазли паст бино “Чорсу”ни кўришимиз мумкин. Шаҳар марказида олти қиррали Чорсу - “Тоқи мусаддас” (“мусаддас” - арабчада олтилик) деб аталган. Форсийдан “чор” – тўрт, “су” – иқлим, йўл деб таржима қилинади, Марказий Осиёда эса қадимги даврлардан бир нечта кириш жойлари бўлган ёпиқ бозорлар шундай деб аталган.

Самарқандда Регистон ансамблининг шимоли-шарқидаги бу иншоот 1785 йилда Амир Шоҳмурод томонидан барпо этилган бўлиб, тўртта кириш жойидан иборат. Юқоридан бино олтибурчак билан қопланган, унинг устида катта гумбаз бор [7]. Ҳар бир кириш қисмида яна олтита кичик гумбазлар жойлашган. Бинонинг деворлари 12 бурчакли призма шаклида шакллантирилган ва катта марказий гумбазга ва тўрт кичик гумбазга эга бўлиб, улар бинонинг кириш жойлари устунида жойлашган. Самарқанд учун анъанавий бўлган оч жигар ранг тошдан қурилган, деворлари камар ва миллий нақшлар билан безалган.



В.Вяткин ўзининг “Қадимий Самарқанд ёдгорликлари” (“Памятники древности Самарканда”) асарида: “Чорсу – ёш ёдгорлик: унга ҳали 150 йил ҳам бўлмади. Самарқанддаги халққа тегишли бўлган иншоот сифатида эътиборни тортади. Савдо учун мўлжалланган бўлиб, ҳозиргacha шу фаолиятни юритади” [8, С.10] деган маълумотларни беради.

XX аср бошигача бу бино “кўп қиррали” бўлиб фойдаланилган, унда кийим-кечак, пойабзal, бош кийимлар, дори-дармонлар, китоблар, маҳаллий ҳунармандчилик буюмлари каби аҳоли ва сайёҳлар учун қизиқарли нарсалар сотилган.

Совет даврида бино ёдгорлик биносига айлантирилган ва у ерда фақат эсдалик совғалари ва кичик кундалик нарсалар сотилган. 2005 йил қайта таъмирлаш ва реставрация ишлари олиб борилган ва галерея (тарихий иншоот)га айлатирилган. Айни пайтда Чорсу савдо гумбази ёдгорлик биноси мақомига эга бўлиб, музей ва тасвирий санъат галереяси сифатида фойдаланилмоқда. Кўплаб ўзбек ва хорижий таникли рассомлар ва ҳайкалтарошлар ўзларининг ишларини шу галереяда намойиш қилмоқдалар.

Амир Шоҳмурод ўз даврида таълим тизими ва масжид, мадрасалар фаолиятига алоҳида эътибор қаратганлиги учун ҳам таълим тизими биноларининг таъмирланиши, қурилишига катта эътибор қаратган. Жуда кўплаб мадрасалар барпо этилган ва таъмирланган.

Маҳаллий тарихчилардан Садриддин Айний ўзининг эсдаликларида Амир Шоҳмуроднинг мадраса ҳужраларини таъмирлаш тўғрисидаги фармони ҳақида тўхталиб ўтиб қуидагиларни ёзади: “Ҳар бир талаба мадраса ҳужраларидан бирини ўз харжи ва меҳнати билан обод қилиб, унга кириб ўтиrsa, ҳужра у талабаники бўлади ва қачонки талаба ҳужрани тарқ этмоқчи бўлса, ҳужрани тузатишга сарф қилган маблағларини бошқа бир талабадан олиб, ҳужрани унинг номига ўтказиши мумкин. Бу тадбир яхши натижа бериб, Бухоро ва Самарқанд мадрасаларининг ҳужралари икки-уч йилда обод бўлиб, бир қанча йиллар мадраса ҳужраларининг талабадан талабага ўтиши, тузатишга сарф бўлган ҳақиқий маблағнинг “олди-сотди”си бўлар ва талаба бўлмаган киши, бундай турар жойга яқинлашмас эди”, - деб ёзади [9]. Бу тадбир ҳам бевосита мадрасаларнинг доимий таъмирда бўлишини ва талаб даражасида бўлишини ва таълим олишга келган талабаларнинг яшаш жойи билан таъминланган [10].

Россия империя генерали ва сиёsatчи Леонид Николаевич Соболев ўз асарида Амир Шоҳмурод ва унинг ислоҳотлари ҳақида тўхталиб ўтади. Жумладан, Амир Шоҳмурод Самарқанд шаҳрида 3 та мадраса қайта тиклаган ва бир нечта таълим учун янги бинолар қурдирган. У ўзининг ҳукмронлик йилларида Самарқанд шаҳрида 70 масжиднинг

50 тадан ортигини қайта таъмирлатган. Амир Шоҳмурод ҳукмронлик қилган 15 йил ичидаги Бухоро ва Самарқандда кўплаб мадрасалар, масжидлар, ҳонақохлар ва турли бинолар қурилган. У хароба ҳолига тушиб қолган Шайбонийхон ва Хўжа Аҳрор Валий мадрасаларини қайта тиклади. Шайх Шона гузарида 40 ҳужрали Мулла Эрназарбек мадрасаси (1794-1795 йилларда Эрназар элчи), Нақиб гузарида 44 ҳужрали Нақиб мадрасаси (1794-1795 йилларда Муҳаммад Аминхўжа нақиб), Регистон гузарида 11 ҳужрали Назарча мадрасаси (1796-1797 йиллар (Назар) валади Ҳудойназар), Бозорхўжа гузарида 22 ҳужрали Тўпчибоши мадрасаси (Муҳаммад Амин тўпчибоши) қурилган, Сарипули Равғагарон гузарида 20 ҳужрали Ўткир қушбеги мадрасаси (Ўткир қушбеги ёки Ўткир сўфи) томонидан қурилган.

Тарихчи Мулла Олим Маҳдум Ҳожи ўзининг “Тарихи Туркистон” асарида: “Шоҳмуродбий зиёда сўфий, худога яқинлашиш йўлини тутган (дохири сулук) ва тараққийпарвар, шариат тарғиботчиси, таоми ўз касби ҳалолидан эди. Бухорода бўлган мадрасаларнинг авқофини жорий қилиб, аҳли илмнинг эъзоз ва икромини бажо келттарар эди. Бухорода Гулобод кўчасида мадрасаси Амир номи или машҳур бир кичикроқ мадраса бино қилди. Бозорхўжа номли маҳаллада Муҳаммадамин тўпчибоши ҳам бир мадраса бино қилди” – деган маълумотларни беради.

Жаннатмакон мадрасаси ҳам Амир Шоҳмурод раҳнамолигида қурдирилган бўлиб, вакф ҳужжатида қуидаги маълумотлар берилади: “Тариқат ҳодийси, шариат муқтадоси, ислом ва мусулмонлар шайхи Кўлобий номи билан машҳур ҳазрат Ҳалифа Жонмуҳаммад ўғли шарофат огоҳ Муҳаммад Ғани маҳдум қизи Биби отун ойим қадим Бухоро ҳисоридан ташқарида, Жаъфархўжа нақиб гузарида битта мадраса қурдирилган. У ўн битта ҳужра, битта чиллахона, ҳонакоҳ ҳамда кичик айвондан иборат ва ташқарисида суфаси ҳам бор. Пишиқ гишт ва ганчдан бино этилди” [11]. Биби отун Комот туманидаги Ҳолвагарон мавзесида З таноб ҳурри холис ерини, унинг ёнидаги тегирмон ва яна бошқа жойлардаги учта тегирмонни ушбу мадраса учун вакф қилдирилган. Мадраса эҳтиёжлари, ходимлари учун зарур маблағлар ва маоши тўланиши тўғрисида маълумотлар берилган [12, Б. 251-255].

Бундан ташқари Амир Шоҳмуроднинг ўғли бўлмий Ҳусайн (1778-1829) Мирий тахаллуси билан ўзининг “Маҳазинат-тақво” асарида Амир Шоҳмурод таҳтга ўтиргунга қадар кўплаб илм масканлари қаровсиз қолгани ёки омборхона вазифасини ўтаганлигига эътибор қаратади.

Сарой тарихчиси Мирза Абдулазим Сомий ўз асарида Амир Шоҳмурод ҳакида “Амир Масъум ва ғозий номини олмиш Амир Шоҳмурод одил, ҳақгўй ҳукмдор эди. Унинг амирлиги даврида барча бидъатлар бекор этилиб, суннати Расул кучга кирди. У шариатни кенг



миқёсда ёйиб, ўз холига ташлаб қўйилган вақфларни қайта тиклади, масжиду-мадрасаларни таъмир эттириди, қадамжою авлиёларни обод қилди”, деб ёзади.

Хулоса. Амир Шоҳмурод томонидан қурилган бу иморатлар архитектурасини тадқиқ қилиш асосида шу нарса аниқландикси, бинолар архитектураси инсоният тамаддунида етакчи ўринни эгаллайди. Зоро, Болоҳовус масжидида ишлатилган санъат намуналари ва қимматбаҳо тарихий аҳамияти учун ҳам бу иморатлар ЮНЕСКОнинг бутун дунё мероси рўйхатида қайд этилган. Бу иншоотлар макон ва замонда санъат, меъморчилик, қурилиш ва ҳалқ амалий санъати (ганжкорлик, ёғоч ўймакорлиги ва ундаги нақш турлари ва бошқалар)га хос юксак чўққиларни ўзида акс эттира олган. Ўша даврда машҳур бўлган Уста Мулла Обид, унинг фарзанди Муҳаммад Мусо ва унинг ўғиллари Мадусмон, Исохон, Юсуфали усталарнинг меҳнати намуналари ҳалигача иморатларда ўз аксини топиб келмоқда. Миллий қадриятларимизнинг турли амалий санъат усулларини ўзида жо қилган Болоҳовуз масжиди архитектурасида ўзига хос маҳобатлилик, ҳашаматлилик, куч–кудрат, Чорсу иморатидаги бойлик ва адолатлилик рамзлари шаклланган. Бу эса қурилган иморатларнинг миллийлигини ва унинг тенгсиз ҳалқ бойлиги эканлигини намоён этиб келмоқда.

Бундан ташқари қурилган иморатлар ёки қайта таъмирланган ва тикланган иморатларнинг асосий қисми Бухоро амирлиги таълим тизими иморатлари сифатида аҳамиятга моликдир. Бу эса илм намоёндалари учун берилган имкониятлар жамланмасидир. Ўз даврида адолатли бўлган ва кези келса шавқатсиз шахс сифатида давлатни бошқарган Амир Шоҳмурод учун илм намоёндалари ва илм толиблари доимий эъзозда бўлиб қолганлигини билдиради.

Адабиётлар рўйхати

1. ЎзМА. И-323.55.2 Абдуллахоннинг шарқий мадрасаси вакфи; И-323.55-9. Қулбобо мадрасаси вакфи, ЎзР МДА. И-323.40 Чучук ойим мадрасаси вакфи; ЎзМА. И-323.15, 115, 115-6. Жуйбори Калон мадрасаси вакф хужжати
2. ЎзМА. И-126, 1-1992-76. Бу хужжатда Олий сангин мадрасаси ҳақида сўз боради. ЎзМА. И-323.19. Хожа Ниҳол мадрасаси вакфи. Унда Чорсуқи сангин мадрасаси номи қайд этилган.
3. ЎзМА. И-126.1-1990-52; ЎзМА. И-126.1-1990-10; 1-1994-5; Ҳинд сайёҳи. –Б. 14. Манбаларда мадраса номлари келитирилганда чубин мадрасаси деб юритилади.
4. ЎзМА. И-323.28. Абдушукурбой мадрасаси вакф хужжати; ЎзМА. И-323.88. Икромхона мадрасаси вакф хужжати ва бошқалар
5. ЎзМА. И- 323. 49. Жаннатмакон мадрасаси вакф хужжати.

6. Абдусаттор Жуманазар: Бухоро таълим тизими тарихи. Тошкент. Академ нашр, 2017.
7. Алламуратов Ш., Джураева У. Ремесленные и торговые отношения в бекствах восточной Бухары в конце XIX–начале XX вв //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 3/S. – С. 105-110.
8. Алланазаров М. БХСР маориф тизимидағи кадрлар тайёрлаш масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5/S. – С. 95-99.
9. Алланазаров М. Вопросы подготовки кадров в системе народного образования БНСР //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5/S. – С. 95-99.
- 10.Ашурев Я.С. и др. Бухара. Краткий справочник.— Ташкент: «Узбекистан», 1971. — 90 с.
- 11.В.Вяткин. Памятники древности Самарканда. Самарканда. 1912.
- 12.Всемирная история архитектуры в 12 томах / под ред. Н. В. Баранова. — М.: Изд-во литературы по строительству, 1969. — Т. 8. — С. 332. — 491 с.; Ашурев Я. С. и др. Бухара. Краткий справочник. — Ташкент: «Узбекистан», 1971. — 90 с.
- 13.Давлатова Ш. Узбекистонда бошқарув структурасининг шаклланиши ва тараккиётида миллий масаланинг тутган урни (XX асрнинг 20-йиллари) //Тошкент. Navro'z. – 2016.
- 14.Жумаева Ш. Налоговая политика Хивинского хана Мухаммада Рахимхана I //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5/S. – С. 437-442.
- 15.Жумаева Ш. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I нинг солиқ сиёсати // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5/S. – С. 437-442.
- 16.М. Ю. Сайджанов «Архитектура Самарканда. 1935. История города», ru.wikipedia.org/wiki/ Категория: “Здания и сооружения Самарканда” ; ru.wikipedia.org/wiki/ Категория: “Всемирное наследие по алфабиту”
- 17.С.Айний. Тарихи амирани манагитат-и Бухара. Куллийат, джилди 10. Душанбе, 1966.
- 18.Турсунов Н. Н., Алламуратов Ш. А. Развитие торговых отношений и ремесел в бекствах Восточной Бухары //Бюллетень науки и практики. – 2021. – Т. 7. – №. 3. – С. 348-353.
- 19.Shodavlatovna D. S. et al. The issue of public administration in nizamulmulk's "policy" //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – С. 1007-1012.
- 20.Shodavlatovna D. S., Chorievna J. S. The issue of a just king in kaikous's nightmare //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – С. 1416-1420.
- 21.Uljaeva S. M. et al. Posts and Ranks Concerning to Central Power Empire of Amir Temur //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. S1. – С. 530-536.



БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА КАДРЛАР СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ҲУСУСИЯТИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.11.47.004>

Алланазаров Мурот Мирзаевич,

*Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси
үқитувчиси*

Аннотация. Мақолада Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) кадрлар сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари, БХСР мавжуд бўлган 1920-1924 йилларда ҳукумат раҳбари – Файзулла Хўжаевнинг кадрлар сиёсатидаги оқилона олиб борган ҳаракатлари баён этилган. Бундан ташқари, БХСРда шаклланган миллий сиёсий элита вакиллари томонидан Бухоро давлати мустақиллиги масаласи доимий равишда кун тартибига қўйилиши масалалари ҳам ёритилган. Шунингдек, БХСР раҳбарияти ёш республикада мутахассис кадрларни тайёрлаша ва тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратганликлари архив материаллари асосида таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: БХСРда кадрлар сиёсати, миллий раҳбар, арбоб, элита, Ёш бухороликлар, Файзулла Хўжаев, Бутунrossия МИК, РСФСР ХКС, Турккомиссия, Марказ вакиллари, инқилобий қўмита.

ОСНОВНЫЕ ОСОБЕННОСТИ КАДРОВОЙ ПОЛИТИКИ В БУХАРСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКЕ

Алланазаров Мурот Мирзаевич,

*преподаватель кафедры Гражданского общества Термезского
государственного университета.*

Аннотация. В статье излагаются своеобразные особенности кадровой политики Бухарской Народной Советской Республики (БНСР, а также перспективные движения в кадровой политике Файзулла Ходжаева, руководителя государства в 1920-1924 годы. Кроме этого, освещены вопросы представления на повестку дня о государственной независимости Бухары представителями национального–политической элиты, сформированной в БНСР. Также на основе архивных материалов анализированы подготовка тоже и воспитание кадровых специалистов и руководителей в молодой республике, уделено большое внимание вопросам размещения их по местам.

Ключевые слова: кадровая политика в БНСР, национальные лидеры, элита, Молодые Бухарцы, Файзулла Ходжаев, Всероссийский ЦИК, Совет Народных комиссаров РСФСР, Турккомиссия, Представители Центра, Революционный комитет.

MAIN FEATURES OF PERSONNEL POLICY IN THE BUKHARA PEOPLE'S SOVIET REPUBLIC

Allanazarov Murat Mirzaevich,

Lecturer at the Department of Civil Society, Termez State University

Abstract. The article outlines the peculiar features of the personnel policy of the Bukhara People's Soviet Republic (BPSR), as well as promising movements in the personnel policy of Faizulla Khodjaev, the head of state in 1920-1924. In addition, the issues of submission to the agenda of the state independence of Bukhara by representatives of the national - political elite, formed in the BPSR, were highlighted. Also, on the basis of archival materials, the training and education of cadre specialists and leaders in the young republic are analyzed, great attention is paid to the issues of their placement.

Key words: personnel policy in the BNSR, national leaders, elite, Young Bukharians, Faizulla Khodjaev, All-Russian military-industrial complex, Council of People's Commissars of the RSFSR, Turkic Commission, Representatives of the Center, Revolutionary Committee.

Кириш. Кадрлар сиёсати ҳар доим муҳим аҳамият касб этган. Ҳар бир мамлакат ва халқ тараққиётида кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда масъул лавозимларга тайинлаш масаласида давлат сиёсати даражасида қаралган. Бу ҳолатдан Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳам мустасно эмас эди. БХСР мавжуд бўлган 1920-1924 йилларда ҳукумат раҳбари Файзулла Хўжаев кадрлар сиёсатини тўғри юритишига ҳаракат қилган. БХСРда шаклланган миллий сиёсий элита (“Элита” французча сўз бўлиб, ўзбек тилида у “сарабланган ва сайланган” деб таржима қилинади. Бу сўз нарсалар, ҳодисалар ёки инсонларда энг яхши хусусиятлар, сифатлар мужассамлигини англатади. Сиёсий элита тушунчаси сиёсий назарияда муайян сифатлар ёки ҳокимиятни кучли таъсирга эга ижтимоий гурухга мансублигини билдиради. Сиёсий элита жамият ривожининг мақсадлари ва йўналишларини ишлаб чиқади. У стратегик жиҳатидан муҳим қарорларни қабул қиласида ва уларни амалга ошириш учун давлат ҳокимияти эгалик қилаётган барча нарсаларни ишга солади. БХСР сиёсий элитаси ҳам тадқиқ этилаётган даврда ана шундай тарихий вазифани бажарди) вакиллари Бухоро давлати мустақиллиги масаласини доимий равишда кун тартибига қўйишда чарчамаганлар.

БХСРда 1920-1924 йилларда мавжуд бўлган миллий сиёсий элитани уч гурухга ажратиш мумкин: биринчиси, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нозирлар (олий элита), иккинчиси, совет ва хўжалик ходимлари, учинчиси, коммунистик партия ва жамоат ташкилотлари вакиллари.



Бундан ташқари Бухорода Совет Россиясининг сиёсий, хўжалик ва ҳарбий элитаси вакиллари ҳам турган.

“Сиёсий элита нафақат умуммиллий манфаатларни таърифлаш, ифода этиш ва уларни тақдим қилиш, шу орқали ҳалқнинг ўзлиги ва ўзи ҳақидаги фикрларини ошириш, балки биринчи навбатда, шу манфаатларни рўёбга чиқаришнинг самарали йўл ва усусларини топиш қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим” [1, Б.401], - деб таъкидлаган эди, Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоев.

Тадқиқот методологияси. Мақолада умумий қабул қилинган методлар-холислик, тарихий таҳлил, қиёсий-мантиқий таҳлил, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида БХСР МИҚ ва миллий раҳбар арбобларининг фаолияти баён этилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мақола учун бирламчи маълумотлар Бутун Иттифоқ КПСС партиясининг жорий ва статистик маълумотлари, Ўзбекистон Миллий архивининг 46, 47-фонд хужжатлари ташкил этади. БХСР миллий раҳбар арбоблар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни Ф.Хўжаев, Р.Ражабова, А.Ишанов, Қ.Ражабов, Ш.Хайитов каби олимларнинг тадқиқотларида учратамиз.

Таҳлил ва натижалар. Ёш бухороликлар партиясининг етакчиси Файзулла Хўжаев 1920 йил 6 сентябрда ёзган “Кун туғди” мақоласида амир ҳокимиятининг ағдарилиши ва янги ҳокимиятнинг барпо этилиши тўғрисида куйидаги фикрларини ёзиб қолдирган: “Бундан ўн беш йил бурун муқаддас юртимиз бўлган Бухоронинг ичida яшовчи ватандошларнинг бағрилари, яшамоқнинг чин маъносини сеза бошладилар. Бу илк сезги оз бир вақт ичida ҳар ерда “Бухоро ёшлари” номида бир неча ҳайъатлар вужудга келтирди. Бу ёшлар бошида Бухоро ҳалқининг ва Бухоро мамлакатининг биринчи ирфон ва маданиятига, озодлик ва адолатига муқобил йигирманчи маданият асринда тамоман жоҳил ва мутаассуб, бусбутун мазлум ва банди бўлиб қолганлигини кўрдилар. Бинобарин Бухоро шахар, туман ва кишлокларини бошқа мамлакатлар қаторида обод этмоқ, Бухоронинг ҳар бир бурчагида бир машъал ҳидоят, бир нури маърифат ёндиromoқ орзузи билан ислоҳ тарафдорлари бўлдилар.

Хозирги вақтда Бухоронинг ҳар бир тарафида Бухоро Шўролар Жумхуриятининг муваққат инқилоб ҳукумати ҳукмрондир. Бу муваққат ҳукумат ҳалқ вакилларидан иборат бир ҳолда келажакда чакириладурган қурултой томонидан Бухоро Шўролар Жумхуриятининг аъзолари сайлангунча бутун мамлакатни идора этиб турадир” [2].

Бироқ Бутунrossия МИҚ ва РСФСР XҚСнинг Туркистон ишлари буйича комиссияси (Турккомиссия) ва Туркистон фронти қўмондонлиги

Бухородаги вазиятнинг амалдаги хўжайинлари бўлдилар. 1920 йил 10 сентябрда Россия большевиклар (коммунистлар) партиясининг раҳбарларидан бири В.В. Куйбишев РСФСР ва халқаро Коммунистик Интернационалнинг Бухоро Республикасидаги муҳтор вакили этиб тайинланди, айни пайтда у Турккомиссия аъзоси сифатидаги ўз ваколатини сақлаб қолди.

1920 йил 12 сентябрда В.В.Куйбишев Эски Бухорога келди. У орадан икки кун ўтгач Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси таркибини ўзгартирди. Унинг талаби билан 1920 йил 14 сентябрда Ёш бухороликлар партияси тугатилди. Ёш бухороликнинг кўпчилик вакиллари Бухоро Коммунистик партияси сафига киритилди [3, С.204-205].

Умуман олганда В.Куйбишев, С.Оржоникидзе, Г.Сафаров, хусусан, М.Фрунзе каби бу даврда Бухорода фаолият кўрсатган Марказ вакиллари: сиёсий ва ҳарбий ходимлар, комиссарлар, қўмондонлар бу ерда совет давлати ва большевиклар партияси сиёсатини юритиб, маҳаллий халқ ва БХСР давлатига нисбатан мустамлакачилик сиёсатини олиб бордилар. Айнан улар Бухорода кадрлар сиёсатини ҳал қилишга ҳам уриндилар. Бироқ Марказ эмиссарларнинг бундай шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Мухитдинов, Усмон Хўжа каби бухоролик миллий сиёсий арбобларнинг қаттиқ норозилиги ва қаршилигига дуч келди.

БХСР раҳбарияти ёш республикада мутахассис кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш масалаларига катта эътибор қаратди. Аввало Бухорода амир хокимиятидан мерос қолган ўрта асрларга хос давлат бошқаруви бекор қилинди. Унинг ўрнига демократик тамойилларга таянилган республика усули жорий қилинди. 1920 йил сентябрь ойида Бухоро шахри атрофидаги вилоятлар ва йирик туманларга янги ҳокимият асосларини барпо этиш учун Сайдуллахўжа Турсунхўжаев бошчилигига Контроль-инструкторлик комиссияси ташкил қилиниб, бу нуфузли комиссия жойларга жўнатилди. Комиссия таркибига БХСРнинг турли нозирлеклари ва бошқа давлат органларининг вакиллари (қизил аскарлар билан биргаликда 61 нафар киши) киритилган эди [4, С.51-52].

1920 йил 22-30 сентябрда ушбу комиссия пойтахт Бухоро шахри атрофидаги Баҳоуддин (ҳозирги Когон), Хожа Бўстон (ҳозирги Кизилтепа), Фиждувон, Вобкент, Шопуркон (ҳозирги Шофиркон), Пирмаст, Зандони (ҳозирги Пешку), Харғўш (ҳозирги Бухоро) каби 8 та туманда бўлиб, янги ҳокимиятнинг дастлабки органлари - инқилобий қўмиталар (ревкомлар)ни ташкил қилишади. Архив ҳужжатларида келтирилишича, Баҳоуддин тумани ревкомига Ҳодиҳўжа Насриддинов, Хожа Бустон тумани ревкомига Абдулҳайит Абдулбеков, Вобкент тумани

ревкомига Мулла Бақо Абдул Воҳидов, Шопурком тумани ревкомига Раҳимбой Солиҳов, Пирмаст тумани ревкомига Муҳаммадамин Рафиқов, Зандани тумани ревкомига Мулла Муҳаммадали Исмоил ўғли, Харгӯш тумани ревкомига Мулла Қурбон Мулла Қосимов раис қилиб тайинланади [4, С. 51-60; 5].

1921 йил 18-25 сентябрда бўлган Бутунбухоро халқ вакилларининг II қурултойида Марказий Инқилобий Кўмита (Буту Бухоро Марказий Ревкоми) тугатилиб, унинг ўрнига Бутунбухоро Марказий Ижроия Кўмитаси тузилди. БХСРдаги энг олий ҳокимиёт органи бўлган Бутунбухоро Марказий Ижроия Кўмитасининг биринчи раиси қилиб таниқли жадидлардан Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пулатхўжаев) сайланди. Кейинчалик бу лавозимда Муинжон Аминов ва Порсо Хўжаев фаолият кўрсатишиди.

Бухоро Республикасининг либерал-демократик кайфиятдаги раҳбарлари ўз ғояларида қатъий турдилар. Улар Марказ олдига республикада турган қизил қўшиннинг сонини 15000 кишигача камайтириш (Бухоро Республикаси ҳудудида РСФСРнинг 40000 кишидан ортиқ доимий армияси мунтазам равишда сақлаб турилган), совет Россиясига жўнатилаётган озиқ-овқат, пахта ва бошқа моллар эвазига уларнинг нархига тенг бўлган саноат молларини юбориш талабларини қўйишиди. Файзулла Хўжаевнинг талаби билан Бухоро Компартиясининг ўта сўл руҳдаги экстремистик раҳбарлари ўз вазифаларидан озод қилиниб, Бухородан Туркистон АССРга чақириб олинди [6, Б. 236-238].

БХСР раҳбарлари ва бошқа сиёсий кучларнинг демократик йўлдан бориши мулқдорларни дарҳол йўқ қилиш, жамиятда синфий адоват келиб чиқишига имкон бермади. Бухорода 1923 йил ёзигача ижтимоий вазият мўътадил даражада сақланди.

Бироқ Россия Коммунистик партияси ва совет давлати раҳбарлари, Кремлдаги олий сиёсий раҳбариёт ўз мустақиллигини даъво қилаётган БХСР ва ХХСР раҳбарлари ҳамда совет Россияси таркибидаги бошқа автоном республикалар, Украина, Кавказ, Ўрта Осиё ҳамда бошқа миллий ўлкалардаги раҳбар ходимларнинг жиловини қаттиқроқ тортиб қўйиши ҳамда “синфий ва партиявий назорат”ни кучайтириш мақсадида бу даврда Москвада кўплаб турли тадбирлар ўтказди.

В.И.Ленин ва И.В.Сталин бошлигидаги совет Россияси раҳбарияти ҳали 1918-1920 йилларда Бутунrossия мусулмонлари ва миллий сиёсий раҳбарлар онгига коммунистик ғояларни сингдириш, улар қўли билан миллий чекка ўлкаларга социалистик жамият қуриш ишига киришган эди [7]. Бу хусусда Бухорода амирлик ҳокимиёти қизил аскарлар томонидан ағдарилиб ташланган вақтда, яъни 1920 йил

1-8 сентябрь кунлари Бокуда ўтказилган Шарқ халқлари I қурултойда ҳам сўз борган эди. Бу қурултойда Турор Рисқулов ва Мунаввар Қори бошчилигидаги каттакон Туркистон делегацияси қатнашган, Бухорода эса сиёсий воқеалар туфайли атиги 2-3 нафар киши қурултойга борган эди [8].

Россияда фуқаролар уруши (1918-1922 й.) тугагандан кейин большевиклар жаҳон инқилоби ғоясини амалга ошириш, энг аввало Шарқни ва бутун мусулмон дунёсини пролетарлаштириш ва советлаштириш учун жиддий киришдилар. Бунинг учун улар энг аввало Россиянинг ичидаги мусулмон миллий республикалари ва автоном республикалар ҳамда Кавказ ва Туркистонда ўз “инқилобий ғоялари”ни муваффакиятли тарзда амалга оширишлари керак эди. Бунинг учун буларга маҳаллий миллий раҳбар ходимлар сув ва ҳаводек зарур бўлган. Бироқ бу ходимлар коммунистик ғояга ва Марказ манфаатларига содик бўлишлари керак эди.

Бу жиҳатдан олганда Москва шаҳрида 1923 йил 9-12 июнь кунлари РКП(б) Марказий Комитетининг миллий республикалари ва вилоятларнинг масъул ходимлари билан ўтказган тўртинчи кенгаши муҳим аҳамият касб этади. Бу кенгашда Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР раҳбарлари қатнашдилар [9, С.293; 10, С.296]. Махсус кенгашнинг асосий маъruzачилари Лениннинг энг яқин сафдошлари В.Куйбишев ва И.Сталин бўлиб, маъruzаларда миллати қrim-татар бўлган миллий коммунист, Татаристон АССР Халқ Комиссарлари Советининг собиқ раиси, миллий масала бўйича Сталиннинг асосий оппоненти Мирсаид Ҳайдарғалиевич Султон-Ғалиев (1892-1940) фаолияти “Султон-Ғалиев иши” сифатида аёвсиз танқид қилинади ҳамда РКП(б)нинг миллий сиёсати тўғрисида миллий ўлкалар ва республикалар раҳбарларига “партиявий ва синфий” топшириқ беришади. Кенгаш иш бошлиши арафасида М. Султон-Ғалиев Москвадаги ўзининг иш кабинетида қамоққа олинган эди.

Тўртинчи кенгашда Туркистондаги миллий раҳбар ходимлардан Султонбек Ҳўжанов ва Акмал Икромов нутқ сўзлаб, ҳозирги Туркистон билан подшо Туркистони ўргасида ҳеч қандай фарқ йўқ, фақат ниқоби ўзгарди, холос деб, бор гапни очиқласига айтганди [11, С. 17-30].

Туркистондаги таниқли миллий сиёсий арбоблардан бири бўлган Султонбек Ҳўжанов (1894-1938) ҳақида тарихчи олма Раъно Ёдгоровна Ражапова (1935-2005) ўз пайтида шундай деб ёзган эди: “Бизнингча, Султонбек Ҳўжановга ўхшаш арбобларнинг сиёсий таржимаи ҳолига баҳо берганда, улар яшаган, ишлаган муҳитни ҳисобга олиш керак. Янгича миллатлараро муносабатлар ўшанда эндинга шаклланганлигини, миллий жараёнларни бошқариш механизми



эндигина созлана бошалаганини, ушбу механизмда ҳамма нарса бирдай ишламай, турли-туман оғишларга сабаб бўлганлигини унутмаслик керак. Назарий жиҳатдан етарли даражада чиниқмаганлиги, сиёсий тажриба етишмаслиги ҳам таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз эди. Айниқса шундай вазиятларда мана шу омилларнинг жами бирданига ҳаракатга келиб, миллийлик билан интернационаллик, миллийлик билан миллатчилик ўртасидаги фарқ шартли эканлигини очик-ойдин тасдиқламоқда эди, миллатлараро муносабатлар масаласи жуда чигал эканлигидан, бу масалага сезгирилик билан ва эҳтиёткорлик асосида алоҳида эътибор бериш кераклигидан далолат берарди” [12, Б.22].

Москвада ўтган тўртинчи кенгаш ишида БХСР ҳукумати раиси Файзулла Хўжаев ҳам фаол қатнашади. У кенгаш кун тартибининг иккинчи масаласи (Партия ХII съездининг миллий масала бўйича резолюциясидаги амалий тадбирларни хаётга жорий этиш тўғрисида ўртоқ Сталин маъruzаси [10, С. 99-106] бўйича) ҳақида 1923 йил 11 июнь куни сўзга чиқади. Файзулла Хўжаев ўз маъruzасида [10, С.164-171] дастлаб БХСР аҳолисининг миқдори, унинг этник ва ижтимоий таркиби тўғрисида гапириб ўтади.

Нотиқнинг яъни Ф.Хўжаевнинг фикрича, БХСРда 1923 йили умумий миқдорда 3-3,5 млн киши яшаган. Бу ерда аҳолини рўйхатга олиш ва статистик маълумотлар энди олиб борилмоқда. Бу ерда яшовчи 3,5 млн аҳолининг 1 778 000 нафари ўзбеклар, 8 000 нафари қорақирғизлар (бу ўринда қирғизлар кўзда тутилмоқда-М.А.), 44 000 нафари ҳазоралар, 36 000 нафари форслар, 19 500 нафари ҳинд-авождлар, 18 000 нафари яхудийлар (бухоро яхудийлари), 217 000 нафари туркманлар, 260 000 нафари қирғизлар (бу ўринда қозоқлар кўзда тутилмоқда), 390 000 нафари тожиклар, 32 500 нафари европалик аҳоли вакиллари бўлган [10, С.164].

Аҳолининг ижтимоий таркиби қўйидагicha бўлган: деҳқонларнинг умумий миқдори - 2 216 767 киши бўлган, ишчи ва хизматчилар бутун аҳолининг 3 фоизини, савдогар ва ҳунармандлар 19 фоизини, муллалар 3 фоизини ташкил қилган. Демак, ишчи ва хизматчилар ҳамда муллаларнинг салмоғи аҳоли нисбатида тенг бўлган. Шунинг учун БХСРдаги ҳукумат (Нозирлар Шўроси) ҳамда Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси ҳамда бошқа совет ташкилотларида асосан бухороликлар масъул лавозимларни эгаллашган. Бу ҳолат миллатлар бўйича қўйидагicha тақсимланган: Бутунбухоро МИҚ таркиби 85 нафар аъзодан иборат бўлиб, уларнинг 67 фоизи ўзбеклар, майда миллатлар-ҳазора ва қорақирғизлар 1,7 фоиз, яхудийлар 1,82 фоиз, турклар (бу ўринда ўзбек ҳалқи таркибидаги турк уруғи кўзда тутилмоқда) 5,95 фоиз, қирғизлар 7,65 фоиз ва тожиклар 11,90 фоизни

ташкил қилган. Бундан ташқари ўтган 1922 йили, Советларнинг II съездиде пайтида туркманлар билан бўлган муносабатлар кўриб чиқилди. Туркманларнинг бир қисми мустақил яшашни хоҳлашмоқда. Шунинг учун ҳам Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети қизғин тортишувлардан сўнг Бутунбухоро МИҚ хузурида Туркман бўлимини ташкил қилди. Шунинг учун туркманлар ўз вакилларини пропорционал равишда Бутунбухоро МИҚ таркибига аъзо қилиб киритмоқдалар [10, С.164-165].

Бухоро Коммунистик партияси 1600 нафар аъзо бўлган. Партиянинг учинчи марта тозалашдан сўнг унинг сафларида атиги 1000 нафарча киши қолди, уларнинг 340 нафари европаликлар, 200 нафари туркманлар ҳамда бир қанча ўзбеклар ва тожиклар. Партия аъзолигига кандидатлар 400 нафар. Партия аъзоларининг ижтимоий таркиби қўйидагicha: барча 320 нафар европаликлар фақат ишчилар ва хунармандлар бўлиб, ишчилар 35, хизматчилар 20, крестьянлар 45 фоизни ташкил килади. Ишчиларнинг 80 фоизи руслардан иборат, бироқ барча ташкилотларда ишчиларга қараганда крестьянлар ва хизматчилар кўпроқни ташкил қилади” [10, С.164-165].

Файзулла Хўжаев ўз маърузасида Бухоро Халқ Совет Республикасида амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатларни таҳлил қилиб, мустақил республика (давлат) худудида турган қизил армия фаолиятига ҳам тўхтаб ўтади. Шарқий Бухоро ва Фарбий Бухорода 8 та шаҳар, жумладан, Эски Бухоро шаҳри жиддий вайрон қилинганлигини гапиради. Қизил армия, хусусан, Шарқий Бухорода маҳаллий аҳолини талаб, унинг бор-йўғи ва сўнгги нонини ҳам тортиб олганлигини, қизил аскарлар махсус жойлар (казармалар) бўлмаганлиги учун масжидларга жойлаштирилганлиги, улар билан тинч аҳоли ўртасидаги зиддиятли ҳолатларни гипириб, Бухоро ва Фарғона “босмачилиги” ҳамда Анвар Пошо фаолияти тўғрисида фикр билдиради. У Валидий (Аҳмад Заки Валидий) ҳақидаги саволга жавоб бериди, айни пайтда у Ўрта Осиёдаги турли жойларда: гоҳ Бухорода, гоҳ Тошкентда, гоҳ Хоразмда эканлигини айтиб, уни “босмачилик” ҳаракатининг раҳбарларидан бири деб таърифлайди” [10, С.168-171].

Файзулла Хўжаев ўз сўзида энг аввало Бухоро шаҳри қайта тикланаётганлиги (пойтахт Эски Бухоро 1920 йил сентябрда қизил армия хужуми натижасида бутунлай вайрон қилинган, шаҳардаги минг йиллик тарихий обидаларга жиддий зарап етказилган эди), университет биноси қурилаётганлиги (кунда 300 кишига мўлжалланган интернат ҳам бўлади), 1500 кишига мўлжалланган театр биноси қад рослаётганлиги, бозорлар тикланиб қайта очилаётганлигини ҳам таъкидлайди. Бухоро шаҳри электрлаштирилганлиги ҳамда янги завод ва фабрикалар



қурилаётганлиги тўғрисида ҳам гапиради [10, С.168].

Файзулла Хўжаевнинг далилларга бой, айни пайтда қизил аскарлар ва большевикларга нисбатан танқидий муроҳазалари, табиийки, Сталинга ёқмайди. Сталин кенгашда 12 июнда сўзлаган охирги сўзида [10, С.260-265] Бухоро ҳақида (маъruzachi: Ф.Хўжаев) ва Хоразм ҳақида (маъruzachi: Бройдо) қилинган маърузалар ҳамда маърузачиларни асоссиз тарзда кескин танқид қиласди. Бу ҳақда Сталин кенгашдаги охирги сўзида шундай фикр билдиради:

Дарҳақиқат, 1923 йил ёзигача Бухорода ер-сув масаласида мўътадил сиёsat олиб борилиб, кўпчиликнинг ер-мулки ҳали тортиб олинмаган эди. Сталин ва большевиклар эса БХСР ҳукумати раиси ва бошқа миллий раҳбарларни бу соҳада етарлича қатъият кўрсатмаслиқда ҳамда ерни тортиб олишмаганлиқда (!) айблашади. Ҳолбуки, Бухорода собиқ амир ва сарой амалдорларига тегишли бўлса ерлар 1921 йил февралда қабул қилинган “Ер тўғрисида”ги декрет асосида мусодара қилинган эди [4, С.290-291].

Хуллас, БХСР ҳукумати аъзоларидан бўлган Файзулла Хўжаевнинг энг яқин сафдошлари Отаулла Хўжаев (БХСР Нозирлар Шўроси раисининг биринчи муовини ва ташқи ишлар нозири), Фитрат (маориф нозири), Саттор Хўжаев (молия нозири), Муинжон Аминов (Бухоро Иқтисодий Кенгаши раиси), Наим Ёкубзода (Назорат комиссияси раиси - Давлат назорати нозири), Мухторжон Сайджонов (ички ишлар нозири) каби 6 та нозир ҳукумат таркибидан чиқарилди ва Бухордан бадарға қилинди [13, Б.120]. Бу пайтда Файзулла Хўжаев Москвада ўтаётган маҳсус кенгашда қатнашаётган эди. Шунингдек, ўз лавозимларидан четлаштирилган Қори Йулдош Пўлатов, Абдураҳим Юсуфзода, Музахар Махсум Бурхонов ва Ҳожи Ҳамро Йулдошев Бутунбухоро МИК ихтиёрида қолдирилди [14]. Бундан ташқари Эски Бухоро, Чоржўй, Кармана, Шеробод, Қарши, Шахрисабз, Қарки, Бойсун, Нурота ва Ғузор шаҳарлари ижроия қўмиталарининг раислари ҳам алмаштирилди [3, С.356-357].

Шундай қилиб, Марказнинг буйруғи билан 1923 йил ёзида БХСР етакчилари ва миллий раҳбар ходимларига кучли зарба етказилди. БХСРнинг янги тузилган ҳукумати Тошкент ва Москвадан юборилган “тажрибали совет ходимлари” билан бир қаторда давлат бошқаруви соҳасида хеч қандай ўқуви бўлмаган оддий коммунистлар (дехқонлар, мардикорлар, косиблар, аравакашлар ва б.) билан тўлдирилди. Янги ҳукумат таркибидаги “халқ нозирлари” жамиятнинг қуий табақалари орасидан чиқсан бўлиб, улар давлат сиёsatининг турфа томонларини мутлақо тушунмас эди. Бу ҳам Марказнинг БХСРда советлаштириш жараёнини ўтказишдаги ўзига хос ғирром ўйинларидан бири

хисобланган.

Хуллас, БХСР хукуматида Туркистондан юборилган эмиссарларнинг таъсири кучайиб борди. Инқилобий экстремистик унсурлар бу билан чекланиб қолмасдан, 1923 йил 14 августда бўлган Бутунбухоро Марказий Ижроия Кўмитаси фавқулодда сессиясида БХСР Конституциясига ҳам ўзгартириш киритишга муваффақ бўлдилар [15, С.590-603].

Бутунбухоро халқ вакилларининг IV қурултойи (1923 йил 11 – 17 октябрь) Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади. Унга биноан барча савдогар, мулкдор ва собиқ амалдорлар сайлов ҳукуқидан маҳрум қилинди. Аммо ишчи ва косибларнинг сайлов ҳукуқи кенгайтирилди. Шунингдек, қурултойда жамиятда ижтимоий бекарорликни кучайтирадиган ”Совет курилиши тўғрисида” маҳсус қарор қабул қилинди. Жамият тобора сиёсийлашиб борди. Бухорода ўтказилаётган демократик ислоҳотларнинг тақдирни хавф остида қолди. Марказнинг талаби билан мамлакатда сунъий равишда социалистик қайта қуришларни амалга оширишга киришилди. БХСРдаги бу кескин сиёсий вазият қизил армия ва большевикларга қарши қаратилган қуролли муҳолифат ҳаракатининг кучайишида ҳам ўз ифодасини топди [13, Б.144].

Хулоса. БХСР хукумати маданият ва маориф соҳаларини ҳам ислоҳ қилишга катта эътибор қаратди. Бу борада БХСР ҳукумати таркибида ташкил қилинган Маориф халқ нозирлиги катта роль ўйнади. БХСР маориф нозирлари сифатида 1920 – 1924 йилларда Бухородаги жадидчилик ҳаракати ва Ёш бухороликларнинг етакчилари бўлган Қори Йўлдош Пўлатов (1890 – 1965), Абдулвоҳид Бурҳонов (1875 – 1934), Фитрат (1886 – 1938), Мусажон Сайджонов (1893 – 1937) фаолият кўрсатишиди. Айниқса, Фитрат БХСРда маорифни ривожлантиришда катта хизмат қилди.

БХСРдаги миллий раҳбар арбоблар ҳамда янги шаклланаётган замонавий мутахассис кадрлар ёш республикани ўзига хос хусусиятлари ҳамда маҳаллий аҳоли турмуш тарзи ва менталитетидан келиб чиқсан ҳолда кадрлар сиёсатини белгилаш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Бироқ уларнинг бу ташаббус ва фикрлари доимий равишида Марказ вакиллари ва большевикларга ёқмас эди.

Адабиётлар рўйхати

1. Allamuratov S. A. The role of the Amudarya waterway and the Surkhan oasis crossings in trade relations of the Emirate of Bukhara. Actual problems of modern science, education and training. Vol. 5, Issue 1 //October.(in English). – 2020.
2. Алламуратов Ш., Джураева У. Ремесленные и торговые отношения в бекствах восточной Бухары в конце XIX–начале XX вв //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 3/S. – С. 105-110.



3. Алланазаров М. БХСР маориф тизимидағи кадрлар тайёрлаш масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5/S. – С. 95-99.
4. Алланазаров М. Вопросы подготовки кадров в системе народного образования БНСР //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5/S. – С. 95-99. Назарбоев Н. ХХI аср бўсағасида. Замон ва ўйлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
- 5.Ісьезднародов Востока.Баку. 1-8 сентября 1920г.Стенографический отчеты. – Петроград: Изд. Коммунистического Интернационала, 1920.
6. Tursunov J. N. Socio-Economic History of Shargun City in 1970-1980 //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 18. – С. 315-319.
7. История Бухарской Народной Советской Республики. (1920-1924 гг.). Сборник документов.
8. Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: “Узбекистан”, 1969.
9. Конституция (Основной закон) Бухарской Народной Советской Республики // Съезды Советов в документах. 1917 – 1936. Сборник документов в 3 томах. –Т. II. – Москва: Госиздат юридической литературы, 1960.
10. Раджапова Р. Имя, возвращенное истории и народу: Султонбек Ходжанов // Общественное науки в Узбекистане (Ташкент). 1988. №2. – С.17-30.
11. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. - Ташкент: Маънавият, 2002.
12. Ражабов Қ. Таниқлитарихчи олима, моҳирilm-фанташкилотчиси, талабчан устоз ҳамда принципиал раҳбар (Раъно Ёдгоровна Ражапова шахсияти ва илмий фаолияти тўғрисида) // Ҳалоллик ва талабчанлик тимсоли (Тарихчи олима Раъно Ёдгоровна Ражапова таваллудидинг 85 йиллигига бағишлиданади). – Ташкент: Bodomzor invest, 2021.
13. Тайны национальной политики ЦК РКП. Стенографический отчёт секретного IV совещания ЦК РКП, 1923 г. – Москва: “Инсан”, 1992.
14. Турсунов Н. Н., Алламуратов Ш. А. Развитие торговых отношений и ремесел в бекствах Восточной Бухары //Бюллетень науки и практики. – 2021. – Т. 7. – №. 3. – С. 348-353.
15. Ўзбекистон миллий архиви, 46-фонд, 1-рўйхат, 105-иш, 1-7-варақлар.
16. Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 198-иш, 64-варак.
17. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Ташкент: “Шарқ”, 2000.
18. Файзулла Хўжаев. Кун туғди // “Бухоро ахбори” (Бухоро). № 1, 1920 йил 9 сентябр.
19. Четвертое совещание ЦК РКП с ответственными работниками национальных республик и областей в Москве 9-12 июня 1923 г. (Стенографический отчёт). – Москва: Бюро Секретариата ЦК РКП, июнь 1923 г.

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДА САВОЛНИНГ

ЎҚУВ ТОПШИРИГИ СИФАТИДАГИ ЎРНИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.15.42.005>

Ҳамроев Гоғир Ҳасанович,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети доценти

Аннотация: мақолада она тили ўқитиш тизимини такомиллашибиринда қўл келувчи янги ўқитиш методикасида ўқув топшириқларининг тутган ўрни ва унинг тавсифи ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, ўқув топшириқларини тузишда прагматик ёндашувга таянишнинг афзалликлари баён қилинган. Айниқса, она тили машғулотлари орқали нутқий кўникмаларини ривожлантиришда, ўқувчиларни мустақил, креатив фикрлашга ўргатишда асосий вазифа бажарадиган саволларнинг ўқув топшириги сифатидаги аҳамияти, бажарадиган вазифасига кўра турлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: ўқув топшириқлари, савол ва унинг турлари, дарслик, нутқий кўникмалар, нутқ сўзлаш, англаш, фаҳмлаш, ишто ёзиш, ўқув топшириқлар таркиби, ўқитиш методикаси, креатив фикрлаш

РОЛЬ ВОПРОСА В МЕТОДИКЕ ПРЕПОДАВАНИЯ РОДНОГО ЯЗЫКА В КАЧЕСТВЕ УЧЕБНОГО ЗАДАНИЯ

Ҳамроев Гоғир Ҳасанович,

доцент Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

Аннотация: статье основное внимание уделяется роли учебных заданий и их описанию в новой методике преподавания, используемой для совершенствования системы преподавания родного языка. В нем также описываются преимущества использования прагматичного подхода при составлении учебных заданий. Была исследована важность вопросов качества учебного задания, типов в соответствии с выполняемой задачей, особенно в развитии речевых навыков на уроках родного языка, основной задачи обучения студентов самостоятельному, творческому мышлению.

Ключевые слова: учебное задание, вопрос и его типы, учебник, разговорные навыки, говорение, понимание, письмо, эссе, состав учебных заданий, методика преподавания, творческое мышление



THE ROLE OF THE QUESTION IN THE METHODOLOGY OF TEACHING THE NATIVE LANGUAGE AS AN EDUCATIONAL TASK

Khamroev Gofir Hasanovich,

Associate Professor of the Tashkent State University of Uzbek
Language and Literature named after Alisher Navoi

Abstract: the article focuses on the role of educational tasks and their description in the new teaching methodology used to improve the system of teaching the native language. It also describes the advantages of using a pragmatic approach in the preparation of training tasks. The importance of the issues of the quality of the educational task, types in accordance with the task performed, especially in the development of speech skills in the lessons of the native language, the main task of teaching students independent, creative thinking, was investigated.

Keywords: study assignment, question and its types, textbook, conversational skills, speaking, understanding, writing, essay, composition of study assignments, teaching methods, creative thinking

Кириш. Ўзбек тилининг она тили ва давлат тили сифатида ўқитилиши бўйича янада кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилиши зарур. Айниқса, бу соҳада ўқув топшириқларидан фойдаланиш масаласида муайян оқсоқликлар бор, жумладан, ўқув топшириқлари мазмуни маҳсус ўрганишни талаб қиласи. Жаҳон тил ўқитиш методикасида асосий эътибор ўқув топшириқларнинг сифатига қаратилади. Ўқувчида нутқий кўникмаларни ривожлантириш ёки шакллантириш бир босқичли оддий жараён эмас, шу сабабли топшириқ ёки саволлар ҳам бир хил бўлмайди. Фаолиятни ташкил этиш босқичи қанча бўлса, натижагача бўлган жараёнда машқ, топшириқ ва саволларнинг вазифаси ҳам шунчалик ранг-бараг бўлади.

Замонавий ўқитиш методикаси ўқувчиларда, талабаларда XX аср кўникмаларини шакллантиришни талаб қиласи экан, демак ўқув топшириқлари ҳам зудлик билан шу талабга мослашиши керак. Ўзбек тилининг она тили ва давлат тили, шунингдек, иккинчи тил сифатида ўқитилишда ўқув топшириқлари шунчаки ишлаб чиқилган савол ва топшириқлардан фойдаланилади. Аслида ҳар бир савол, ҳар бир топшириқ пухта ўйланган, белгиланган мезонлар асосида ишлаб чиқилиши лозим. Мавжуд ўқув топшириқларининг энг ноқулай жуҳати бу – замонавий баҳолашга мос келмаслигидир. Ҳар бир машғулот муайян кўникма ёки малакани ҳосил қилиш учун тақдим қилинади. Саволлардан фойдаланиш масаласида ҳам натижалар ижобий емас, зеро,

саволлар қандай вазифаларни бажара олиши ҳақида мулоҳаза қилиб кўриш керак. Машғулот жараёнида саволдан, аввало, ўзлаштирилган билимнинг кўлами, сифати, ёки маълумотга муносабати, тафаккур тарзини билишда фойдаланилиш самарали бўлади. Замонавий таълимда воситани биргина вазифани бажаришга мўлжаллаш вақтни исроф қилиш билан teng.

Тил ўқитишда машқнинг бажарадиган вазифаларини, қўлланилиш ўринларини аниқлаб олиш лозим. Асарият мамлакатлар таълим тизимида лингвистик топшириқлар, нутқий топшириқларга нисбатан анча кам. Ўзбек тили таълимида лингвистик топшириқлар керагидан ортиқ қўлланилади. Агар топшириқлар орқали лингвистик маълумотлар ҳам нутқий кўникмаларни ривожлантиришга бўйсундирилса, тезроқ нутқий компетенцияга эришиш мумкин.

Дунё тил ўқитиш тажрибасида нутқий кўникмалар тўртта. Тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш кўникмалари бўлиб уларни шакллантириш бўйича бериладиган савол ва топшириқлар баҳолашга жуда қулай тарзда ишлаб чиқилган. Таълимда баҳолашнинг қулай, самарали йўлинни ишлаб чиқлсагина унинг фойдаси бўлади. Билим кўникма ва малакани баҳолай олмадими, демак, у топшириқ сифатсиздир. Шунинг учун ҳам савол ва топшириқлар ишлаб чиқиша қўйидагида ёндашиб лозим:

1. Ўқув дастурларида дарс, машғулот мавзусини мантиқан тўғри қайд этиш.

2. Иш режаларидаги мавзуларни кўзда тутилаётган билим, кўникма ва малакаларни шакллантира олиш имкониятини ҳисобга олиб танлаш.

3. Мавзуга доир ўқув топшириқларни фойдалилик даражаси бўйича саралаб олиш.

4. Бугунги мавзуда асосан қандай ўқув топшириғидан фаол фойдаланиш мумкинлигига тўғри ташхис қўйиб олиш.

5. Машқлардан такрорлашни талаб қилувчи ўқиш, ёзиш, гапириш кўникмаларини шакллантиришда фойдаланиш.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).

Савол ўқув топшириғи ҳисобланиб, ҳали алоҳида тадқиқ этилмаган. Унинг она тили ўқитиш методикасида қандай аҳамият касб этиши, вазифаси, турлари, таснифи, қўлланилиш ўринлари ва таркиби ўрганилмаган. Мезонлари ишлаб чиқилмаган. Методик қўлланмаларда, дарсликларда топшириқлар билан бирга қўлланилади, кўпинча, топшириқ билан алмаштирилади, топшириқнинг таркибига киритиб юборилади. Аслида методикада саволнинг ўз ўрни ва вазифаси бор. У топшириқдан аниқ фарқ қиласи. Баъзан топшириқ билан бир хил вазифаларни бажариши мумкин, аммо бу бир нарса дегани эмас.



Амалдаги дарсликларда “Савол ва топшириқлар” рукини остида фақат саволлар берилади. Бу – мазкур тушунчанинг мазмун моҳиятини ёндош тушунчаларга нисбатан фарқлаб олиш зарурлигини кўрсатади.

Зеро, ижтимоий ҳаётда ҳам савол муҳим аҳамиятга эгадир. Жавоб – саволнинг қандай берилганига боғлиқ. Демак, ўқувчиларга тўғри, ўринли ва мақсадли савол бера олсак, уларнинг берган жавоби жамият тараққиёти учун қайсиdir маънода фойдали бўлади.

Шу ўринда савол нима ўзи деган саволга жавоб излаш, уни илмий-методик текшириб кўриш зарурати пайдо бўлади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида саволга шундай таъриф ва тавсиф берилган: САВОЛ – [а. – сўроқ; илтимос]

1 Жавоб олиш учун айтиладиган гап, жумла; сўроқ. – [Васила Назаровна:] Сен менинг саволимга жавоб бер, ким у? Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. – Жуда яхши савол! – деди Иброҳимов, – қани, бу саволга ким жавоб беради А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари. Савол аломати – еск. Сўроқ белгиси. Савол аломати ҳамма вақт «ми» дан кейин қўйилади десам, кулади. А. Қахҳор, Адабиёт муаллими. Етти оғайни ҳам кўкда ногаҳон Савол аломати бўлиб кўрингай. А. Орипов.

2 Имтиҳон билетида ёзib қўйилган, жавоб бериш лозим бўлган мавзулар номи ёки машқ, масала. Иккинчи қаторга бориб ўтирганидан кейин машинкада ёзилган саволларни ўқиди: – 1. Жоул - Ленс қонуни. 2. Резонанс. Учинчи савол електромагнит майдони ҳақидаги масала эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. 3. Ечилиши лозим бўлган масала, муаммо. Бугунги йиғилишимизда иккита саволни ҳал қилишимиз лозим. Газетадан.

Шунингдек, А.Н.Леонтьев, Ж. А. Пономарев, С.Л.Рубенштейн кабилар ўқув топшириқлари ва уларнинг дидактикада тутган ўрни, вазифалари ҳақида кузатишлар олиб борган. Жумладан, Леонтьев “топшириқ” тушунчасини куйидагича характерлайди: “Топшириқ – муайян шартларга асосланиб олдинга қўйилган мақсаддир”, деб таъкидлайди, бироқ савол ҳақида бу ўринда муносабат билдирилмайди.

Ҳаётда ҳам педагогикада ҳам саволнинг вазифаси бири-иккинчисидан унчалик узоқ эмас. Бироқ она тили ўқитиши методикаси таълимнинг бошқа соҳаларига қараган муҳимроқ аҳамият касб этади. Унинг бу борадаги педагогик юки ўқувчи шахсини фикрлашга ўргатиш, билимларини синаш, кўникмасини текшириш кабилар билан белгиланади.

Таълимда, хусусан, она тили ўқитишида саволлардан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин:

- А) ўқувчи билимини аниқлашга доир;
- Б) ўқувчи қобилиятини аниқлашга доир;

С) ўқувчининг фикрлаш қўниқмасини аниқлашга доир;

Д) ўқувчининг хотирасини текшириб кўришга доир.

Ўқитувчи синфга саволлар билан мурожаат қиласиган жуда кўп мақсадлар мавжуд. Асосийларини қўриб чиқамиз. Демак, ўқитувчи қўйидаги мақсадда саволлар бериши мумкин:

- ўқув материалини билиш ва тушуниш даражасини ёки шакллантирилган вазифаларнинг шарт-шароитларини тушуниш даражасини аниқлаш;

- ўқувчиларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва мотивацияларини шакллантириш;

- ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш, саволлар асосида топшириқ бериш ва олинган натижаларни ўрганиш;

- фаолиятда қарор қабул қилиш ва ўз-ўзини баҳолашига имкон бериш, масалан, ўқитувчи ўқувчига бирор масалани ўзи ҳал қилиши, гипотезани шакллантириш ва керакли хуносалар чиқаришга ёрдам бериш учун саволлар беради.

Ўқитувчи ўқувчига қандай саволлар бериши керак?

Ўқитувчининг ўқувчиларга қаратилган саволларини мақсадга кўра қўйидагича таснифлаш мумкин:

- тўғридан-тўғри савол – билим масаласи; одатда аниқ жавоб бор;

- тушуниш саволи – билимларни ёдлаш ёки тушуниш орқали эгалланганлигини аниқлашга қаратилган саволлар;

- етакчи савол – ўқувчига қийин вазиятда қарор қабул қилишга ёрдам берадиган савол;

- тушунтириш савол – ўқувчининг ўз жавобини тўлдириш мақсадида ўқитувчи берган савол;

- очиқ савол – ўқув вазиятини таҳлил қилиш, баҳолаш ёки акс эттириш учун савол, шунингдек, ижодий савол (масалан, шартлилик, тахмин ёки прогноз элементлари бўлган савол).

Ўқувчилар билан самарали мулоқот қилиш учун ўқитувчи барча турдаги саволлар бўйича малакага эга бўлиши керак. Бу борада етакчи ва очиқ саволлар, ниҳоятда муҳимдир, чунки улар ўқувчиларни фикрлашга ўргатади.

Савол бериш билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд?

Одатда савол бериш қийин эмасдек туюлиши мумкин, унга жавоб бериш ҳам осон эмас. Ўқитувчи томонида бериладиган саволлар шунчалик ўйлаб берилиши керакки, ўқувчиларнинг бундай саволларга берадиган жавоблари мамлакат тараққиётига хизмат қиссин, ўқувчи ҳаёти давомида унга фойда келтирсин. Зоро, ўқитувчи берган саволлар, шунингдек, уларни сўраган йўли ўқув материалынинг билим даражасини, унинг ақл-заковатини ва ишга бўлган муносабатини очиб бериш билан



бирга ўқувчиларни турли мұлоқот вазиятларига тайёрлаши керак. Шу сабабли ҳам савол бериш қийин бўлмоғи лозим. “Берилган шеърий мисраларда нечта унли қатнашган?”, деген савол ўқувчи учун қанчалик фойдали эканлиги ҳақида жиддий ўйлаб кўрилиши керак.

Энди ўқитувчи томонидан савол беришда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни кўриб чиқайлик.

1. Ўқитувчининг сўзи ўқувчига тушунарли эмас.

2. Саволларнинг бир хил турини белгилаш. Ўқитувчилар қўпинча тўғридан-тўғри ва тушуниш учун саволлар беради ва муаммоли саволлар берилмайди. Одатда ўқув материалини билиш ва тушуниш даражасини аниқлаш мақсадида саволлар берилади, яъни саволдан, асосан, назорат воситаси, ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш воситаси сифатида фойдаланилади.

3. Нотўғри жавобларга салбий реакциянинг этишмаслиги. Бундай реакциялар туфайли хатодан қўрқиши ҳосил бўлади. Аксинча, ҳар ким хато қилиши мумкинлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш керак. Ўқувчи ўзини тузатишига етакчи саволлар бериш фойдалидир. Ўқувчининг саволга жавоби бўлмаса, бошқа савол бериш керак. Агар у бунга жавоб қила олса, баҳосини туширмаслик керак.

4. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўйлаб жавоб беришига имкон бермайди. Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб саволлар бериш тажрибаси қўлланилмайди. Унутмаслик лозимки, ўқувчиларга жавоб ҳақида ўйлаш учун турлича вақт керақ, ва тақдимот турли шаклда бўлиши лозим. Мисол учун, кимгадир бутун синф олдида эмас, балки ёзма равишда жавоб бериш қулай ва ҳоказо.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Шу ўринда психологияк нуқтаи назардан ўқитувчи ва ота-оналар учун қўйидагича тавсиялар бериш мумкин:

Ўқувчига (болага) риторик саволлар бермаслик керак, масалан:

“Мен буни тушунтирганимда қаерда эдинг?”

“Менга нега диққат билан қулоқ солмадинг?”

“Буни сизга қачонгача тушунтираман?” ва ҳоказо.

Бу масалалар боланинг қадр-қимматига таъсир қиласи ва ҳақоратдек қабул қилинади.

Ўқувчилар томонидан бериладиган саволлар. Нега ўқувчиларни савол беришга ўргатиш керак? Бугунги кунда нима мухимроқ деб ўйлайсиз: Савол беришга ўргатилганлар турли мақсадларни қўйишилари, уларга эришишлари ва хатоларни таҳлил қилишилари мумкин. Мақсадларни аниқлаб олиш қобилияти инсоннинг мувваффакиятини белгилайди. Ўқувчи савол ва топширикларни бажариб, фикрлашни ривожлантиришга ўрганади. Нима фойдалироқ: ўқитувчининг саволига

жавоб қидиришми ёки таклиф этилаётган материалга ўз саволларини шакллантиришми? Маълум бир мавзу доирасида савол беришга ўргатиш орқали муайян фаннинг мазмунини ўргатиш мумкин. Бундай саволларни рағбатлантириш орқали шу фанга қизиқиш ҳосил қилиш мумкин.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг саволларига қандай жавоб бериши лозим?

1. Ўқувчиларнинг саволларига рағбат билдириш.

2. Жуда яхши саволларнинг алоҳида таъкидлаш.

3. Мантиқсиз саволларга холис муносабат билдириш. Ҳар қандай саволни жиддий қабул қилиш ва беш дақиқа олдин тушунтирилган бўлса ҳам, жуда муҳим деб жавоб бериш керак.

Бу қоидаларга амал қилиш ўқувчилар тез-тез ва ихтиёрий саволлар беришни бошлашга олиб келади. Ўқувчиларга савол беришда янада фаол бўлишлари учун нима жуда муҳимлигини тушунтириш керак.

Яна бир муҳим масала. Агар ўқитувчи саволга жавобни билмаса, нима қилиши керак? Агар савол ўқув материалига тегишли бўлса, ўқитувчи қаттиқ ишлаши ва унга жавоб бериши керак. Баъзан саволлар дарслик доирасидан ташқарига чиқиши мумкин. Саволнинг жавобини билмаслигини тан олиши ва кейинги дарсда жавоб беришга ҳаракат қилиши мумкин. Билмаслик айб эмас, билишни истамаслик айбдир.

Ўқувчини тўғри савол беришга қандай ўргатса бўлади? Ҳар бир ўқитувчи бир қатор топшириқлардан фойдаланиши мумкин, уларнинг мазмуни ўқувчилардан саволлар тузишни талаб қиласди. Бундай топшириқларнинг айрим намуналарини кўриб чиқамиз.

1. Таклиф этилаётган ўқув материали учун саволлар тузиш. Анъанавий ўқитишида ўқитувчилар ўқувчиларга параграфдан кейин жойлаштирилган саволларга жавоб беришни сўраб, кўриб чиқилган параграфга ўз саволларини шакллантиришни камроқ таклиф қиласдилар. Тескари ўрганиш ўқувчиларнинг ўқув материалини мустакил ўзлаштиришларини, масалан, ўқитувчи таклиф этган саволларга эътибор қаратишларини назарда тутади. Мавзуни ўрганиш жараёнида ўқувчилар синфда муҳокама қилмоқчи бўлган саволлар рўйхатини тузадилар.

2. Мақсадни белгилаш босқичида ўқувчилардан дарс давомида жавоб топмоқчи бўлган бир қатор саволларни шакллантиришларини сўрашингиз мумкин. Бу саволларни синфтахтасида ёки дафтарларда акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Дарс охирида берилган саволлар ва олинган жавобларга яна эътибор бериш керак.

3. Билимларни бойитиш ёки билимларни мустаҳкамлаш босқичида ўқувчиларга маълум бир мавзу билан боғлиқ қалит сўзларни таклиф қилиш мумкин. Қалит сўзларни ўқувчиларнинг ўзлари қўйишилари мумкин. Кейин ўқувчилар бу сўзлар ҳақида саволлар тузишлари керак. Топшириқни нафақат фронтал, балки мусобақа шаклидаги жуфт ёки гурухларда ҳам бажариш мумкин. Мисол учун, бир гурух тасодифий

бир калит сўзни тортади ва бунинг учун бир савол ҳосил қиласди. Балл яхши савол учун берилиши мумкин.

4. Билимларни ривожлантириш босқичида ўқувчи ёки талаба ўзаро бир-бирини сўроққа тутиши мумкин, бунда бир ўқувчи бошқасидан сўрайди, кейин жавоб берувчи ўқувчи учинчисидан сўрайди ва ҳоказо. Бундай сўровнинг асосий шарти: ҳар бир ўқувчи битта саволга жавоб бериши ва битта савол бериши керак.

5. Тескари топшириқлар. Ўқувчилар одатда топшириқни бажаришда аниқ саволларга жавоб берадилар. Масалан, ечишган муаммо бўйича шарт ва талабларни шакллантириш ёки муаммо шартига қўйилган максимал талабларни шакллантириш; тайёр чизма, жадвал, формула, фото, видео учун саволлар билан чиқиш; мавжуд жавоблар учун саволлар тузиш. Бундай топшириқларни бажариш мусобақа шаклида жуфт ёки гурӯҳларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

6. Ролли ўйинлар. Ушбу ўйинларнинг шартлари кўпинча саволларни шакллантиришни ўз ичига олади. Масалан, дарс матбуот анжумани шаклида ташкил этилиб, унда ўқувчи-журналистлар олимга саволлар бераб (бу ролни ўқитувчи ёки ўқувчи ўйнаши мумкин), сўнгра олинган материал бўйича мақолалар ёзишлари мумкин. Дарсни ташкил этишнинг яна бир намунаси олимлар томонидан илмий-тадқиқот натижаларини илмий жамоатчиликка тақдим этиш бўлиши мумкин. Ўқувчилар қарши томон яъни бошқа олимлар сифатида ҳаракат ва тақдим этилган ҳисботни кўриб бериши керак.

Бу ўринда қуйидаги сўроқ олмошларидан самарали фойдаланиш мумкин: Нима? Қачон? Нима учун? Қаерда? Нима учун? Қаёқдан? Қандай қилиб?

Суқрот усули “Яхши сўраш яхши ўргатишdir”, деган фикри ўқувчига билим беришнинг энг фойдали йўлидир. Савол бериш орқали ўқитиш жуда самарали таълим усули эканлигини таъкидлаган Левен ва Лонг ўз тадқиқотларидан маълум қилишича, одатда ўқитувчи кунига 300 дан 400 гача савол беради. (1981) . Демак, саволлар хар қандай машғулотнинг асосини ташкил этади.

Куйидаги жадвалда саволнинг анъанавий ва ноанъанавий (прагматик) турлари фарқланган ҳолда берилган:

№	Анъанавий саволлар (амалдаги)	Прагматик саволлар (таклиф қилинаётган)	2.1-жадвал
1.	Қўшимчалар вазифасига кўра қандай турларга бўлиниади?	Имлода қайси қўшимчалар чизиқча билан ажратиб ёзилади?	
2.	Отларнинг тузилишига кўра турлари нечта ва қайслар?	Ёзма нутқда қандай қўшма отлар кўшиб, қайслари ажратиб ёзилади?	
3.	Аникловчи қайси сўз туркумлари билан ифодаланади?	Вергулдан қандай нуткий вазиятларда (гапларда) фойдаланилади, нима мақсадда кўлланилади?	

Таъкидлаш лозимки, ўқувчиларнинг ўзлари савол берадиган ва уларга жавоб излайдиган машғулот – замонавий ва самарали дарсdir. Ўқувчиларни савол бера олишга ўргатиш, ўқитувчи берган саволларнинг ҳаётий масалалар ечимиға алоқадорлиги она тили таълимида ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommend.) Агар дарсни қандай ташкил этиш, хусусан, она тили дарсларида, лексика, тилнинг зарурий граматик маълумотларини ўқитишида креатив, прагматик саволлар билан ишлаш тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Юқорида келтирилган саволнинг ўқув топшириғи сифатидаги турлари, ўкувчини тўғри, мантиқли савол беришга ўргатиш бугунги она тили ўқитиши методикасининг муҳим вазифалари қаторига киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Педагогика Энциклопедияси. 2-жилд. –Т.: Ж – М., 2012. – 223-б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2-жилд.–Т.: ЎзМЭ, 2004. – 569-б.
3. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. – М.: Педагогика, 1972. -576 с. <https://search.rsl.ru/ru/view/>
4. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. - Москва: Педагогика, 1976. -416 С. С. Пономарев Психология творчества и педагогики, 1976. --280 С.



THE SPECIFICS OF THE PERCEPTION OF THE KORAN BY RUSSIAN POETS OF THE EARLY XIX CENTURY

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.83.72.006>

Rakhmanova Albina Khodzhaevna,

Candidate of Philology, Associate Professor, Department of Russian Language and Literature, Navoi State Pedagogical Institute

Resume. The article deals with the transformation of Qur'anic stories and images in the lyrics of the poets of the Pushkin era, reveals the parallels between the Holy Book of Muslims and the poems of L. Yakubovich, Ya. Koran, poetic texts of poets of the «Pushkin era» are analyzed Poets of Pushkin's time, poets of the «Pushkin galaxy», «poets of the Pushkin circle», «golden age» of Russian poetry - a generalized naming of Russian contemporary poets of Alexander Sergeevich Pushkin, who together with him were among the creators of the «golden age» of Russian poetry, as they call the beginning XIX century. Understanding and perception of the East by the poets of the Pushkin era Lukyan Yakubovich, Yakov Polonsky, Nikolai Grekov, Mikhail Mikhailov, Lev Kobylinsky-Ellis also went in line with Pushkin's search for truth and their poetic works began to bear the general name «From the Koran», which in itself indicated that they were written under the direct influence of Holy Scripture. The Qur'an became a source of poetic inspiration for many poets, they were attracted by the artistry and depth of the Qur'anic text. The reflection of the Koranic narration, the transformation of a number of motifs and images of the Holy Scriptures of Islam by the poets of the Pushkin era, show the importance of penetrating the Koranic realities into the world, involvement in the process of reflecting the new revealed truth. Touching upon the main themes of the Qur'an, Russian literature also focused on the genre and stylistic features characteristic of its poetics, using the special rhythmic and stylistic resource of expression inherent in the «heavenly book» of Muslims and rhetorical phrases to enhance artistic expressiveness.

Key words: intercultural communication, dialogue of cultures, poets of Pushkin's circle, Qur'anic stories, specificity of Holy Scripture, interpretation of images, Pushkin's traditions.

XIX ASR BOSHLARIDA RUS SHOIRLARI TOMONIDAN QUR'ONNI IDROK ETISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Raxmanova Albina Xodjaevna

*filologiya fanlari nomzodi, Navoiy davlat pedagogika instituti rus tili
va adabiyoti kafedrasи dotsenti*

Аннотация. Maqolada Qur'on qissalari va obrazlarining Pushkin davri shoirlari lirikasidagi o'zgarishi haqida so'z boradi, Muqaddas musulmonlar kitobi bilan L.Yakubovich, Y.Polonskiy, N.Grekov she'rlari o'rtasidagi o'xshashliklar ochib beriladi, idrokning o'ziga xosligi va rus matnida Qur'oni aks ettirishning o'ziga xosligi ko'rsatilgan, Qur'on suralarining

Мурожаатномада таъкидланишича, “...Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўяр эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун аввалам бор ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур”. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, фундаментал фанлар йўналишидаги ихтиро ва янги ишланмаларни амалиётга имконият даражада жорий қилиш, ўқитишнинг методик тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида фундаментал фанларнинг ривожланишига туртки бўлмоқда.

Хозирги вақтда таълим тизимидағи кўзланган асосий вазифалар бу - фан ва техника соҳасидаги ютуқлар билан талабаларни ўз вақтида танишишириб бориш; турли кераксиз ахборотлар таъсиридан ўқувчи-талабаларни асраш; давр талабига, миллий менталитетимизга мос

келувчи баркамол авлодни тарбиялаш каби муҳим ишларни амалга оширишдан иборат [1; 2;].

Физика ўқитувчиси, маъruzada ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари ва педагогик технологияларнинг дидактик функияларини ҳисобга олган ҳолда, технологиядан фойдаланишни илмий-услубий асосда танлагандагина, кўзланган мақсадга ва самарадорликка эришади.

Таълим жараёнида салмоқли ўрин эгаллаган муаммоли (ақлий хужум) маъруза, мунозарали (илмий мунозарали ва эркин фикрлаш) мавзулар муаммоли таълим технологиясига асосланади.

Мазкур мавзуларнинг ўзига хос жиҳати маъзуза давомида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларга асосланади.

Муаммоли таълим деб, ўқитувчи томонидан педагогик таъсир кўрсатишнинг энг муқобил тури ёрдамида фикр юритиш қонуниятларига таянган ҳолда, талабаларнинг билимларни ўзлаштириш жараёнида фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва билиш эҳтиёжини қондириш мақсадига йўналтирилган, талаба билимининг умумий ва маҳсус ривожланишига замин тайёрлайдиган жараёнга айтилади.

Муаммоли таълим жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо талабаларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида билим, кўнинма ва малакага эришиш мақсадида қўлланилиб, унда талаба ўқув мавзусини таҳлил қиласи, таққослайди, синтезлайди, маълумотларни умумлаштириб, янги ахборот олади. Бошқача айтганда, аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларини янги вазиятларда қўллаб, билимларни чуқурлаштиради, кенгайтиради.

Билимларни бундай ўзлаштириш усулини ҳеч бир маърузачи ва устоз ўргата олмайди, фақат талабалар муаммоли вазиятларни ҳал этиш жараёнида изланади ва муаммолар ечимини топади.

Талабаларни ижодий ва мантиқий фикрлашга ўргатиш, ақлий фаолият усуларини эгаллашга, уларда илмий, танқидий-таҳлилий, мантиқий фикр юритиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга олиб келади.

Масалан, “Оптик толада ёруғликнинг тарқалиш қонуниятлари” мавзунини мушоҳада қилиб кўрсақ. Мавзуга оид “Оптик тола қандай тузилган?” деган биргина савол, навбатдаги қатор муаммоли саволларни келтириб чиқаради. Толали оптик алоқа тизимида аҳборотлар қандай узатилади?. Толали оптик алоқа тизимида оптик тебранишларнинг тарқалишини чегараловчи ва ёруғлик энергияси оқимини берилган йўналишда йўналтирувчи, узатиш ва қабул қилиш йўлларини боғлаб турувчи муҳит оптик ёруғлик узатгичлар дейилади [7; 191-214-6.]. Оптик ёруғлик узатгичларнинг тавсифлари қисман алоқа тизимининг

сифатини аниқлайды. Шунинг учун толали оптик алоқа тизимни лойихалаштиришда нурланиш тарқаладиган узатувчи муҳит - оптик ёруғлик узатгичларнинг тавсифларини ҳисобга олиш керак.

Толали оптик алоқа тизимда маҳсус оптик ёруғлик узатгичлар оптик толалар қўлланилади. Кичик сўниш коэффициентига эга бўлган оптик ёруғлик узатгичлар асосида оптик сигналларни узоқ масофаларга узатишни таъминловчи оптик кабеллар яратилган. Ахборотни узатувчи оптик толалар қандай тузилган? Ёруғлик узатувчи оптик толалар ўзак ва қобиқдан иборат бўлади. Улар қиймат бўйича бир-бирига яқин турли синдириш кўрсаткичларига эга. Ўзак узатувчи муҳит, қобиқ эса ўзи ва ўзак орасида чегара ҳосил қилувчи сифатида ишлатилади. Бу чегара ёруғликни йўналтирувчи физик канални шакллантириб, у орқали узатилган сигналнинг ташувчиси ёруғлик нури тарқалади. Ёруғлик нурининг фақатгина ўзак бўйлаб тарқалиши учун қандай шарт бажарилиши керак? Ёруғлик нурининг фақатгина ўзак бўйлаб тарқалишини таъминлаш учун (1-расм) қўйидаги шарт бажарилиши керак:


$$n_1 > n_2 > n_3 > n_o$$

бунда:

n_1 - ўзакнинг синдириш кўрсаткичи; n_2 , n_3 - қобиқларнинг синдириш кўрсаткичлари; n_o — ташқи муҳитнинг синдириш кўрсаткичи.

Оптик ёруғлик узатгичларнинг синдириш кўрсаткичи: $n = \sqrt{\epsilon\mu}$

бунда ϵ , μ мос равишда нисбий диэлектрик ва магнит ўтказувчанлик.



1-расм. Ёруғлик узатувчи оптик толалар.


Хар хил моддалардан ёруғлик турли тезликларда тарқалади. 1-жадвалда турли моддаларнинг синдириш кўрсаткичлари ва ёруғликнинг тарқалиш тезликлари келтирилган.

Турли материалларнинг синдириш кўрсаткичлари

1-жадвал

Материаллар номи	Синдириш кўрсаткичлари	Ёруғликнинг турли материаллардаги тезлиги, км/сек
Вакуум	1,0	300 000
Хаво	1,0003(1)	300 000
Сув	1,33	225 000
Кварц	1,46	205 000
Шиша	1,5	200 000
Олмос	2,5	120 000

2-расмда оптик толанинг таркибий қисмлари тасвирланган. Оптик тола учун асосий материал жуда тоза ва тиниқ кварц шишаси, кремний икки оксида (SiO_2) хисобланади [3; 182-185-6.].



2-расм. Оптик толанинг тузилиши.

Оптик толанинг таркиби ва классификацияси. Оптик толали кабел қандай элементлардан ташкил топган? Оптик толали кабел қўйидаги элементлардан иборат:

Ташувчи кабел, полиэтилен қобиқ билан қопланган шиша толали ёки металлдан ясалган. Модулларни марказлаштириш ва кабелни кесмада маҳкамлаш учун винт остида маҳкамланган кабелни мустаҳкамлаш учун хизмат қиласи.

Икки қатламли шиша ёки пластмасса толалар, бир ёки икки қатламли лак билан қопланган. Лак қатлами толаларни шикастланишдан ҳимоя қиласи ва толаларни рангли белгилаш учун хизмат қиласи.

Филаментларни ўз ичига олган пластик қувурлар - ёруғлик толалари ва хидрофобик гел билан тўлдирилган. Найчалар сони 1 ёки ундан кўп бўлиши мумкин, найчадаги толалар сони 4 дан 12 гача, кабелдаги толаларнинг умумий сони 4 дан 288 гача. Кабелнинг умумий ўлчамларини оз сонли толалар билан сақлаш учун қувурлар ўрнига қора диэлектрик найчаларга киритилиши мумкин.

Найча атрофига ўралган иплар билан бирга тортилган ва хидрофобик гел билан намланган плёнка. У дампинг хусусиятларига эга ва кабел ичидаги ишқаланишни камайтириш, намлиқдан кўшимишча ҳимоя қилиш,

модуллар орасидаги бўшлиқда хидрофобик суюқликни сақлаш ва ҳоказолар учун мўлжалланган.

Намлиқдан қўшимча ҳимоя қилиш учун мўлжалланган полиэтилендан тайёрланган нозик ички қобиқ қатлами.

Гел, бу полиэтилен плёнка ва маълум микдордаги хидрофобик гелдан иборат. Бу қўшимча намлиқдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган.

Қалин ва юмшоқ полиетилен қобиқ бўлган қатлам, ички қатламларни атроф-мухит таъсиридан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган.

Оптик толали кабеллар қуидагиларга бўлинади:

1. Тола материали бўйича:

ГОФ-кабел (шиша оптик толали кабел); ПОФ-кабел (пластик оптик толали кабел).


2. Ўрнатиш жойи бўйича:

ташки ўрнатиш учун (ерга, хавода, сув остида); ички ўрнатиш учун (маълумотлар марказлари ичida).

3. Қўйиш шартларига кўра:

суспензия учун (кевлар ёки арқон билан кабел); электр узатиш линиясининг таянчларида (чақмоқлардан ҳимояланган сими) тўхтатиб туриш учун; кабел каналларида ётқизиш учун (гофрировка қилинган металл зирхли кабел); сув остида ётқизиш учун (кўп қатламли кабел).


Қандай оптик толаларни бир модали ва кўп модали дейилади? Тўлқин узунлигига нисбатан ўзак диаметрига боғлиқ равища оптик толалар бир модали ва кўп модалига бўлинади. Бир модали оптик толаларда кўпинча ўзак диаметри 7 -10 мкм (3-а, расм), кўп модали оптик толаларда эса 50 - 62,5 мкм (3-б, расм) бўлади. Иккала турда қобиқ диаметри 125 мкм ни ташкил этади. Амалиётда кўп модали ва бир модали оптик тола диаметрларининг бошқа қийматлари ҳам мавжуд. Бир модали оптик толадан фақат бир мода узатилади. Кўп модали оптик толадан эса апертура бурчаги доирасида толага турли бурчаклар остида киритиладиган бир неча юзлаб рухсат этилган модаларни бир вақтда узатиш мумкин. Рухсат этилган модалар турли тарқалиш йўналиши ва вақтига эга.



3 -расм . Бир модали (а) ва кўп модали (б) оптик толаларнинг қўндаланг кесими

Кўп модали оптик толалар синдириш кўрсаткичи бўйича қандай

толаларга бўлинади? Кўп модали оптик толалар синдириш кўрсаткичи кўриниши бўйича поғонали (4-а, расм) ва градиент (4-б, расм) толаларга бўлинади. Поғонали синдириш кўрсаткичли кўп модали оптик толалар икки муҳит чегарасида синдириш кўрсаткичларининг кескин (поғона кўринишида) ўзгариши (n_1 дан n_2 га) билан характерланади. Поғонали синдириш кўрсаткичли оптик толалар ўтказиш полосасини чегаралайди, лекин градиент синдириш кўрсаткичли оптик толаларга нисбатан арzon ҳисобланади.



4-расм. Поғонали (а) ва градиентли (б) кўп модали оптик толаласининг тузилиши ва синдириш кўрсаткичи кўринишлари

Градиент синдириш кўрсаткичли кўп модали оптик толалар поғонали синдириш кўрсаткичли толаларга қараганда равон синдириш кўрсаткичи ва модалараро дисперсиянинг камайиши бўйича юқори техник кўрсаткичларга эга. Чунки градиент синдириш кўрсаткичли оптик толада модаларнинг тарқалиш тезлиги (дисперсияси) бирбиридан жуда ҳам катта фарқ қилмайди. Дисперсия импульсларнинг кенгайиб кетиши ва узатилаётган сигналларнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун ҳозирда градиент синдириш кўрсаткичли кўп модали оптик толалар кенг тарқалган.


Градиент синдириш кўрсаткичли кўп модали оптик толаларнинг энг асосий камчилиги уларнинг қимматлилиги ва ишлаб чиқаришнинг мураккаблигидир.

Кўп модали оптик толаларда модалараро дисперсия ўтказиш полосаси ва алоқа масофасини чегаралайди. Шунинг учун кўп модали оптик толалар, асосан, локал тармоқларда ва нисбатан паст тезликли ракамли толали оптик алоқа тизими (ТОАТ) сигналларини узатишида ишлатилади. Бир модали оптик толалардан магистрал алоқа

тармоқларида фойдаланилади. Чунки, бир модали оптик толаларда модалараро дисперсия юзага келмайды, шунинг учун сигналлар күп модали режимга қараганда кам бузилиш билан узатиласиди. Яъни, бир модали оптик толалардан фойдаланиш ўтказиш қобилиятини оширади, лекин узатувчи қисмда бир мунча қиммат бўлган яримўтказгичли лазердан фойдаланиш талаб этилади [3; 180-182-б.].

Оптика қонуниятлари ёруғлик нурининг тўғри чизиқли тарқалиши, тола муҳити билан ўзаро таъсиrlашуви ва изотроплик хусусияти - муҳитда барча йўналишларда ёруғликнинг бир хил тарқалишига (шиша бир турдаги ва изотропли муҳит ҳисобланади) асосланган. Бу қонуниятларга ёруғликнинг қайтиш ва синиш қонуллари ва уларга асосланган ҳодисалар таъаллукли [8; 526-531-б., 9; 147-172-б.].

Ёруғлик бир моддадан иккисига ўтганда қандай ҳодиса кузатиласиди? Ёруғлик бир моддадан бошқасига ўтганда унинг тарқалиш тезлиги ўзгаради, яъни тўлқин назарияси нуқтаи назаридан бу харакат йўналишининг ўзгаришига олиб келади. Бу ҳодиса - ёруғликнинг тўғри йўналишдан оғиши синиш деб аталади [4; 485-492-б.].




5-расм. Ёруғликнинг синиши

Синиш ҳодисасига балиқ овлашда ҳам дуч келинади. Сув остидаги балиқни кўрганимизда, унинг ҳақиқий жойлашувини эмас, балки унга яқин жойлашувини кўрамиз (5-расм). Агар балиққа пастга вертикал қарасак, ёруғликнинг синиши рўй бермайди ва балиқнинг асл жойлашган жойини кўрамиз. Агар унга бурчак остидан қарасак, синиш ҳисобига асл жойлашган жойни кўрмаймиз, бунда балиқ назаримиздаги кўринишдан чуқурроқда жойлашган бўлади.

Синиш ҳодисасини призмада ҳам кўриш мумкин. Призмага оқ

ёруғлик туширилганда турли рангларга ажралишининг сабаби нимада? Призмага оқ ёруғлик туширилганда, призма бу ёруғликни синдиради ва камалакнинг турли рангларига ажralади. Қизил ранг энг кучли оғади ва кичик тарқалиш тезлигига эга. Синиш призма киришида бўлганидек, чиқишида ҳам ҳосил бўлади (6-расм). Оптик толадан сигналларнинг узатилишида ҳам юқорида кўриб чиқилган синиш ҳодисаси рўй беради.



6-расм. Призмада ёруғликнинг синиши

Ўтган асрнинг сўнгти ўн йиллари давомида ёруғликнинг тўлқин ва корпускуляр табиати билан боғлиқ фундаментал хоссаларидан фойдаланиш, оптоэлектроника, интеграл оптика, голография бўйича эришилган ютуқлар, жумладан, юқори самараали яримўтказгичли ёруғлик манбалари - ёруғлик ва лазер диодларининг, катта сезгирилкка эга бўлган, тезкор фото-қабулқилгичлар - фотодиодлар, кўчкили фотодиодлар, юқори даражадаги шаффофф, кам йўқотишли ёруғлик узаткичлар - оптик толаларнинг яратилиши алоқа тизимларининг янги ва истиқболли йўналиши оптик алоқанинг пайдо бўлиши, жадал суръатлар билан ривожланиши ва кенг қўлланишига олиб келди [5; 189-192-б., 6; 65-68-б.].

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” ги Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 й., 24 январь. –Т.: Тасвир



нашриёт уйи, -72 б.

3. Шарупич Л.С., Тугов Н.М. Опто-электроника. –М.: 1984. -256 с.
4. Ландсберг Г.С. Оптика. Ўқитувчи-нашриёти. –Т.: 1981. - 943 с.
5. Содиқова Ш.М., Отажонов Ш., Курбонов М. Лазерлар ва уларнинг амалиётдаги ўрни // Ўқув қўлланма. –Т.: Фан ва технология, 2019. -214 б.
6. Курбонов М. Физикадан намойиш экспериментларининг услубий функцияларини кенгайтиришнинг назарий асослари. Монография.– Т.: Фан, 2008. -118 б.
7. Ҳабибуллаев П.К. ва бошқалар Физика изоҳли лугати. // Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. -304 б.
8. Ивероновой В.И. Лекционные демонстрации по физике. –М.: 1972. -640с.
9. Покровский А.А. Демонстрационный эксперимент по физике в средней школе. –М.: 1979. -287с.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ВАТАНПАРVARЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МОДЕЛИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.21.95.023>

Ахмедов Ёдгорбек Олимжонович,

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Навоий академик
лицеи директори, подполковник*

Аннотация. Бугунги кунда қўшини давлатларда тез-тез кузатилаётган салбий воқеалар қадриятлар, устуворликлар, идеаллар иерархиясининг кескин ўзгариши, маънавиятнинг етишимаслиги, ахлоқнинг етишимаслиги, ҳарбий тўқнашувларнинг авж олиши, экстремизм ва диний оқимларнинг тўқнашуви замонавий дунёниг яхлитлиги ва ранг-баранглигини кучайтириши, ёш авлоднинг фалсафий, фуқаролик ва ватанпарварлик эътиқодларини шакллантириши билан боғлиқ муаммоларни еимини топиш заруриятини келтириб чиқаради. Шу муносабат билан ушибу мақола мактаб ўқувчиларида ватанпарварликни халқ педагогикаси ёрдамида шакллантиришининг таркибий ва функционал моделини ишилаб чиқшига багишиланган. Уибу муаммони ўрганишда етакчи ёндашувлар талабаларга йўналтирилган ва бу муаммони ҳар томонлама ёритиш учун аксиологик ёндашувларга асосланган . Мақолада мактаб ўқувчиларининг ватанпарварлик фазилатларини самарали шакллантиришини таъминлайдиган мақсадли, процессуал, мазмунли, ташкилий-методик, самарали-баҳолаи компонентларини ўз ичига олган халқ педагогикаси ёрдамида мактаб ўқувчиларининг ватанпарварлик фазилатлари модели келтирилган.

Калим сўзлар: структуравий-функционал модел, халқ педагогикаси, мактаб ўқувчилари, ватанпарварлик тарбияси бошқарии

Ҳар қандай давлатнинг ривожланиши бир қатор обьектив ва субъектив омиллар билан белгиланади, улар орасида ҳокимият қоида, принцип ва қонунларида ҳаракат қилувчи шахснинг ривожланиши ва қабул қилиниши, ҳар бир фуқаронинг ўзига хос мажбуриятларини бажариши алоҳида ўрин тутади. Ушбу тенденция ўқув жараёнини ташкил этишни батафсил текшириш; ўқитишининг муқобил моделларини ишлиб чиқиш ва синовдан ўтказиш; таълим жараёнининг ахборот хавфсизлигини таъминлашни талаб қиласди

Шубҳасиз, шахсда фуқаролик фазилатларини шакллантириш маълум даражада таълим-тарбия соҳасидаги устувор йўналишларнинг ўзгаришига ёрдам беради. У таълим ва тарбиянинг якуний мақсадига, ўқувчи дунёқарашидаги ўзгаришларни ўз ичига олади. Мактабнинг мақсади давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқ ва бурчлар мажмуига



эга бўлган, демократик, ижтимоий шериклик ғояларига содик, ўзи ва бошқалар учун миллий ва шахсий эркинликни ҳурмат қиласидиган шахсни тарбиялашдан иборат.

Ватанпарварлик тарбияси муаммолари ўтмишдаги мутфакир ва жамоат арбоблари Навоий, Бобир, Амир Темур, Ушинский, Сухомлинский ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Улар тарбиядан асосий мақсад ўз халқининг, тили, маданияти, урф-одатларини севадиган, юксак маънавиятли, илм-фанга меҳрли, меҳнатсевар, Ватанга хизмат қиласидиган ватанпарвар инсонни шакллантиришдан иборат деб ҳисоблаганлар.

Ватанпарварлик тарбияси мақсадларига эришишда олдинги авлодларнинг маънавий-яхлоқий тажрибаси катта аҳамиятга эга. Ўтмишнинг бугунги кун билан узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш миллий ва умуминсоний қадриятларни араб-авайлашга хизмат қиласиди, бу орқали ҳар бир халқ ўзининг маънавий, этник психологияси, анъаналари, урф-одатлари ва характерини такрорлайди.

Чунки халқимизнинг тарихан шаклланиб келган юксак миллий қадриятлари ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолат, миллий ғурурни маънавий юксалтириш кабилар жамият равнақи йўлидаги қийинчиликларни енгиги ўтишда ёрдам беради.

Ватанга содиклик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан оила, авлод-аждодларнинг номус-орига чуқур эҳтиром билан қарашга, инсоннинг ўз виждони ва бурчига содиқлигига бориб тақалади. Шундагина ёш авлод Ватан ва юрт манфаати йўлида, қолаверса, эртанги келажак йўлида пок ва вижданан ишлашга интилади.

Биз ёшларимизда жамиятдаги мавжуд салбий иллатларга, жумладан, коррупцияга қарши курашишда умуминсоний, миллий, дунёвий, ахлоқий, эстетик, ижтимоий, оиласиий, тарихий, диний, иқтисодий, маънавий, сиёсий жарёнлардаги анъана ва удумларни тўғри йўлга қўйиш механизмларини ўргатишимииз лозим.

Ўқитувчи фаолияти тизимида ўқувчиларнинг ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш моделини яратиш ва педагогик жараёнга жорий этиш самарали натижা беради.

Халқ педагогикаси йўналишларидан бири достонларда эзгулик, озодлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик каби инсоний ғоялар мислсиз маҳорат билан тараннум этилган ва инсонни ҳамиша маънавий камолот сари етаклаган.

Мактабда ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда инсонийликнинг олийжаноб фазилатларини шакллантиришда тарбиявий соатларнинг аҳамияти катта. Тарбиявий соатларн ўтказиш синф раҳбарлари зиммасига юклатилган бўлиб, ўқув йили бошидан ўқув

режаси тасдиқланади. Тарбиявий соатлар режасида мавзулар мазмун-моҳияти ўқувчиларда қуидаги кўникмаларни шакллантиради:

- Ватанни севиш, уни кўз қорачигидек асраш ;
- она-Ватанни мадҳ этувчи мақоллар, маталлар, ривоятлар, шеърларни ёд олиш ва мазмунини ўзлаштириш, аждодлар меросини ўрганиш, уларга эҳтиром назари билан қарап;
- қадимий урф-одатлар, халқимизнинг маънавий, маданий, моддий бойликларини англаб етиш;
- ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш;
- ота-она, ака-ука, опа-сингил, дўсту ёр муносабатларида меҳр, самимилик туйғуларини камол топтириш.
- меҳнатсеварлик, халқпарварлик, юрга садокат руҳида тарбиялаш;
- ўз-ўзини ва ўзгаларни назорат қилиш, бошқалар фикрини тинглаш одобидан сабоқ бериш, эзгулик фояларини сингдириш.

Тарбиявий соат режасида берилган “Аждодлар ўғити – олтин хазина” мавзусини ўтиш жараёнида “ФСМУ” ва “Зинама-зина” технологиялари ва турли интерфаол методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи орқали дарсни ташкил этиш яхши самара беради. “Ғалаба чўққиси” ўйинида ўқувчилар З та кичик гуруҳга бўлинади. Топшириқ: буюк шахслар номини ёзиш билан ғалаба чўққисига чиқинг.

1-гурух –“Зиё”

1. А.Навоий
2. Аз-Замаҳшарий
3. А.Беруний
4. Ибн Сино
5. Бобур

2-гурух –“Аъло”

- У.Умарбеков
- F. Фулом
- Нодирабегим
- Қошғарий
- М. Юсуф

3-гурух –“Наво”

- Х.Олимжон
- Фирдавсий
- Юсуф Хос Ҳожиб
- Форобий
- Ш.Рашидов

Ҳар учала гуруҳдан чиққан голиб ўқувчилар 2-босқичда боҳоланади.

1- Топқирлигига 2-Мазмунига.

Ўқувчилар қуидаги мисоллар келтириши мумкин. Масалан, Имом Бухорийнинг “Ал жомеъ ас-саҳих” асаридан: “Эй, бандай мўмин, сен кичкинагина бир чумолига ҳам озор бермагин, чунки чумолининг ҳам сен каби ширин ва латофатли жони бор”.

Ҳар бир алломалар асарларидан мисол келтиради, ўқитувчи билан биргаликда таҳлил қиласи. Тарбиявий соатларда “ФСМУ” технологиясидан фойдаланиб, савол-жавоб методини қўллаш мумкин. “Ватан нима?” деган саволга жавоб берилади. Ватан кўз қорачиги, онам алласи, мўъжаз маҳаллам, аждодларим кўмилган тупроқ, мен туғилган замин, тўйдирган, ўстирган, кийдирган маскамим.

Сабаб: Нима учун севамиз? Жавоблар: Ота ва она каби муқаддас,



мўътабар, нондек азиз, хаётдек лазиз, сувдек мусаффи, нурдек ёруғ масканлиги учун. Ўқитувчи томонидан фикрлар тўлдирилади, изоҳланади, таърифлар ёздириб қўйилади.

Мисол учун:

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни,
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.
Хеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон.

2-ўқувчи: Она юртим – олтин бешигим.

3-ўқувчи: Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл.

Шу каби мисоллар билан давом эттирилади, улар таҳлил қилинади.

“Зинама-зина” технологиясида “Нуктаи назаринг бўлсин” усули қўлланилиши лозим. Ўқувчилар бу усулда бир-бирларининг фикларини тўлдириб борадилар.

Аёл – она, опа-сингил, устоз, тарбиячи.

Дунёни кўзгуси, тиргаги – аёл,
Ҳаётнинг томири юраги – аёл,
Заминнинг қудрати, тилаги – аёл,
У борки, билингиз, ёрқин келажак.

Ватанпарварлик тарбияси усулларига қўйидаги гуруҳлар ажратилади: онгни шакллантириш усуллари, мулоҳазалар, тушунчалар, эътиқодлар, фаолиятда ижобий тажриба яратиш усуллари; педагогик рағбатлантириш усуллари (мақтов, жазо, рақобат, муваффақият ҳолати).

Шахснинг ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришни ўрганиш муаммоси қўйидаги ёндашувларга асосланади:

Тизимли ёндашув. Тизимли ёндашув ватанпарварлик тарбиясини ўрганишда бир ёқлама педагогик ёндашувни бартараф этишга, турли фан соҳалари (тариҳ, адабиёт, маданият, фалсафа, педагогика) «ватанпарварлик» тушунчаси бўйича маълумотларни умумлаштиришга ёрдам беради. Ягона давлат сиёсати асосида ватанпарварлик тарбияси муаммоларини ҳал қилишда республика ва маҳаллий ҳокимият органлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ва ижодий уюшмаларнинг ўзаро ҳамкорлигини белгилаш имконини беради; ўкув жараёни субъектларининг (ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар ва қўшимча таълим ўқитувчилари) ўзаро боғлиқлигини очиб бериш; ватанпарварлик тарбиясининг барча таркибий қисмлари (мақсадли, мазмунли, мотивацион, фаоллик ва диагностик ва самарали); ўкувва дарсдан ташқари машғулотлар; ижтимоий муҳит; авлодлар давомийлигини таъминлаш, ҳозирги тажрибани бугун ва келажак билан боғлаш.

Тизимли ёндашув шахсни ватанпарварлик рухида тарбиялаш жараёнига таъсиретувчи учта омилни ҳисобга олишни талаб қиласди: (1) мактабнинг таълиммайдони; (2) ўқитишталабалар билан ўзароалоқада бўлгансинфнинг таълиммайдони; (3) боланинг индивидуал шахсиятини ҳисобга олиш ва ўзвақтида психологик ёрдам кўрсатиши.

Шахсга йўналтирилган ёндашув. Шахсга йўналтирилган ёндашув замонавий таълимнинг етакчи йўналишларидан биридир. Шундай қилиб, таълим олувчига йўналтирилган ёндашув шахс маънавиятининг пайдо бўлиши, унинг табиий, биологик ва ижтимоий табиатини англаш имконини беради. Таълимнингмақсади - инсоннинг маънавий бой, ахлоқий жиҳатдан барқарор, руҳий соғлом бўлиши учун шароит яратишидир. Замонавий тараққиётни умумлаштириш асосида таълимда шахсга йўналтирилган ёндашувнинг муҳим хусусиятларини ажратиб кўрсатиши муҳим. Таълимнинг асосий мақсади ўқувчи шахсини ривожлантиришидир. Шахс ўқув жараёнини ташкил этишнинг тизимли омили сифатида ишлайди; таълимнинг етакчи мотивлари, унинг қиймати барча ўрганиш субъектларининг ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини ўзи амалга оширишга айланади; кучли билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради, шахснинг компетенциясини таъминлаш шартига айланади; субъектив тажрибани киритиш орқали ўқувчининг тўлиқ малакаси таъминланади; ўқувчига йўналтирилган таълимнинг мақсади мустақиллик, масъулият, барқарорлик, маънавий тинчлик, фикрлашни ривожлантиришга айланади.

Шу асосда ўқувчига йўналтирилган таълим боланинг жисмоний соғлигини таъминлаш ва сақлаш, табиий қобилиятларни ривожлантириш - ақл, ҳиссият, меҳнатга муҳтожлик, маҳорат тажрибалари, санъатнинг моҳиятини тушуниш жараёнидир. Шундай қилиб, инсоннинг яхлитлиги, шахсий ва маданий ривожланишининг бирлиги гоялари ушбу ёндашувнинг асосини ташкил этади, бунда ривожланиш омили таълим тизими, тизим асоси эса - маҳаллий миллий маданият, ўз халқи ва ватани маданияти.

Аксиологик ёндашув. Ватанга мос аксиологик ёндашув қадрият сифатида қабул қилинади. Аксиологик ёндашувга кўра, меҳнатга, ижодкорликда билим олишга ва ижодкорликка қизиқишга айланади. Чуқур битмас-туганмас ватанпарварлик туйғуси шахснинг фаол ижодий позициясини белгилайди. “Ватан” тушунчасининг бир қанча маънолари бор: Бу буюк тарихга эга буюк юрт ва у туғилиб ўсган, аждодлари қабри жойлашган, ҳаётнинг қувончу қайғусини илк бор бошидан кечирган кичик Ватандир. Минтақашунослик ҳаётнинг «тирик мактаби» сифатида атрофдаги воқелик ҳодисалари билан боғлиқликни ўрнатади.

Аксиологик ёндашув оила, насл, қабила, миллат, миллатнинг асосий

қадриятларини сақлашга имкон беради. “Оқил, эзгу, боқий”, яъни азалий умуминсоний қадриятларга даъват бугунги кун мактаблари фаолиятида мезондир. Бу ёндашув маданий-гуманитар ёндашув билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ижтимоий-гуманистик дастурни белгилайди, фаолият йўналишини, қадриятларини, натижаларини белгилайди. Цивилизациянинг моддий неъматларига эмас, балки маданиятга йўналтирилган тарбия шахснинг ахлоқий ва маънавий ривожланиши учун катта имкониятларга эга. Маданиятнинг мазмуни яратилган моддий ва маънавий қадриятларда мужассамлашган одамларнинг ижоди билан белгиланади. Руҳий фаолият атроф-муҳит ҳодисаларини, ички асосларини тушунишга ва воқеаларнинг шахсий маъносини, турмуш тарзини, ҳис-туйғуларини, муносабатларини, идеалларини ва мақсадларини аниқлашга қаратилган қийматга йўналтирилган фаолият сифатида. Мактабнинг демократлаштиришга ўтишдаги муҳим вазифаси ўқувчиларнинг менталитетини шакллантириш, миллый дунёни идрок этиш ва турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи фундаментал инсоний қадриятлар, маданий анъаналар ва хулқ-атвор нормалари тизимини сақлаб қолицдан иборат.

Этнопедагогик ёндашув. Этнопедагогик ёндашув ватанпарварлик тарбиясига миллый маданият асарларида очиб берилган ижтимоий ҳодиса сифатида қарайди ва шахснинг миллый ва ватанпарварлик онгининг синтезини таъминлайди. Ушбу ёндашувга кўра таълим ўқувчиларнинг лингвистик муҳитини, халқлар, минтақа мамлакатлари маданий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда қурилади. Бу миллый тафовутлар хиралашишига, ўзбек менталитетига ёт хусусиятларни ўрнатишга йўл қўймайди.

Ўз-ўзини тарбиялашнинг этник педагогикаси ватанпарвар шахсни миллый ғурур ва инсон қадр-қиммати юксак даражада ривожланган халқ фарзанди сифатида шакллантиради. Миллый маданиятнинг бой меросини билиш одамларнинг бир-бирини билиши ва тушунишига, миллатлараро муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Фаолиятли ёндашув. Замонавий педагогика нуқтаи назаридан фаол ёндашув ўқувчини ўқув жараёнининг субъектига айлантириш зарурлигига қаратилган. Фаолият ёндашуви предметли моддий фаолиятни инкор этмайди, балки ўқувчи шахсининг мотивлари, эҳтиёжлари, қизиқишлиари, идеаллари ва эътиқодларини шакллантириш соҳасида устувор аҳамиятга эга, яъни у шахсий фидойилик билан тавсифланади. Ўқувчи ҳар қандай харакатни амалга ошириши, ватанпарварлик характеридаги фаолиятни ташки сабаблар, одамлар, шароитларнинг таъсири билан эмас, балки ички мотивлар ва унинг ўзи, оиласи, жамият ва давлат учун амалга оширилиши мумкинлигига

ишончи туфайли амалга ошириши керак. Фаолият ёндашуви шахснинг ўзини ўзи белгилайдиган фаолиятини ўз ичига олади. Дикқат марказида катталар ва болаларнинг биргаликдаги фаолияти мавжуд бўлиб, улар биргаликда мақсад ва вазифаларни белгилайдилар ва уларга эришиш йўлларини қидирадилар. Таълим жараёни ва жамият ҳаётининг ажралмас қисми вазиятни кўтарувчи тадбирларга айланади. Вазият турли хил таълим воситаларини ягона ўкув мажмуаларида бирлаштиришга, ўкувчиларнинг турли хил фаолиятини рағбатлантиришга имкон беради. Фаолиятни, ижтимоий омилларни кўтарувчи вазиятларни бошланг ва шунинг учун у ижтимоий амалиётнинг муҳим ташкилотига айланади

Фаоллик ёндашуви мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун фуқароларнинг ўзини ўзи англаш ва ижтимоий хулқ-атвори йўналишини белгилайди. Бу ёндашувга кўра, ватанпарварлик шахснинг фаоллигида, унинг Ватан ва унда яшаётган халқ манфаати йўлидаги фаолиятида намоён бўлади. Шахс, маданиятни ривожлантириш ва кўпайтиришга асосланган фаолиятнинг инсонпарварлик педагогикаси парадигмаси ижодий ишлаш усулларини ривожлантиради. Фаолият назариясини ўкувчила ривожланишининг нозик даврларига йўналтириш, этакчи фаолият ватанпарварлик тарбиясининг тегишли мазмуни, усуллари, шакллари ва воситаларини доимий равища излашни талаб қиласди.

Хулоса. Мактаб ёшидаги ватанпарварлик фазилатларини халқ педагогикаси воситаларидан фойдаланган ҳолда шакллантириш муаммоси муҳим эканлиги аниқланди.

Халқ педагогикаси воситасида мактаб ўкувчиларининг ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш борасида таклиф этилган шакл, метод, ёндашувлар ўзининг самарали натижасини беради.

Адбиётлар

1. Маъмуроев, Б. Б. Аксиологический подход в подготовке будущих педагогов к проектированию учебного процесса. Педагогическое образование и наука, 120. http://www.manpo.ru/manpo/publications/ped_obraz/n2015_06.pdf#page=120. https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=_aXmRXUAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation_for_view=_aXmRXUAAAAJ:4DMP91E08xMC
2. Маъмуроев Б. Б. Бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга тайёрлашда қўлланиладиган тамойиллар. Современное образование (Узбекистан), 2017. <https://cyberleninka.ru/article/n/b-lazhak-ituvchilarni-shahsga-y-naltirilgan-talim-tarbiya-zharayonini-loyi-alashga-tayyorlashda-llaniladigan-tamoyillar>
3. Маъмуроев Б.Б. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш қўнималарини ривожлантириш.



Монография. Т.”Фан”. 2017. 144 б. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAAJ&sortby=pubdate&citation_for_view=SqSdKDAAAAAJ:2osOgNQ5qMEC

4. Маъмуроев Б. Б. Основные требования к качеству высшего педагогического образования. «Науки об образовании». <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-trebovaniya-k-kachestvu-vysshego-pedagogicheskogo-obrazovaniya>

5. ББМамуров. Мыслители востока о гармонично развитой личности. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAAJ&citation_for_view=SqSdKDAAAAAJ:Y0pCki6q_DkC

6. ББ Маъмуроев. Нравственно-эстетическое воспитание учащихся средствами литературных произведений. http://www.irbis-nbuv.gov.ua/cgi-bin/irbis_nbuv/cgiirbis_64.exe?I21DBN=LINK&P21DBN=UJR_N&Z21ID=&S21REF=10&S21CNR=20&S21STN=1&S21FMT=ASP_meta&C21COM=S&2_S21P03=FILA=&2_S21STR=Otros_2018_4_9

7. Баҳодир Маъмуроев. Акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш. Том 1 № 1 (2020): Таълим ва инновацион тадқиқотлар. <http://interscience.uz/index.php/home/article/view/15>

8. Баҳодир Бахшуллоевич Маъмуроев, Феруз Файзуллаевич Нуриллаев (2021) Scientific progress. 1172-1178. Имом Ғаззолий таълимоти мазмунида ифодаланган педагогик ғояларнинг бугунги кундаги аҳамияти. <https://cyberleninka.ru/article/n/imom-azzoliy-talimoti-mazmunida-ifodalangan-pedagogik-oyalarning-bugungi-kundagi-a-amiyati>

**BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINI
IJODIY FAOLIYATNI TASHKIL ETISHGA TAYYORLASH
PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.36.92.024>

Saidova Gulruh Halim qizi,

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Annotatsiya: maqolada bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining ijodiy faoliyatni tashkil etishga tayyorlashda yuzaga keluvchi qiyinchilik va muammolar, pedagog shaxsining o'ziga xosliklari bilan bog'liqlikda duch keladigan qiyinchiliklar, o'qituvchi faoliyatida yuzaga keladigan qiyinchiliklarni bartaraf etish strategiyalari haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: ijod, ijodkorlik, ijodiy, reproduktiv faoliyat, kasbiy faoliyat, kasbiy rivojlanish, psixologik muhofaza, kasbiy deformatsiya.

**ПОДГОТОВКА БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ
КЛАССОВ К ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАК
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА**

Сайдова Гулрух Халим кизи

*Tashkentский государственный педагогический университет имени
Низами*

Аннотация: В данной статье рассматриваются трудности и проблемы подготовки будущих учителей начальных классов к организации творческой деятельности, задачи, стоящие перед ними в связи со спецификой личности учителя, стратегии преодоления трудностей в работе учителей.

Ключевые слова: Творчество, креативность, репродуктивная деятельность, профессиональная деятельность, профессиональное развитие, психологическая защита, профессиональная деформация.

**PREPARING FUTURE PRIMARY SCHOOL TEACHERS
FOR CREATIVE ACTIVITY AS A PEDAGOGICAL PROBLEM**

Saidova Gulruh Halim qizi,

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Abstract: This article examines the difficulties and problems of preparing future primary school teachers for the organization of creative activity, the tasks they face in connection with the specifics of the teacher's personality, strategies for overcoming difficulties in the work of teachers.



Key words: Creativity, reproductive activity, professional activity, professional development, psychological defense, professional deformation.

Mamlakatimizda yosh avlodning jismonan va ma’nan barkamol bo‘lib voyaga yetishiga davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishi sifatida e’tibor qaratilishi zamirida, albatta, mustaqil tafakkurli, ijodkor va yuksak ma’naviyatli shaxsni kamol toptirish maqsadi mujassam. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan ilgari surilgan 5 ta muhim tashabbusda ijtimoiy, ma’naviy-ma’rifiy sohalardagi ishlarni yangicha tizim asosida yo‘lga qo‘yish borasida belgilangan vazifalar yoshlar ta’lim-tarbiyasiga daxldor muhim chora-tadbirlar ijrosini taqozo etadi. Shuningdek, 2018 yil 17 iyundagi “Yoshlar – kelajagimiz” Davlat dasturi to‘g‘risida”gi hamda 2019 yil 29 avgustdagи “O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5712-son Farmonida ham yoshlar ta’lim-tarbiyasiga qaratilgan kompleks vazifalar o‘z ifodasini topganligi masalaning jamiyat va millat hayotida dolzarb ahamiyat kasb etishini ko‘rsatadi.

Mazkur hujjatlarda qayd etilgan talablar uzliksiz ta’lim tizimida qo‘lga kiritilayotgan innovatsion o‘zgarishlarning mazmun-mohiyatiga bog‘liq bo‘lib, asosan, boshlang‘ich ta’lim jarayoniga ham tegishlidir. Chunki bu bosqichda o‘quvchilar savodxonlik asoslari, hisoblash tafakkuri, mehnat ko‘nikmalari va shaxs ma’naviyati elementlari bilan qurollantiriladi. Shu bois, zamonaviy ta’lim tizimi, uning maqsad va vazifalari mamlakatimiz taraqqiyotiga xizmat qiladigan ta’lim-tarbiya jarayoni oldiga qo‘yilgan muammo yechimiga mos bo‘lishi kerak. Bular zamonaviy ta’lim tizimidagi sub’yektlar, xususan, boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining ijodiy faoliyatini jamiyat taraqqiyoti darajasiga muvofiq muntazam holda yuksaltirib borishni taqozo etadi.

Yosh avlodni ma’naviy-axloqiy va estetik tarbiyalashda xalqning milliy tarbiya usullari, qadriyat va an’analari, buyuk mutafakkirlarning jahon tamadduniga qo‘shtan munosib ulushlari, boy ma’naviy merosidan unumli foydalanish, albatta, o‘zining ijobjiy natijasini beradi. Binobarin, tarbiya tushunchasi zamirida “tarbiyalanuvchining ongi (ijtimoiy xarakterdagi amaliy faoliyatga ruhlantiruvchi hissiy va aqliy sohalariga) hamda fe’l-atvoriga shaxsni rivojlantirishga zarur shart-sharoitlarni ta’minlovchi muayyan yo‘l-yo‘riq, tushuncha, tamoyil, qadriyatli yo‘nalishni shakllantirish maqsadida ta’sir ko‘rsatish” [1; 21-b.] g‘oyasi yotadi.

Shaxs kamolotida ta’lim-tarbiya muassasalari, oila va mahalla, ommaviy axborot vositalari, internet tizimi hamda keng jamoatchilikning targ‘ibot-tashviqot ishlari muhim o‘rin tutadi. Bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarining jamoaviy ijodiy faoliyatini tashkil etishda milliy va

умуминсониј qadriyatlar, insonparvarlik, vatanparvarlik, mehnatsevarlik, yuksak e'tiqod ruhida tarbiyalashning muhim omili sifatida falsafa, psixologiya, pedagogika, tarix, til va adabiyot fanlari uyg'unligiga tayaniлади.

Milliy tarbiyashunoslikdagi ilg'or tajribalar boshlang'ich sinf o'qituvchilarini ijtimoiy jamiyatning faol ishtirokchilariga aylantirishga keng imkoniyatlar yaratadi. Bunda "odamzodga xos eng yuksak ma'naviy va jismoniy barkamollikni mujassam etgan", "yangilanayotgan jamiyatimizda sog'lom avlodni tarbiyalash", "erkin fuqaro ma'naviyatini shakllantirish", "ma'naviy-ma'rifiy ishlarni yuksak darajaga ko'tarish orqali barkamol insonlarni voyaga yetkazish" [2; 56-b.] maqsadiga erishish tarbiya metodikasining tub mohiyatini tashkil etadi.

Ma'naviy yetuk va barkamol yoshlar tarbiyasiga qaratilgan davlat siyosati ma'naviy-axloqiy tarbiya usullariga chambarchas bog'liq bo'lib, bu jarayon uzlusiz ta'lim tizimining barcha bo'g'inlarida, xusan, oliy ta'lim tizimida talabalarning mustaqil tafakkuri, ijodkorligi va intellektual salohiyatini oshirishga uzviylikda amalga oshiriladi. Bu borada Yurtboshimiz Sh.M.Mirziyoyevning quyidagi fikrlari e'tiborga loyiq: "Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan barcha islohot va o'zgarishlar, keng ko'lamli dasturlar yagona va ulug' bir maqsadga qaratilgan.

U ham bo'lsa, farzandlarimizni har tomonlama yetuk va barkamol etib tarbiyalashdan iborat" [3; 412-b.].

Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining ijodiy faoliyatini tashkil etish haqida so'z ketganda, ijodkorlikning o'zi nima ekanligini aniqlash, so'ng ijodiy faoliyatni tashkillashtirish mezonini tanlash maqsadga muvofiq.

"Ijodkorlik" tushunchasi ko'pgina fanlarning tahliliy asosi sanaladi. Uning ma'nolarini aniqlashda ushbu qobiliyatning serqirra ekanligi muhim o'rin tutadi. Tushuncha o'zida "ijodiy munosabat", "ijodiy faoliyat", "ijodiy mehnat", "ijodkor shaxs", "ijodiy o'ziga xoslik" kabi ma'nolarni mujassam etadi.

XIX asr oxirida ko'pgina faylasuflar tomonidan ijodkorlik tushunchasiga oid qarashlar ilgari surilgan bo'lib, har birida o'ziga xos individuallik va tafakkurning turfaligi sezilib turadi. Binobarin, ijodkorlik "ijtimoiy ahamiyatga ega yangi moddiy va ma'naviy qadriyatlarni yaratuvchi inson faoliyatidir"

"Ijodkorlik – bu qarama-qarshiliklarni bartaraf qilishga yo'naltirilgan inson faoliyati ko'rinishlaridan biri bo'lib, uning uchun ob'ektiv (ijtimoiy, axloqiy) va sub'ektiv shaxsiy shart-sharoit (bilim, ko'nikma, ijodiy qobiliyat) kabilar zarur, uning natijasi yangilik va taraqqiyat parvarlik kasb etadi (4; 53-b.).

"Ijodkorlik – bu faoliyat bo'lib, yangi moddiy va ma'naviy qadriyatlarning yuzaga kelishi uning natijasi hisoblanadi" (5; 457-b.).

Insoniyat ijodiyotning sub'ekti sifatida o'zini anglashi ijodkorlik muammosi va tushunchalarini ko'rib chiqishning yangi yo'nalishlarini belgiladi. Faylasuflar inson ijodiy faoliyatining mohiyatini, gnoseologik va umummetodologik xususiyatlari muammolarini o'rganadilar. Shunga ko'ra, XX asr mahalliy falsafasida "IJODKOR ODAM" muammosini hal qilishga urinish maqsadi yetakchilik qilgan.

Ijodiy pedagogik faoliyatning keyingi mohiyatli tavsifi uchun "kreativlik" – ijodkorlik tushunchasiga murojaat qilish zarur, bu esa ko'rib chiqilayotgan kategorianing markaziy havolasi sanaladi.

Kreativlik nazariyasini ishlab chiquvchilardan biri Ye.P.Torrens bo'lib, u kreativlikni muammolarga, bilimning yetishmasligi, ularning hamohang emasligi, nomuvofiqligiga nisbatan ta'sirchanlikning paydo bo'lish jarayoni sifatida belgilaydi;

Dj.Gilford o'zining modeli asosida kreativlikning to'rt omilini ajratib ko'rsatadi: o'ziga xoslik, semantik moslashuvchanlik, obrazli moslashuvchanlik va semantik o'z-o'zidan yuzaga keladigan moslashuvchanlik bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining ijodiy faoliyatini tashkil etishga doir metodik ta'minotning yetarli emasligi;

- ta'lim jarayonida talabalarni ijodiy faoliyatga yo'naltirish bilan bir qatorda kommunikativ kompetentliligin rivojlantirish hamda sohaga oid yangiliklarni o'zlashtirishga qaratilgan seminar-trening va master klasslarni o'tkazishga ahamiyat berilmayotganligi;

- ijodkorlikka oid topshiriq va mashqlarni bajarishda axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish, elektron ta'lim resurslarini yaratish bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirishga e'tibor qaratilmayotganligi va h.k.

V.I.Zagvyazinskiyning "O'qituvchining pedagogik ijodkorligi" kitobida ijodiy faoliyatga "yangi pedagogika tizimini yaratish, noma'lum qonuniyatlarni ochish, yangi g'oyalar, usul, vositalar; yangilik yaratish, insonning ichki mohiyati asosidagi kuchlarini uyg'otish orqali ijod qilish" ta'rifi beriladi [6; 54-b.]. Olim tomonidan pedagog ijodiyotining quyidagi farqli jihatlari ajratib ko'rsatiladi:

1. Vaqt jihatidan qat'iy belgilangan va chegaralangan. Agar darsda kutilmagan holat ro'y bersa, o'qituvchi qisqa muddat ichida yangi qaror qabul qilishi shart.

2. Pedagogik ijodiyot o'quv-tarbiyaviy jarayon bilan yaxlit tutash bo'lganligi sababli u har doim ijobiy natijalarga olib kelishi lozim. Salbiylari esa faqat xayoliy sinov va taxminlardagina bo'lishi mumkin.

3. Pedagogik ijodkorlik doimo hamkorlikdagi ijodiy ishdir.

4. Ijodiyotning sezilarli qismi odamlar oldida ommaviy tarzda (o'zining ruhiy holatini boshqara olish ko'nikmasi) amalga oshiriladi.

Boshlang‘ich sinf o‘qituvchisining ijodiy faoliyatida yuzaga keluvchi qiyinchilik va muammolarning ob’ektiv shart-sharoitlariga quyidagilarni kiritish mumkin:

- a) yetarli metodik ta’minotga ega bo‘lmaslik;
- b) faoliyatini baholashdagi yuzakilik;
- v) ikkinchi darajali vazifalarga jalb etilishi.

Quyidagilar pedagog shaxsining o‘ziga xosliklari bilan bog‘liqlikda yuzaga keladigan qiyinchiliklar qatorini tashkil qiladi:

- pedagogik faoliyatni amalga oshirishda ichki kuch va imkoniyatlarning yetarli emasligi;
- faoliyatini sohadagi islohotlarga uzviylik holda o‘zgartirishga imkon bermaydigan o‘z-o‘zini yo‘naltirish mexanizmining buzilishi;
- salbiy psixologik holatlar (ishonchsizlik, asabiylik, qo‘rquv, o‘z faoliyatidan qoniqmaslik va boshqalar).

O‘qituvchi faoliyatida yuzaga keladigan qiyinchiliklarni bartaraf etish quyidagi strategiyalarga asoslanishni talab etadi:

- 1) kasbiy rivojlanish (konstruktiv strategiya);
- 2) psixologik muhofaza (himoya strategiyasi);
- 3) kasbiy deformatsiya (destruktiv strategiya).

Mahoratli pedagoglar uchun qiyinchiliklar innovatsiya to‘silalarini yengib o‘tish bilan chambarchas bog‘liq. Pedagogik faoliyatda duch kelinadigan to‘silalar ko‘pincha pedagog faoliyatini chegaralab qo‘yish ko‘rinishida namoyon bo‘ladi. Mazkur tipologiya bilan bog‘liqlikda yuzaga keladigan qiyinchiliklarni hal etishda birdan ortiq strategiyalarni qo‘llash maqsadga muvofiq. Masalan, yosh o‘qituvchilar faoliyatida yuzaga keladigan qiyinchiliklar, avvalo, kasbiy rivojlanishini bosqichma-bosqich takomillashtirib borish, kasbiy faoliyat bilan bog‘liq muammoli vaziyatlarni hal etishda ularni psixologik qo‘llab-quvvatlash, o‘z-o‘ziga ishonch, mas’uliyat hissini qaror toptirish hamda o‘zgaruvchan vaziyatlarda muvafaqqiyatli harakatlana olish strategiyalarini talab etadi.

Tadqiqot davomida ijodkor pedagog qanday bo‘lishi kerak degan nuqtai nazarlar umumlashtirib, pedagogik faoliyat ko‘pgina amaliy muammolarni ijodiy hal qilish, ya’ni ta’lim jarayonini oldindan ko‘ra bilish, uni loyihalashtirish va tashkillashtirish, o‘quvchilarga tashxis qo‘ya olish hamda ularning rivojlanishini yaxshilash talabidir degan xulosaga kelindi. Buning uchun o‘qituvchidan kasbiga xos mahorat qirralari: mustaqillik, kasbiy sezgirlik va empatiyaga ega bo‘lish, tanqidiy fikrlay olish, muammoni his qilish, murakkab vaziyatlarni oldindan taxmin qilish, individual ijodiy uslubini yaratishga intilish va o‘z-o‘zini rivojlantirish sifatlari talab etiladi. Bir so‘z bilan aytganda, ijodkorlikka qandaydir sifatli yangilikni vujudga keltiruvchi faoliyat sifatida qaraladi.

Shaxsda ijodiy faollik ko‘nikmasining orttirilib borilishi ular tomonidan amalga oshiriladigan faoliyat turlarida aks etadi. Faoliyat bu – “biror sohada olib boriladigan ish, mashg‘ulot, harakat” [7.; 326-b].

Bolalar ijodiy qobiliyatini rivojlantirishning optimal yo‘llari ustida izlangan taddiqotchi G.Amirovaning qayd etishicha, faollik bu “amaliy faoliyatda namoyon bo‘luvchi harakat jarayoni bo‘lib, predmet, buyum va narsalarning shakli, mohiyati va makonda joylashgan holatlarini tezda ilg‘ab olishga o‘rgatuvchi omillardan biridir. U nafaqat atrof-olamni o‘zlashtirishga, balki shaxsning o‘zligini namoyon qilishga qaratilgan faoliyatidir” [8; 12-b].

Nazarimizda, jamoaviy ijodiy faoliyatni tashkil etishga tayyorlash tizimi uzlusiz jarayon bo‘lib, u o‘zida talaba shaxsidagi intilish, qiziqish, moyilliklarni o‘qituvchining qo‘llab-quvvatlashi, yo‘naltirishi, iqtidori va qobiliyatlarining namoyon bo‘lishiga imkon beruvchi chora-tadbirlarga asoslanishni taqozo etadi.

Ijodiy fikrlash ijodiy faoliyatga yo‘naltiruvchi bosh mezondir. Talabalarda ijodiy fikrlashni rivojlantirishning asosiy komponentlarini tadqiq qilgan G.Ergashevaning qayd etishicha, ‘jamoadagi ma’naviy-psixologik iqlim ijodiy muhit yaratishga yo‘naltirilgan bo‘lishi, ijodga salbiy ta’sir ko‘rsatadigan omillarni baratarf etishi lozim. Qulay psixologik muhit quyidagilar bilan tavsiflanadi: barcha talabalarda ijodiy jarayonning ortishi, stereotiplarning erkinligi, muhokamalarning noqulay bo‘lmasi, tashabbusi va mustaqilligi, ijodiy kasbiy faoliyatga qiziqish va tayyorligi” [9; 49-b.].

Albatta, bu jihatlarga e’tibor qaratishda talabalardagi yaqqol ko‘zga tashlanadigan xususiyatlarga asoslanish, individual imkoniyatlarini ko‘zda tutish va rag‘batlantirish zarur. Bizningcha, jamoaviy ijodiy faoliyatni tashkil etishga tayyorlashda talabalar o‘rtasida sog‘lom raqobat muhitini yaratish, musobaqalashish, kuch sinashish imkoniyatini berish ularda ijodiy g‘oyalarni qo‘llab-quvvatlashga motivatsiya uyg‘otadi.

Ijodkorlik natijasi faqat qandaydir mahsulotni yaratishda emas, balki ijodkor sub’ektining o‘zini rivojlantirishida, ya’ni insoniyat faoliyati shakllarida amalga oshiriladigan taraqqiyotida namoyon bo‘ladi. Ijodiy rivojlanish barcha taraqqiyot kabi ikki ko‘rinishdagi elementni qamrab oladi: reproduktiv (mavjud narsani qaytadan tiklash) va ijodiy (ilgariga qarab intilish imkonini beruvchi yangilik). Ijodiy harakat muammoning yuzaga kelishi, hal qilishga tayyorgarlik, g‘oyaning paydo bo‘lishi, va nihoyat, uni mujassamlashtirish kabi bir necha bosqichlarga bo‘linadi.

Fikrimizcha, o‘qituvchi ijodkorligining asosi bo‘lib kasbiga nisbatan qiziqishi, manfaatdorligini ifodalovchi ichki motivatsiyasi, iroda sohasining rivojlanganligi va tubdan o‘zgargan faoliyatga intilishi hisoblanadi. Demak, bo‘lajak o‘qituvchining jamoaviy ijodiy faoliyatini tashkillashtirishda uning qiziqishlari yo‘lidagi xatti-harakatlarini qo‘llab-quvvatlash, talabalar oldiga

aniq maqsad va vazifalarni qo‘yish hamda ijodiy faoliyatga faol jalg etish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abduqodirov A.A., Pardaev A.X. Masofali o‘qitish nazariyasi va amaliyoti. Monografiya. – T.: Fan, 2009.
2. Mirziyoyev Sh. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz (1-jild). – T.: “O‘zbekiston” NMIU, 2017.
3. Filosofskiy slovar [Tekst]/ pod red. I.T.Frolova. – 6-ye izd., pererab. i dop. – M.: Politizdat, 1991.
4. Педагогика: педагогические теории, системы, технологии [Текст]: учеб. для студ. высш. и сред. пед. учеб. заведений / С.А.Смирнов, И.Б.Котова, Е.П.Шиянов [и др.]; под ред. С.А.Смирнова. – 4-е изд., испр. – М.: Изд. центр «Академия», 2000.
5. Загвязинский, В.И. Педагогическое творчество учителя [Текст]: пособие для студ. высш. учеб. заведений / В.И.Загвязинский. – М.: Педагогика, 1987.
6. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. F harfi. – T.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. www.ziyouz.com kutubxonasi.
7. Amirova G. Bolalar ijodiy qobiliyatini rivojlantirishning optimal yo‘llari // Uzluksiz ta’lim. – T., 2015. – № 5.
8. Ergasheva G. Talabalarda ijodiy fikrlashni rivojlantirishning asosiy komponentlari // Xalq ta’limi. – T.: 2017.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТЕХНОЛОГИЯСИ
АСОСИДА ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МОДЕЛИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.69.84.025>

**Чоршанбиеев Зафар Эсанпулатович,
доцент, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, Қарши
муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Аннотация. Уибу мақолада олий таълимда кредит-модуль технологияси асосида табақалаштирилган ўқитиши тизимини жорий этиши моделининг компонентлари (ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий, методологик, жараёнли-мазмунли ва натижавий-баҳоловчи) мазмуни очиб берилган. Шунингдек, кредит-модуль тизимида педагогико-диагностик таҳлил, ўқув-услубий таъминот ва баҳолаши жараёнини табақалаштирилган ёндашув асосида такомиллаштириши жиҳатлари ёритилган.

Калим сўзлар: кредит-модуль технологияси, табақалаштирилган ўқитиши, таълим стандарти, малака талаблари, анъанавий таълим, баҳолаши.

**ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ ВНЕДРЕНИЯ СИСТЕМЫ
ДИФФЕРЕНЦИРОВАННОГО ОБУЧЕНИЯ В ВЫСШЕМ
ОБРАЗОВАНИИ НА ОСНОВЕ КРЕДИТНО-МОДУЛЬНОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

**Чоршанбиеев Зафар Эсанпулатович,
доктор философии по педагогическим наукам, доцент.
Каршинский инженерно-экономический институт**

Аннотация. В статье описаны компоненты модели внедрения дифференцированной системы образования на основе кредитно-модульной технологии в высшем образовании (нормативно-правовая. Организационная, методическая, процессно-смысловая и результатно-оценочная). Также освещены аспекты совершенствования педагогико-диагностического анализа, учебных пособий и процесса оценивания в кредитно-модульной системе на основе дифференцированного подхода.

Ключевые слова: кредитно-модульная технология, дифференцированное обучение, образовательный стандарт, квалификационные требования, традиционное образование, оценивание.

THEORETICAL MODEL OF THE IMPLEMENTATION OF A DIFFERENTIATED LEARNING SYSTEM IN HIGHER EDUCATION BASED ON CREDIT-MODULAR TECHNOLOGY

Chorshanbiev Zafar Esanpulatovich,

*Karshi engineering-economics institute, PhD on pedagogical
sciences, associate professor*

Abstract. The article describes the components of the model for the implementation of a differentiated education system based on credit-modular technology in higher education (regulatory, organizational, methodological, process-semantic and result-evaluative). It also highlights the aspects of improving the pedagogical and diagnostic analysis, teaching aids and the assessment process in the credit-modular system based on a differentiated approach.

Keywords: credit-modular technology, differentiated education, educational standard, qualification requirements, traditional education, assessment.

Республикамизда таълим жараёнини модернизациялаш мақсадида Италия, Корея, Хитой, Япония, Хиндистон, Россия мамлакатларининг нуфузли олий таълим муассасалари филиаллари, қўшма факультетлар, қўшма таълим марказлари ташкил қилинмоқда, уларнинг моддий техник базаси яратилмоқда.

Барча соҳалардаги ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида, Узбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “Харакатлар стратегиясидан – Таракқиёт стратегияси сари” деган тамойилни асосий гоя ва бош мезон сифатида етти йўналишдан тўртингчиси “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш ва инсон капиталини ривожлантириш” устувор вазифа сифатида белгиланган [1]. Бу борада бўлажак муҳандисларнинг касбий тайргарлигини ошириш, келажакда ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб етишиши мамлакатимизда олий таълим муассасасида бўлажак муҳандисларни табиий-илмий ва умумкасбий фанлар асосида тайёрлашнинг маъновий тавсифлари, электрон таълим мухити таркиби, ўзига хослиги бизга қўйидаги хulosани чиқариш имконини берди: электрон таълим мухити шароитида модулли ўқитиш технологияси ва дастурланган ўқитиш технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Илмий изланишларимиз натижасида олий таълимда кредит-модуль технологияси асосида табақалаштирилган ўқитиш тизимини жорий қилишнинг назарий моделини ишлаб чиқдик (1-расм). Бунда асосий 5 та компонент (хукуқий-меъёрий, ташкилий, методологик, жараёнли-мазмунли ва натижавий-баҳоловчи) мазмунини очиб берамиз.


Хукуқий-меъёрий компонентда Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти, Ўзбекистон узлуксиз таълим министри Давлат таълим стандартлари.

Ташкилий компонент-бакалариат таълим йўналишлари, классификатор, малака талаблари, ўқув режа ва дастурларни ўз ичига олади.

Методологик компонент - олий таълимда педагогик шарт-шароитларни назарада тутади.

3.1. Ёндашувлар. Илмий-педагогик тадқиқотларда келтирилган

ёндашувлардан, бу тушунча таърифига тизимлаштириш ҳамда улар орасида таркибий-маъновий, функционал ва интегратив ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Индивидуал таълим олиш траекторияси, талаба учун танлов вазиятида қарор қабул қилиш, мустақилликни намоён қилиш, таҳлил қилиш ва ташхислаш кўникмаларни шакллантириш имконини беради. Талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини ташкил этишининг бундай ёндашувида ўқитувчи функциялари ўзгариши содир бўлади.



1-расм. Олий таълимда кредит-модуль технологияси асосида табакалашширсан ўқитиш тизими

Эндиликда профессионал ходим билимлар узатувчisi сифатида эмас, балки, унинг фаолиятида ўзгариш содир бўлиб, у янги даражага ўтади ва қуйидаги компонентларни ўз жамлайди: талабанинг мустақил фаол билим олиш позициясини ташкил этиш, предмет ва ташкил соҳа масалалари бўйича консультация ўтказиш, индивидуал таълим олиш траекториясини лойиҳалаш ва рўёбга чиқаришда ёрдам бериш, шунингдек, ушбу траектория бўйича ҳаракатланиш давомида ҳамроҳлик қилиш. Педагогик ҳамроҳлик масаласи биз учун қизиқ саналади, боиси, электрон таълим муҳитида ўқитувчи ва талаба ўзаро таъсирлашуви ўзига хослигини тавсифлаш имконини беради [6].

3.2. Тамойиллар. Тадқиқотимиз мантиғига мос ҳолда биз учун келтириб ўтилган тамойиллар (электронлаштириш, компьютерлаштириш, ахборотлаштириш, медиатизация, виртуаллаштириш)ни таълим соҳасида амалга ошириш масаласи ғоят қизиқарли ҳисобланади.

3.3. Қонуниятлар. Техника соҳаси ишлаб чиқариш амалиёти нуқтаи назаридан бўлажак муҳандисларни электрон таълим муҳити шароитида тайёрлаш жараёнини математик қонуниятлар асосида амалга ошириш катта аҳамият касб этади.

3.4. Функциялар. Талабаларнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқитиши жараёни субъектлари ўзаро ҳаракатида ташкилий-рағбатлантирувчи, информатив таҳсил берувчи, диагностик таҳрирловчи ва коммуникатив бошқарувчи функцияларни таъминлади.

Концепциялар. Д. Беллнинг ахборотлаштирилган жамият концепцияси, Й.Масуднинг ахборотлаштирилган жамият назарияси, Маршалл Маклюэннинг “электрон жамият” концепцияси, Тармоқ жамияти назарияси. М.Кастельснинг информационализация концепциялари мазкур тадқиқот ишида назарий-методологик асос сифатида қаралади.

Жараёнли-мазмунли компонент. Кредит-модуль тизимида анъанавий таълим билан табақалаштирилган ёндашув интеграцияси асосида олий таълим жараёнини ташкил этиш кўзда тутилади. Ўзбекистон Республикаси президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»га кўра, мамлакатдаги олий таълим муассасаларининг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. Бўлажак муҳандисларни касбий тайёрлашда модулли технологиянинг аҳамияти шундан иборатки, ўрганилаётган материал таркибий мустақил блок мисолида намоён бўлади. Бу математик ва табиий-илмий фанларни ўрганиш пайтида жуда муҳим, чунки, у янгиланган



ахборотни тезкор киритиш, фанлар ўртасидаги алоқани амалга ошириш, материални ўрганиш даврийлигини танлаш, талабаларнинг мустақил ишлашини самарали ташкил этиш имкониятини беради. Ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда дастурланган таълим технологияси, янги материалнинг босқичма-босқич ўрганилишини, талабалар индивидуал ишлаш суръатини, тезкор акс алоқани амалга оширилишини таъминлайди.

Техник воситаларини таълим жараёнига татбиқ этиш давомида бир қатор талабларга эътибор қаратиш, айнан: таҳсил олувчилар муайян тайёргарлик сифатига эришишлари керак; берилган даражага этиш анча оқилона усул билан ва уларнинг индивидуал хусусиятларига мувофиқ амалга ошиши зарур; тақдим этилган материал аниқ бир фан соҳасидаги ошибб борувчи ахборот микдори ва уни ўзлаштириш учун чекланган вақт ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этиши керак; техник-эргономик, психологик ва жисмоний юкламалар олдини олувчи технологиялар талабларига амал қилиш лозим бўлади [6].

5. Натижавий-баҳоловчи компонент. Ўзлаштириш натижаларини баҳолаш жараёни ва таълим натижаси сифатида кредит-модуль технологияси асосида ўқитиши тизими самарадорлиги келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига асосан қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредитмодуль тизимини жорий этиш тартибитўғрисида Низом”да қуйидагича кўрсатиб ўтилган: “Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида талаба одатда бир семестрда 30 кредит, бир ўқув йилида 60 кредит тўплаши белгиланади. Семестр давомида талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган кредитлар ҳажми ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларни ўз ичига олади”[4].

Мамлакатимизнинг етакчи университетларидан бири бўлган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида қабул қилинган “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида таълимнинг кредит тизими тўғрисида Низом”да фан дастурида (силлабусда) белгиланган баҳолаш тартиби ҳамда тегишли иловада келтирилган ижобий баҳолар доирасида баҳоланган таълим олувчиларга синов бирликлари берилиши, талаба белгиланган таълим олиш натижаларига эриша олмаган тақдирда, синов бирликлари берилмаслиги таъкидлаб ўтилган [2]. Низомда “Баҳолаш усуллари фан ёки модул доирасидаги талабанинг ютуқларини акс эттирувчи ва тасдиқловчи ёзма, оғзаки, амалий иш, лойиха, портфолио ва назоратлар каби турларни ўз ичига қамраб олади. Баҳолаш мезони таълим олиш натижасига

эришилганлигини акс эттириши шарт” деб кўрсатиб ўтилган.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаларида кредит модул тизимида бўлажак мутахассис кадрларнинг табиий-илмий ва мутахассислик фанларини ўзлаштиришида табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 ноябрдаги сўзлаган нутқи <https://sputniknews-uz.com/20211106/ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasining-navbatdagi-etti-yonalishi---Mirziyoyev-21242286.html>

2. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида таълимнинг кредит тизими тўғрисида Низом. - Тошкент, ТАТУ, 2018

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-5847-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига асосан қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида Низом”. Тошкент, 2020 йил.

5. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит модуль тизимида ташки қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. 120 бет.

6. Чоршанбиев З.Э. Кредит модул тизимида талабаларнинг касбий тайёргарлигини табақалаштирилган ёндашув асосида амалга ошириш мазмуни //Ta’lim, fan va innovatsiya. -2021 - №5. Б. 14-20.



**BO‘LAJAK BOSHLANG‘ICH SINF O‘QITUVCHISINING
RAQAMLI TA’LIM RESURSLARIDAN FOYDALANISHGA
TAYYORLIGINI SHAKLLANTIRISH**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.11.74.026>

Lukmonova Salomat Gafurovna,

Boshlang‘ich ta’lim nazariyasi kafedrasi o’qituvchisi,

Buxoro davlat universiteti

orcid 0000-0001-9040-0232

Annotatsiya: maqolada bo’lajak boshlang‘ich sinf o’qituvchisining raqamli ta’lim resurslaridan foydalanishga tayyorligini shakllantirishga oid fikrlar keltirilgan bo’lib, unda dolzarb pedagogik vazifani qanday amalga oshirish kerakligi to’g’risida fikr yuritiladi. Hozirgi raqamli axborot jarayonida bu fikrlar ta’lim tizimida ham juda yuqori ahamiyatga ega bo’lganligini ko’rsatmoqda.

Kalit so’zlar: raqamli ta’lim, kompyuter, resurs, axborot, zamонавиј, electron ta’lim, informatika, multimedia texnologiyalari.

**РАЗВИТЬ ГОТОВНОСТЬ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ
НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ К ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ЦИФРОВЫХ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ**

Lukmonova Salomat Gafurovna,

преподаватель кафедры теории начального образования,

Бухарский государственный университет

Аннотация. В статье рассказывается о формировании готовности будущего учителя начальных классов к использованию цифровых образовательных ресурсов и подробно рассказывается о том, как решать эту актуальную педагогическую задачу. В сегодняшнюю цифровую эпоху эти идеи становятся все более важными в системе образования.

Ключевые слова: цифровое образование, компьютер, ресурс, информация, современное, электронное образование, информатика, мультимедийные технологии.

**TO DEVELOP THE READINESS OF THE FUTURE PRIMARY
SCHOOL TEACHER TO USE DIGITAL EDUCATIONAL RESOURCES**

Lukmonova Salomat Gafurovna,

Lecturer at the Department of Theory of Primary Education,

Bukhara State University

Abstract. The article tells about the formation of the readiness of the future primary school teacher to use digital educational resources and tells in detail how to solve this

urgent pedagogical problem. In today's digital age, these ideas are becoming more and more important in the education system.

Keywords: digital education, computer, resource, information, modern, electronic education, informatics, multimedia technologies.

S. D. Karakozovning fikricha ta’limni axborotlashtirish - ommaviy kommunikatsiya va kompyuter tarmoqlari bazasida yagona axborot-ta’lim makonini yaratish jarayoni bo‘lib, uning tayanch kategoriyasi – axborot-ta’lim tizimlari, uni yaratish tamoyillari esa integrativ va gumanistik asosga ega. Axborot jamiyatni doirasida, bir tomonidan, mutaxassis faoliyatining asosiy shakllari va usullari o‘zgaradi, bu muqarrar ravishda uning kasbiy tayyorgarligi mazmunining o‘zgarishga olib keladi. Boshqa tomonidan, uni qurshab turgan ijtimoiy-iqtisodiy va ta’lim muhiti o‘zgaradi, ta’lim mazmunini o‘zgartirish talablari bilan bирgalikda mutaxassisni tayyorlash shakllari, vositalari va usullarining o‘zgarishiga olib keladi. Bularning barchasi mutaxassislarini, shu jumladan boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini ham kasbiy tayyorlash tizimi uchun yangi rivojlanish modelini izlashni talab qiladi [1].

K. V. Sokolova axborot jamiyatida “kichik yoshli maktab o‘quvchilarini AKTdan foydalanish doirasida intellektual qobiliyatlarini rivojlantirish va ijtimoiylashtirish”ning muhim ahamiyatni ta’kidlab, bu jarayonlar o‘zaro bog‘liq ikki yo‘nalishda olib qaralishi lozimligini qayd etadi: boshlang‘ich ta’lim tizimiga informatika va axborot texnologiyalarini deyarli barcha o‘quv fanlariga kiritishdir [2].

Shu munosabat bilan, ta’limni modernizatsiya qilish sharoitida, Bosovoyning fikricha, boshlang‘ich sinf o‘quvchilari tomonidan “Informatika va AKT” mustaqil o‘quv predmetini o‘rganish jarayonida amalga oshiriladigan informatika va AKT vositalari va usullarini aniq bir maqsadga qaratilgan tarzda o‘zlashtirish yoki boshqa o‘quv predmetlari o‘rganish va sinfdan tashqari ishlarda o‘quvchilarning intellektual salohiyatini rivojlantirishga, mustaqil ravishda bilim olish qobiliyatini shakllantirish, axborot-o‘quv, eksperimental-tadqiqot faoliyati, mustaqil axborot faoliyatining turlituman ko‘rinishlarini amalga oshirishga qaratilgan pedagogik texnologiyalarini AKT vositalari bazasida qo‘llash muhim ahamiyat kasb etadi [3].

K. V. Robert o‘quv-metodik ta’minotning yangi avlodni tarkibida lokal va global tarmoqlarning axborot resurslari bilan bog‘langan ta’limiy vazifali elektron nashrlar sifatida taqdim etiladigan ta’lim vositalari muhim o‘rin tutishini aytadi.

Bunda ta’limiy vazifali elektron nashrlar quyidagi maqsadlarga erishishga mo‘ljallangan: “o‘quv ma’lumotini multimedia texnologiyalari, gipermatn, gipermehdia, telekommunikatsiya vositasida taqdim etish; interaktiv o‘zaro aloqada foydalanuvchi bilan teskari aloqani amalga oshirish; ta’lim berish natijalari va ta’lim olishda olg‘a siljish jarayonlarini nazorat qilishni avtomatlashtirish; o‘quv-tarbiya jarayonini axborot-metodik ta’minalash va ta’lim muassasani boshqarishni avtomatlashtirish” [4, 176-b.]. Ta’limiy vazifali elektron nashrda taqdim etilgan o‘quv

materialining tuzilishi chiziqli emas, bu an'anaviy (yoki chiziqli yoki konsentrik) variantdan farq qiladi.

A. V. Molokovaning tadqiqotida kompleks tarzda tatbiq qilinganda boshlang‘ich ta’limni samarali axborotlashtirish uchun zarur didaktik shartlarni yaratishni belgilaydigan tamoyillari ishlab chiqilgan [5].

1. Qo‘llanayotgan axborot texnologiyalari boshlang‘ich ta’limning maqsadlari, boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining yosh va psixologik-pedagogik o‘ziga xos xususiyatlariga muvofiqligi prinsipi. Axborot bilan ishslashning eng muvofiq usullari elektron shaklda taqdim etilgan ko‘rgazmali obrazlar bilan bajariladigan turli amallar bajarish, asta-sekin belgi-ramzli faoliyatga o‘tish, kichik yoshli o‘quvchilarining tadqiqot faoliyati davomida ma’lumot qidirishi hisoblanadi. Interaktiv doska yoki elektron ta’lim resurslaridan foydalanish o‘quv ma’lumotlarini idrok etishning barcha kanallarini kompleks tarzda ishga solish imkonini beradi

2. Elektron ta’limdan resurslarni qo‘llashning ta’limni individuallashtirishga yo‘naltirilganligi prinsipi. Kichik yoshli o‘quvchilarini rivojlantirish boshlang‘ich ta’limdan boshlab individual ta’lim traektoriyalarini voqelantirish uchun sharoit yaratish zarurati sifatida qaraldi. Ushbu tamoyil zamонави elektron ta’lim resurslaridan boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining o‘z-o‘zini nazorat qilish ko‘nikmalarini rivojlantirish, ma’lumot bilan ishslash ko‘nikmalarini individual tempda va o‘zi uchun ahamiyatl bo‘lgan mazmun asosida shakllantirishni taqozo qiladi.

3. Boshlang‘ich ta’limni axborotlashtirish sharoitida ta’lim olishning qulayligi prinsipi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga ta’lim berishda sanitariya-gigiyena me’yorlari va texnik vositalardan foydalanish qoidalariga rioya qilishni, ergonomik nuqtayi nazardan xavfsiz elektron o‘quv materiallaridan foydalanishni talab qiladi. Bu qulaylik o‘quvchilarining o‘quv va kundalik vazifalarini kompyuter va boshqa axborotlashtirish vositalari yordamida hal qilishga imkon beradigan foydalanuvchi ko‘nikmalari egallah uchun qulay shart-sharoit yaratish bilan ta’minlanadi.

4. Elektron ta’lim resurslarini dars davomida didaktik, rivojlantiruvchi va tarbiyaviy vazifalarni hal qilish uchun yetakchi vosita sifatida qo‘llash prinsipi. O‘quv jarayonini axborotlashtirishning eng muhim yo‘nalishini belgilash sifatida qaraladi.

5. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini o‘qitishda an'anaviy va axborot texnologiyalarini optimal tarzda birlashtirish printsipi. Zamонави axborot texnologiyalari va boshlang‘ich ta’lim an’alariga asoslangan texnologiyalarning afzalliklarini hisobga oladigan yangi didaktik yondashuvlarni ishlab chiqish zarurati va imkoniyatini taqozo qiladi. Prinsipni amalda qo‘llashning optimalligi ta’lim jarayoni subyektlarining didaktik vazifalarni hal qilish ta’lim samaradorligini oshirishga vaqt va kuch sarfini kamaytirishdan iborat [6].

Raqamlı ta’lim resursi – grafik, matnli, raqamlı, nutqiy, musiqiy, video, foto va raqamlı ko‘rinishda taqdim etilgan boshqa axborotni o‘z ichiga olgan, zamонави

ta'limning maqsad va vazifalarini amalga oshirishga yo'naltiririlgan axborot manbai [7]. Biz aynan shu ta'rifga asoslanamiz.

“Raqamli ta’lim resursi” tushunchasi bilan “raqamli resurs”, “axborot resursi” va “ta’lim resursi” tushunchalari bog‘liq. “Axborot resursi” tushunchasi “raqamli resurs” tushunchasidan ham (axborot resursi raqamli ko‘rinishda ham, qog‘oz shaklidagi vositada ham bo‘lishi mumkin), “ta’lim resursi” tushunchasidan ham keng (har qanday resurs ham ta’limiy xarakterga ega emas) [7, 43-b.].

Raqamli ta’lim resursining aniq qabul qilgan tasnifi yo‘q, bu ularni kataloglashtirishda ba’zi muammolarni tug‘diradi. Misol tariqasida axborot turi bo‘yicha tasnifni keltiramiz: matnli ma’lumotli raqamli ta’lim resursi (darslik, o‘quv qo‘llanma, xrestomatiya, ensiklopediya, masalalar to‘plami, lug‘at, davriy nashrlar), vizual ma’lumotli raqamli ta’lim resursi (rasm, fotosurat, poraqamli ta’lim resursiet, jarayon va mashg‘ulotlarning videlanhasi, namoyish, videoekskursiya), kombinatsion ma’lumotli raqamli ta’lim resursi (darslik, o‘quv qo‘llanma, xrestomatiya, ensiklopediya, masalalar to‘plami, lug‘at, davriy nashrlar), audio ma’lumotli raqamli ta’lim resursi (ovozi musiqiy chiqishlar, jonli va jonsiz tabiatning ovozi), videoma’lumotli raqamli ta’lim resursi (tirik va tirik bo‘lmagan tabiatning audio-video obyektlari, o‘quv predmetlari bo‘yicha ekskursiyalar, ensiklopediyalar), interaktiv modellar (o‘quv predmetlari laboratoriya mashg‘ulotlari, o‘quv predmetiga doir virtual laboratoriylar), murakkab tuzilishga ega bo‘lgan raqamli ta’lim resursi (darslik, o‘quv qo‘llanma, xrestomatiya, ensiklopediyalar).

Murakkab tuzilmali axborot manbai – raqamli matn, videotasvir, audioyozuv, fotosurat, interaktiv model va boshqalarga asoslangan, tegishli o‘quv-metodik yordamga ega bo‘lgan raqamli ta’lim resursi. Bunday resurs o‘quvchi va o‘qituvchiga ma’lum bir mavzu yoki mifik bo‘yicha ekskursiyalar, ensiklopediyalar, interaktiv modellar (o‘quv predmetlari laboratoriya mashg‘ulotlari, o‘quv predmetiga doir virtual laboratoriylar), murakkab tuzilishga ega bo‘lgan raqamli ta’lim resursi (darslik, o‘quv qo‘llanma, xrestomatiya, ensiklopediyalar).

Innovatsion o‘quv-usuliy majmua – muayyan o‘quv predmeti (yoki muayyan ta’lim yo‘nalishi) bo‘yicha ta’lim jarayonini amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan o‘quv vositalarining to‘liq to‘plami, u zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini faol qo‘llash orqali ta’lim oluvchilarni axborot jamiyatni sharoitidagi hayotga tayyorlash uchun zarur bo‘lgan ta’lim natijalariga erishishni ta’minlashi lozim.

“Raqamli ta’lim resursi” termini bilan bir qatorda “elektron ta’lim resursi” termini ham ishlataladi. Elektron ta’lim resurslari texnik jihatdan – dasturlar va ma’lumotlar to‘plami, iste’molchi nuqtayi nazaridan – o‘rganish predmeti bo‘lgan obyektlar, jarayonlar, abstraktsiyalarni ifodalovchi mazmunli elementlar to‘plami. Bundan tashqari samarali elektron ta’lim resurslari yuqori darajadagi interaktivlikka ega va multimediali boy bo‘lib, shuningdek tarmoqda tarqatish imkoniyatiga ega.

Raqamli va elektron ta’lim resursi tushunchalarini biz sinonim sifatida ishlatajiz.

Raqamli ta’lim resursilarining ta’rif va tavsif bilan bog‘liq adabiyotlarni o‘rganish

orgali biz raqamli ta'lif resurslari o'quv jarayonini tashkil qilishda quyidagi imkoniyatlarni taqdim qilishini aniqladik:

- katta hajmdagi axborotni joylashtirish (bu ayniqsa elektron interaktiv ensiklopediyalar yaratish uchun muhim);
- kerakli ma'lumotlarni tezkor izlash va foydalanish;
- ko'plab murakkab hodisa va jarayonlarni ko'rgazmali (tushunarli) tarzda taqdim etish;
- grafik bezakdan foydalanish;
- turli shakl - vizual, tovush vositasidagi va h. k. shaklda taqdim etilgan ma'lumotlarni bir vaqtning o'zida qabul qilish;
- o'quvchilarning bilimlarni mustaqil ravishda egallash va taqdim etish faoliyatining turli shakllarini tashkil etish;
- o'quvchilar bilimini obyektiv va sifatli tekshirish, masalan, test orqali;
- bilimlarni egallashning individual jarayonini boshqarish.

Zamonaviy raqamli ta'lif resurslarining asosiy belgisi - multimedialilik. Multimedialilik - har xil turdag'i: matniy, grafik, animatsion, ovozli va video ma'lumotlarning sintezi bo'lib, unda bu ma'lumotlarni turli xil usulda tartiblashtirish, birlashtirish va taqdim etish imkoniyati mavjud. Ta'lif jarayonida raqamli ta'lif resurslaridan foydalanish o'quv materialini turli-tuman shaklda taqdim etishga erishish imkonini beradi. Bu o'z navbatida, o'quvchilarning idrok qilishning turli kanallaridan foydalanishi tufayli ortiqcha zo'riqishi xavfidan qochib, ularning o'r ganilayotgan mavzuga e'tiborini iloji boricha uzoqroq ushlab turishga imkon beradi. Bundan tashqari, assotsiativ eslab qolish nazariyasiga ko'ra turli sensor yo'llar orqali takrorlangan ma'lumotlar (masalan, matn, video, grafika va tovush kabi) yaxshiroq o'zlashtiriladi va ancha uzoq saqlanadi [5,143-144].

Odatda, o'quv jarayonida multimedia resurslaridan foydalanish B. Andersen tomonidan tasvirlangan to'rtta ssenariyning biri bo'yicha amalga oshiriladi:

1-ssenariy 1.Multimedia ilovalarning chiziqli ko'rinishlaridan foydalanish

- materialning qat'iy berilgan tartiblangan taqdimoti o'quvchilar e'tiborini jamlashga yordam beradi, biroq uni taqdim etishni boshqarishdagi cheklovlar hosil qiladi. Maktab amaliyotida bunday resurslar (masalan, kursning ayrim mavzulari bo'yicha taqdimotlar) ko'pincha frontal ishlarni tashkil qilish uchun ishlatalidi.

2-ssenariy. Multimedia ilovalarning chiziqli bo'lmagan ko'rinishlaridan foydalanish - bir tomonidan – moslashuvchan navigatsiya va yuqori darajadagi interaktivlik hisobiga o'quv materiallaridan individuallashtirilgan tarzda foydalanish – va boshqa tomonidan – materialning tuzilishida chalkashib ketish xavfi.

Bunday resursga tipik misol sifatida ma'lum bir o'quv predmeti bo'yicha tuzilgan multimediali ensiklopediyani keltirish mumkin; darslarda tegishli elektron resurslaridan ko'pincha mavzuning ayrim qismlarini tushuntirishda frontal rejimda va va o'quvchilarning individual ishining ayrim turlarni tashkil qilishda (masalan, berilgan mavzu bo'yicha ma'lumot qidirishda) foydalaniladi.

3-ssenariy. O‘rgatuvchi dastur yoki o‘quv kursi - olingan bilimlarni amaliy mustahkamlashni ko‘zda tutish, noodatiy vazifalarni qo‘yish orqali tanqidiy fikrlashni rivojlantirish. Bunday ta’lim resurslari odatda sinf-dars tizimida to‘liq qo‘llanmaydi, darsda ayrim topshiriqlarni bajarish, trening va test o‘tkazishni tashkil qilish mumkin. Bunday resurslardan masofaviy o‘qitish va o‘z-o‘zini tayyorlashda foydalilanildi.

4-ssenariy. Multimedia yaratish – multimedia texnologiyasi fikrlash tarzi, aloqa va bilimlarni taqdim etish vositasi sifatida: o‘quvchilarga materiallarni mustaqil ravishda yaratish va o‘z konsepsiyasini taqdim etish imkoniyatini berish orqali ularni faol ta’lim olishga jalb qilish; fikrlash va amaliy vazifalarni guruh bo‘lib hal qilish qobiliyatlarini rivojlantirish, yuqori darajadagi motivatsiya .

Ssenariylarning istalgan biridan foydalanganda ta’lim jarayoni yangi qirralarga ega bo‘ladi: o‘qituvchi asosan ta’lim jarayonini muvofiqlashtiradi, o‘quvchilar esa yangi bilim va faoliyat usullarni o‘zlashtirishda faollik ko‘rsatadi.

Raqamli ta’lim resurslarining yana bir muhim xususiyati interaktivlik, ya’ni dialog, teskari aloqa imkoniyatidir. Yuqori darajadagi interaktivlik foydalanuvchida nafaqat voqealar rivojini boshqara olish tuyg‘usini, balki olinadigan natija uchun javobgarlik hissini ham beradi. Bu o‘quvchiga taqdim etilgan ma’lumotlarni passiv idrok etishdan ta’lim jarayonida faol ishtirok etishga o‘tish imkoniyatini beradi.

Foydalilanigan adabiyotlar

1. Босова, Л.Л. Подготовка младших школьников в области информатики и ИКТ: опыт, современное состояние и перспективы [Текст] / Л.Л. Босова. - М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2009. - 271 с.
2. Зеленев В.М. Новый предметно-методический курс с использованием цифровых образовательных ресурсов (ЦОР) в преподавании астрономии в пед. вузе./ В.М. Зеленев, М.Ф. Шабанов // Новые технологии в образовании. Научно-технический журнал. - Воронеж : ВГПУ, 2008. - С.48-52.
3. Использование современных информационных и коммуникационных технологий в учебном процессе [Текст] : учебно-методическое пособие / Д.П. Тевс, В.Н. Подковырова, Е.И. Апольских, М.В. Афонина. -Барнаул: БГПУ, 2006. - 111 с.
4. Колесникова, А.А. Создание условий для системного внедрения информационных и коммуникационных технологий в сфере образования / А.А. Колесникова. // Современные педагогические технологии Интернет-обучения. - М.: 2008. - С. 141-145.
5. Молокова, А.В. Комплексный подход к информатизации образовательного процесса в начальной школе. дис.... д-ра пед. наук / А.В. Молокова. -Новокузнецк, 2008.- 482 с.
6. Осин, А.В Создание учебных материалов нового поколения [Текст] / А.В. Осин // Информатизация общего образования: Тематическое приложение к журналу «Вестник образования». - М. : Просвещение, 2003.- №2. - С.16-23.
7. Роберт, И.В. Теория и методика информатизации образования (психологопедагогический и технологический аспекты): монография / И.В. Роберт. - М.: ИИО РАО, 2008. - 274 с.



МУСИҚА ТАЪЛИМИНИНГ ЯНГИ ВАЗИФАЛАРИ (ФИНЛАНДИЯ МИСОЛИДА)

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.95.027>

Караева Феруза Қурбоновна,

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, мусиқали
драматик театр ва кино актёrlиги санъати кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация. Ушбу мақола Финляндия мактабларида мусиқа таълимининг янги асосларини топишга қаратилган. Унда ҳозирги мусиқа таълими ёритилган ва мусиқа маданиятининг тез ўзгариши натижасида юзага келган қийинчиликлар кўрсатилган. Ушбу ўзгаришлар туфайли Финляндия мусиқаси ўқувдастури янги бошлангичнуқталарни топиши керак.

Калит сўзлар: мусиқа, маданият, Финландия, янги вазифа, таълим, тарбия.

Биз мусиқа таълими ҳақидаги асосий фояларни ўрганамиз ва уларни тарихий ривожланиш орқали бир-бири билан таққослаймиз. Хуросалар шуни кўрсатадики, бугунги кунда мусиқа таълими мусиқа яратиш ва тинглаш асосида қурилиши керак. У энди анъанавий рамкаларга асосланиши мумкин эмас, чунки у бугунги кун болаларига таниш эмас. Мусиқа таълими тадқиқотга асосланган бўлиши, мусиқий қўникма ва билимларни ўргатиш ва ўргатишнинг янги усусларини унинг амалиётига йўналтириши керак.

Таълимнинг таърифи кўпинча таълим олаётган шахсада ўзгаришларни амалга ошириш, мақсадга йўналтирилган ютуқ деган фояга асосланади. Эришилган ўзгаришлар одатда мусиқий тажрибага асосланади ва улар хатти-ҳаракатларнинг нисбатан доимий ўзгариши бўлиши керак. Бундан ташқари, бу ўзгаришлар хатти-ҳаракатларнинг орқасида пайдо бўладиган потентсиалларда (билим, қўникма ва ҳиссий реакциялар) содир бўлишимумкин, шундан сўнгулар хатти-ҳаракатларда дарҳол ёки кейинроқ кучга кириши мумкин, деб ишонилади.

Гарбий демократик мамлакатларда адекват бўлган мактаб институти: мусиқа таълими ўқувчиларга ўз қадриятлари ва ҳаракат усусларини топишга, мустақиллик ва эркинликка эришишга ёрдам бериши керак. Бу нуқтаи назар, айниқса, гарбий, Англия-Америка мамлакатларига хос бўлган индивидуалликни таъкидлашда намоён бўлади.

Ушбу нуқтаи назарнинг (Фин мактабларида нисбатан) урғусини кўриб чиқсан. Финляндия анъаналарининг ўнлаб йиллар давомида ҳаракатлари ва конвенцияларида эришилган ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва унинг яхши ва ёмон томонларини топишга ҳаракат

қилиш керак. Финляндия мактабларининг мусиқа таълими тарихи умуман олганда унчалик яхши эмас. Мусиқа ўқитувчилари ўртасида кўп тортишувлар бўлган. Қандай қилиб ва нимани ўргатиш ҳақида қарама-қаршиликлар мавжуд эди. Баъзан ўқув режасининг мазмуни жуда қаттиқ тартибга солинган; мактаб мусиқа китоблари жуда бир ёқлама бўлиб, ўқув дастурини янгилашдаги қийинчиликлар бугунги кунда ҳам мактаб мусиқа китобларини ишлаб чиқаришда ўзаксини топмоқда. Бу рўйхат осонлик билан янада узоққа бориши мумкин эди: мусиқа (ўша кунларда у қўшиқ айтиш деб аталарди) мактаб фани сифатида 1940-1950-йилларда энг кам оммалашган мактаб фанларидан бири бўлган. Оммабопликнинг йўқлигининг бир қанча сабаблари бор эди: куйлаш материали (қўшиқлар), ўқитиш усуллари, мақсадлари, мусиқа назариясини ўргатиш, мусиқий истеъдодва унинг ривожланиши ҳақидаги тушунчалар.

Хозиргача ҳеч ким мусиқа таълимининг умумий, кенг эътироф этилган изчил назариясини ишлаб чиқа олмади, гарчи ўқитиш, ўрганиш ва мотивациянинг турли назарияларининг ориентация билан биргаликдаги таъсирини ўрганиш орқали баъзи қадамлар қўйилган бўлса ҳам. Мусиқа таълимида мусиқанинг ўз моҳияти, унинг инсон учун аҳамияти ва маъноси бошланғич нуқта бўлди. Бу тушунчалардан биз бемалол асосий саволларни очишимиз мумкин: мусиқа таълими нима, мусиқа таълими ва умумтаълим ўртасидаги боғлиқлик қандай бўлиши керак?

Мусиқа таълими ҳақидаги оммавий мунозараларда ҳар кимнинг ўз фикри бордек. Баъзилар мактабдаги мусиқа дарсларида ўз тажрибалари, ўзларининг мусиқа тушунчалари ёки эҳтимол мактабдан ташқарида севимли машғулот сифатида мусиқа билан шуғуланиш тажрибасига қараб ижобий ва баъзисалбий нуқтаи назарга эга. Бу ҳислар мусиқа таълимининг мақсадларини белгилаб берадими, деган саволни бериш ўринлидир. Шубҳасиз, бугунги кунда мактабда мусиқа таълимини кузатиш ҳозирги вактда мусиқа таълими нима эканлиги ҳақида озми-кўпми етарли маълумот беради; бу маълумотлардан мусиқа таълими келажак учун ишлаб чиқилганда фойдаланиш мумкин.

Мусиқа таълимининг асл моҳияти ҳақидаги мулоҳазалар ҳар қандай ҳолатда ҳам бизни инсон бўлишнинг энг чукур босқичларига олиб боради: билиш, ҳис қилиш, аҳамият ва маъноларни англаш, фикрлаш, ўрганиш ва ўргатиш, ҳаракат ва эътиқод.

Буларнинг барчаси муваффақиятли мусиқа таълимида содир бўлади. Мусиқа таълими инсон ҳаёти, ижтимоий маданий ҳаёт даражаси билан бир қаторда мусиқа ўқитувчилари ва талабаларининг касбий савияси билан ҳам чамбарчас боғлиқлигини кўриш қийин эмас. Шундай қилиб,

музиқа таълими умумий таълим ютуқларининг бир қисми сифатида аҳамият ва маъноларни тўплайди. Мусиқий таълимнинг энг чукур моҳияти доимо бевоситадир

Мусиқа инсоният ютуқлари ва кундалик ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Бутун дунёда, жамиятнинг тузилиши ёки ривожланиш босқичидан қатъиназар, одамлар кўпвақтини мусиқа тинглаш, чолғу асбобларини чалиш, ижро этиш, қайта тартибга солиш, жонли мусиқани ишлаб чиқариш ва тинглашга сарфлашади. Катта миқдордаги пул асбоблар, ёзувлар ва концертларга чипталар сотиб олишга сарфланади. Рақсга тушиш, қўшиқ айтиш ва янги оҳанглар яратиш бутун дунё бўйлаб ҳамма одамлар учун одатий ҳолдир ва мусиқа ихлосмандларининг сонини юзлаб миллионлаб санаш мумкин. Миллиардлаб пассив тингловчилар мавжуд. Қандай бўлмасин, мусиқа бўш вақтни ўtkазиш ва шахсий бойитиш шакли сифатида бир нечта энг машхур спорт турлари (футбол, баскетбол, хоккей, бейсбол ва бошқалар) билан муваффақиятли рақобатлашади.

Тарих давомида мусиқа у ёки бу тарзда мавжуд бўлган, буни қадимги цивилизация расмлари ва ёзувлари орқали тасдиқлаш мумкин. Мусиқанинг маъноси ҳам тарихий тараққиётга кўра ўзгарган, аммо у доимо одамлар ва маданият учун аҳамиятли бўлган. Ибтидоий жамиятлар ёки юқори даражада ривожланган маданиятлар ҳақида гапирганда, мусиқанинг маънолари, албатта, ҳар хил бўлади. Қандай бўлмасин, мусиқий қизиқиши кенг ва чукур бўлиб, ҳар бир шахснинг мусиқа билан қандайдир алоқаси бор.

Жамиятдаги қадриятлар ва ҳаракат усусларини ўрганадиган социализация жараённада рўй берадиган мусиқа ўрганиш ва маданият жараёнларининг алоқаси аниқ. Атроф-муҳитдан кўпроқ ёки камроқ тасодифий огоҳлантиришлар эшлиши схемалари тизимини ишлаб чиқа бошлайди, бу кейинчалик мусиқий афзалликлар ва рад этишлар билан бошқариладиган мусиқа дидининг ривожланишига олиб келади. Ушбу маданий социализация жараёнларини мактаб мусиқа таълими нафақат индуктив ривожланаётган таълим имкониятларидан фойдаланган ҳолда, балки билимнинг концептуал соҳасини янада кенгроқ рағбатлантириш ва тушуниш даражасини чуқурлаштириш орқали ҳам таъминлаши керак. Бу бугунги кунда мактаб мусиқа таълимининг асосий моҳияти ва гоясидир.

Мусиқий таълим, мусиқа маданиятининг тез ривожланиши, унинг жанрлари ва конвенциялари билан боғлиқ: маҳсулотлар ва кўплаб тарқатиш каналлари мусиқа ўқитишнинг анъанавий усуслари ва тамойилларини эскича ва амалий бўлмаган ҳолга келтирди. Мусиқа жанрларининг кескин кенгайиб бориши билан анъанавий мусиқа

таълимининг эстетик асоси ҳам ўз аҳамиятини йўқотди. Анъанавий фикрлаш усулларини алмаштириш учун янги бошланғич нуқталар керак ва улар янада кенгроқ ва кенг қамровли бўлиши керак, шунда улар ҳар қандай мусиқа услублари ва жанрлари билан курашишга тайёр ва малакали бўлиши керак, хеч қандай услугубни бошқасидан яхшироқ деб хисоблаб бўлмайди.

Мусиқа таълимининг анъанавий бошланғич нуқталари мумтоз мусиқа соҳасида асрлар давомида ўзгармас бўлиб келган, бироқ бизнинг мусиқа маданиятимиз маданий тараққиёт жараёнида жуда қўп ўзгарган.

Мусиқа таълимининг мақсадларидан бири турли тушунчаларни аниқлаш ва ўқувчиларни кўпроқ концептуал фикрлашга, уларнинг билим ва мусиқий қобилиятларини мавхумроқ даражада ишлатишга ҳаракат қилишдир. Аниқ ўрганишга асосланган бу вазифа Финляндия мусиқа таълимида кенг таъкидланган. 1940 ва 1950 йилларда мусиқа мактабда энг кам оммалашган фанлардан бири бўлишининг сабаби ҳам шу эди. Эстетик ва амалий мусиқа таълими фалсафалари ҳам мусиқа хақиқати ҳақида бир фикрда ўз-ўзини билиш даражасини ошириш. Бу тушунчалар нимани ифодалаши қўп жиҳатдан инсон ҳақидаги ҳозирги ғоя ва таълим ва таълим тушунчаларига боғлик.

Кўпгина мусиқа таълими тадқиқотчилари мусиқада билим ва ҳиссиётлар бир-бирига мос келишига қўшиладилар. Турли фалсафалар мусиқий тажрибани бошқача таъкидлайди. Турли хил мусиқа таълим фалсафалари мусиқий билимларни ўз тушунчалари ва атамаларидан фойдаланган ҳолда шарҳлайдилар, чунки улар мусиқий билим босқичларини белгилайдилар, бაъзан эса қатламли моделлар билан якунланади. Буларнинг барчаси учун умумий нарса шундаки, мусиқа қўп қиррали ҳодиса сифатида кўрилади. Мусиқадаги эффектларнинг маънолари ва босқичларини муҳокама қилишда ўрганиш концепцияси ортидаги одамларнинг табиий илмий ғояси бекарор кўринади.

Турли фалсафаларга асосланган мусиқа тушунчалари мазмун ва маъно ўхшашликлари ва фарқларини ўз ичига олади. Мусиқа таълими ҳам мусиқа таълими тушунчаларининг бошланғич нуқтасига қараб бир неча босқичларга (ёки билим босқичларига) эга. Бу даражалар қуйидагилардан иборат: 1) Мусиқа таълими (мактаб мусиқа таълими, қўшиқ куйлашни ва чолғу асбобларида чалишни ўрганиш ва мусиқа тинглашни назарда тутади); 2) мусиқага оид таълим (музиқа (музиқа тарихи, мусиқа назарияси) ҳақида концептуал ёки оғзаки билимларни ўрганиш); 3) мусиқага таълим (профессионал мусиқачи, бастакор, танқидчи, мусиқа тарихи ўқитувчиси, тадқиқотчи ёки ўқитувчи бўлишни мақсад қилган чолғу чалишни ёки қўшиқ айтишни ўргатиш). 4) мусиқа ёрдамида таълим (музиқани баъзи бир таълим соҳасида (рухий саломатлик, иқтисод) бошқа мақсадларга эришиш учун ишлатиш).

Мусиқа таълими тушунчаларини ажратиб кўрсатсан, яна бир нуқтаи назарга эга бўламиз: мусиқа таълими умрбоқий касб ва молиявий манбага айланганда, мусиқа таълими профессионал даражада ўзлаштирилган барча босқичларни ўз ичига олган касбий ютуқга айланади. Мусиқий

таълим ёндашувларини ўрганар эканмиз, биз ҳар доим мусиқани энг муҳим бошланғич нұқта деб билишимиз керак, биз мусиқасиз мусиқа таълими ҳақида гапира олмаймиз, шунчаки таълим әмас. Шу нұқтаи назардан қараганда, мусиқани мактаб ўқув предмети сифатида ўқитишиңи унинг алохидә моҳияти ва аҳамиятига эътибор қаратмасдан туриб, математика ёки бошқа табиий фанлар билан солишириб бўлмайди. Баъзан биз ҳам савол беришимиз керак: мусиқа ёрдамида яна қандай фанларни яхшироқ ўргатишимиз мумкин. Бу савол юқорида айтиб ўтилганларнинг фақат тўртинчи даражасига асосланади, бунда мусиқа фақат бошқа мақсадлар ва мавзуларга ёрдам берувчи восита сифатида қаралади.

Мусиқа таълими орқали ўқувчиларга таъсир қилиш имконияти болалар ва ёшларнинг мусиқага бўлган табиий қизиқишига асосланади. У мусиқани жуда шахсий ҳодиса сифатида кўради, унда муваффақиятсизлик эҳтимоли мавжуд әмас.

Мусиқа таълимида бошланғич нұқталар иккита табиий асосий нарсага асосланади: 1) мусиқа таълимининг хусусиятлари ва табиати мусиқанинг ўзмоҳияти билан бевосита боғлиқдир 2) мусиқа таълимининг аҳамияти мусиқанинг маъноси билан боғлиқ. Ушбу ёндашув орқали мусиқанинг маъноси ва аҳамиятини тадқиқ қилиш орқали мусиқа таълимининг энг чуқур ғоясини ўрганиш мумкин. Педагоглар бунга эриша олсалар, мусиқа таълими моҳиятини адолатли тушуна оладилар. Ушбу бошланғич нұқталарни ўрганаётганда, мусиқа ўқитишиңи ягона бир соҳа сифатида кўриб чиқмаслик керак.

Мусиқа таърифи атайлаб режалаштирилган оҳанг, гармония, товуш, текстура ва ритмни ҳам ўзичига олиши мумкин бўлсада, у ҳам етарли ёки тўлиқ бўлмайди. Оҳанг ва гармония мусиқанинг типик элементлари бўлиши мумкин, аммо улар ҳамма мусиқа учун зарур әмас. Агар мусиқа хиссиёт ва ҳис-туйғуларни кўтаришга қодир бўлган инсон томонидан ташкил этилган овоз, деган таърифни бажарсан, бошқа кўплаб эшитиш стимуллари ҳам инсон томонидан ташкил этилган лигини ва ҳиссиётларни (йиглаш, даҳшат ҳайқириқлари, кулги) кўтаришини кўрсатиш осон. Бу бизга ҳис-туйғуларни кўтариш ва ифода этиш мусиқанинг етарли таърифи әмаслигини кўрсатади.

Мусиқа таърифидаги олдинги таърифларга қўшимча равища эстетик нұқтаи назар ҳам мавжуд бўлиб, у бутун дунё бўйлаб мактаб мусиқа таълимининг ривожланиши ва тарихий йўналишларига кучли таъсир кўрсатди. Эстетика гўзалликнинг фалсафий илмий тадқиқоти ҳисобланса-да, у дастлаб Афлотун даврига тўғри келган анча кенг маънога эга бўлган. Ўшандан бери Баумгартен (1714-1762), Шафтесбери (1671-1713), Хатчесон (1694-1746) ва бошқа бир қанча файласуфлар асли юононча ғояларни ишлаб чиқдилар.

Эстетик тажрибани белгилаш орқали эстетик объектлар, эстетик фазилатлар ва тасвирий санъатнинг эстетик тушунчаси (жумладан, мусиқа) ахлоқий, ижтимоий, диний, сиёсий ва индивидуал амалиётлар билан асл алоқаларидан ажратилиб, эстетик мавқега ва манбага қўйилди.

кузатиш, изланиш ва тажриба.

Худди шу тараққиёт чолғу мусиқасининг сўзларнинг амалий боғланишидан ажралғанлиги сабабли олий ҳақиқат, энг соғ олижаноблик ва гўзалликнинг асосий манбаига айланишига олиб келди. Инструментал мусиқа (бошқа тасвирий санъатлар каби) баъзи мақсадларга эришиш воситаси сифатида эмас, балки ўз-ўзидан мақсад сифатида кўрилган. Мусиқа санъатининг ягона асари реал ҳаёт билан жисмоний ёки ижро алоқаларидан ажратилиб, реалликдан ташқари идеал дунёning хаёлий доирасига киритилди. Эстетик нуқтаи назарга қараганда, эстетик объект ҳақидаги аксиомаларни, эстетик баҳолаш ва фарқлаш қобилияtlарини, эстетик тажриба ва қадриятларни уларнинг табиий оқибатлари билан боғлиқ ҳолда эгиш одатий ҳолдир.

Мусиқа ўқитувчиси барча ўқувчиларга дунёning барча турли мусиқа маданиятларини хурмат қилган ҳолда мусиқа билан ижодий алоқа ўрнатиш имкониятини беришиши лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Финляндияда бугунги кунда мусиқа ва унинг моҳияти, мусиқанинг аҳамияти ва маъноси ҳақида кўпроқ маълумотга муҳтожмиз.

Болалар ҳаётининг турли ривожланиш босқичларида мусиқанинг аҳамияти кенг ҳисобланади.

Финляндияда бугунги кунда жамиятнинг мусиқий муҳити тадқиқотнинг муҳим мақсади ҳисобланади, чунки улар келажакдаги мусиқа таълими мақсадларини шакллантириш учун асос бўлиши керак.

Бугунги кунда Финляндия мусиқа таълими тарихи ҳақида жуда кўп маълумотлар мавжуд. Кўпгина тадқиқотчилар 1980-йилларгача бўлган даврда мусиқа таълимини ўқитишни таърифлаб берганлар.

Мусиқий ўз-ўзини англаш масалалари ҳам мактаб бошланишидан олдин турли хил мусиқий ривожланиш босқичлари билан боғлиқ ҳолда ҳисобга олинниши ва уларни тадқиқ этилиши керак.

Адабиётлар

1. Маҳмудов Мэлс. Дидактик Лойиҳалаш – Замонавий Таълимда Самарадорлик Кафолати. Том 1 № 1 (2020): Таълим ва инновацион тадқиқотлар. <http://interscience.uz/index.php/home/article/view/14>
2. Рўзиева М. Ё. Туркий халқлар фольклорида ранг ифодаловчи сўзлар ва уларнинг семиотик таҳлили. Том 1 № 1 (2020): Таълим ва инновацион тадқиқотлар. <http://interscience.uz/index.php/home/article/view/34>
3. Рўзиева Моҳичехра Ёқубовна Ўзбек халқ қўшикларида ранг символикаси. Дис. Автореферати. 2017. <http://library.ziyonet.uz/uzc/book/85761>
4. ББ Мамуров. МЫСЛИТЕЛИ ВОСТОКА О ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОЙ ЛИЧНОСТИ. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAAJ&citation_for_view=SqSdKDAAAAAJ:Y0pCki6q_DkC



МУАММОЛИ ЁНДАШУВ” ТУШУНЧАСИНИ АНИҚЛАШТИРИШГА ДОИР ТУРЛИЧА ЁНДАШУВЛАР

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.70.70.028>

Джсураева Дилноза Шакиржоновна,

*Термиз давлат университети, алгебра ва геометрия кафедраси
үқитувчиси*

Аннотация. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда “Муаммоли ёндашув” мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Чунки, асосий эътибор ўқувчиларда ўқув фаолиятининг асоси бўлган “ўқув кўниқмалари”ни шакллантиришига йўналтирилмоқда. Масалалар ечиши жараёни ўқув фаолиятининг муҳим кўринишларидан бўлиб, ўқувчилар айнан шу жараёнда назарий материални амалиётда қўллаши кўниқмаларини чуқур эгаллашади, ижодий фаолиятлари шаклланади ва ижодий қобилияtlари ривожланади.

Таянч сўзлар: масала, муаммоли ёндашув, ностандарт масалалар, ижодий қобилият, муаммоли вазият.

Жаҳон миқёсида таълим соҳасида янгиликлар яратиш борасида тадқиқотчи-олимлар бугунги кунда таълим олувчиларга фанга оид ностандарт масалаларни ечиш усулларини ўргатувчи, мактаб таълим олувчиларига бундай масалалар тўғрисида аниқ маълумотлар берувчи, таълим олувчиларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишида « фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш» вазифалари белгилиб берилган. Бу таълим жараёнини зарур ахборотлар билан таъминлаш, уларни ўзлаштириб боришнинг мақбул ечимларини топиш ва жорий қилиш имкониятларини кенгайтиради. “Олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилияtlарини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш” каби вазифалар белгиланган.

“Масала” ва “муаммоли вазият” кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлади. Лекин у бу борада изланишлар олиб борган кўплаб тадқиқотчиларнинг тадқиқотларида мураккаблаштирилмайди. Масалан, тадқиқотчи Л.М.Фридман муаммоли вазиятни бошланғич деб хисоблайди ва масала шу асосда юзага келади, деб тушунтиради. [2].

Муаммоли ҳолат кенг методик ҳодиса бўлиб, у ўзига топшириқларни ҳам, топшириқларни бажараётган субъект – таълим олувчиларни ҳам қамраб олади. Муаммоли ҳолатда иштирок этган таълим олувчи фаол фикрлайди, ўзида мавжуд билим, тажрибани мустақил ишлатади, ечимга мустақил етиб келади. Ўқув муаммоси уни анлаган, тушунган таълим олувчи учунгина муаммо саналади. Ўқув муаммосини субъект учун муаммоли ҳолатга айлантириш мақсадида унинг таркибида икки ёки ундан ортиқ топшириқ келтирилади. Агар таълим олувчи муаммони тушуниш учун берилган топшириқларнинг бирортасини тушунмаса (масалан, бир ғознинг олдинда, иккитасининг кейинда учётган ҳолати), иккинчи ҳолатга (масалан, бир ғознинг орқада, икки ғознинг олдинда учётган ҳолати) ўтилади. Ўқув ҳолатларининг биридан иккинчисига ўтиш, қўйилган асосий муаммони тушунишни таъминлайди. Гарчанд топшириқдан топшириққа ўтиш қўп вақтни тақозо қилса-да, таълимда нуқсонлар бир қадар камаяди. Бу муаммоли таълимнинг ўзига хос самарадорлигидир. Р.Ибрагимовнинг тадқиқот ишида муаммоли масала, топшириқлар турлари ва улардан фойдаланиш технологиялари ўз ифодасини топган [4]. Муаллиф бундай масала-топшириқларнинг а) муаммоли хусусиятга эга саволларга оид масала-топшириқлар; б) турли усулларда ечиш мумкин бўлган масалалар; в) мазмунан бир хил, аммо ечиш усуллари турлича бўлган масалалар; г) шарти етарли бўлмаган масалалар; д) ортиқча маълумотга эга масалалар; е) бутунлай нотўғри маълумотга эга масалалар; ж) турли хил фаолиятни умумлаштиришга мўлжалланиб ечиладиган топшириқлар; з) предметлараро алоқадор мазмундаги масалалар турларига ажратган [4].

Бизнинг фикримизча муаммоли ёндашув орқали бериладиган масалалар, маҳсус мақсадли масалага эҳтиёж борлиги ва қайд этилган муаммонинг инсон томонидан номаълум нарсаларни топиш пайтида тизимнинг баъзи бир таркибий қисмлари субъект учун масалага айланади. Муаллиф фикрича, “инсон ечим излаш йўлидан борадими ёки йўқми, барибир, масала мавжуд бўлади, чунки субъект учун масала тизимининг муаммоли эканлигини англаш ва мақсадли кўрсатманинг (ёки субъектив эҳтиёжнинг) мавжудлиги муҳимдир, холос”.

Юқорида билдирилган фикрларга шуни қўшимча қилиш мумкинки, масала ҳақидаги тушунчани у ёки, бу маънода қўллашда муаллиф томонидан “масала”атамасига қандай мазмун юклатилганлиги, у қайси муаллифларнинг фикрларига таяниб иш юритаётганлигига, қандай ҳолатларга қарама-қарши фикр билдираётганлигига ҳам жиддий эътибор қаратиш керак.

Масаланинг асосий белгиси шундан иборатки, унда вақтинча ечим воситалари йўқ, яъни кетма-кетликда белгилаб қўйилган жараёнларни,



маълум мундарижа (умумий қолипдаги жавоблар)ни тўғридан-тўғри кўллаш имконияти бўлмайди. Бу эса масалани нисбий қилиб қўяди; муаммоли савол эса, бор-йўғи, ҳали унинг ечимини билмайдиган киши олдига масала қилиб қўйилади. Бундан ташқари масала муаммоли вазиятдан фарқланади. Биринчи ҳолатда савол аниқ ривожлантирилган, иккинчи ҳолатда эса ҳали ривожлантирилмаган бўлади. Муаммоли вазият педагогик масалаларни тузишда негиз масаласини ўтайди.

Масаладан фойдаланишдаги муаммо шундаки, фанни ўқитишда у турлича жиҳатлардан, нуқтаи назарлардан иборат бўлади: бу – таълим бериш жараёнларида масаланинг хизмат ва мақсадларини аниқлаштириш, масалаларни турлаш ва таснифлаш, мазмун ҳамда ечиш усулларини аниқлаш, масалани ечишга ўргатиш усулларини такомиллаштириш, назарий билимлар ва масала ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиш деганидир. “Берилган савол”нинг бу ва бошқа жиҳатлари психологик-педагогик, дидактик ва методик адабиётларда ўз аксини топган. Шундай бўлсада, юқорида айтиб ўтилганлар фикрларнинг ҳаммаси ҳам тўғри бўлмаслигини тан олиш керак.

Г.А.Балл [1], В.В.Давыдов [7], Д.Б.Эльконин [6] ларнинг ишларида ўқув фаолияти ўқув масалалари тизими тарзида баён қилинган. Масалан, Д.Б.Эльконин таълим жараёнини ўқувчилар олдига қўйилган таълим мақсадларига эришишга йўналтирилган ҳаракатлар мажмуаси тарзида таърифлайди. Айнан, ўқув масаласини ўқув фаолиятининг бирлиги сифатида қарайди. Бундай қарап эса дидактикада муаммоли ёндашув тушунчасини яратилишига олиб келган. Ушбу (муаммоли) ёндашув талабларига кўра, янги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш маҳсус лойиҳалаштирилган вазиятлар тизими асосида амалга оширилади. Бунинг учун эса, ўқув-билув масалалари мажмуасидан фойдаланилади.

Г.Д.Бухарова масалавий ёндашувни ўқувчиларнинг шундай фаолияти сифатида тақдим қилганки, бу фаолият турли хил масалалар тизимини кўллашни ва уни ечишни тақазо қиласди. Демак, ҳар бир босқичда нафақат маълум масалалар тизимини ажратиб олиш, балки уларни муваффакиятли еча олишни ҳам тақазо қиласди.

Г.Д.Бухарованинг таъкидлашича, муаммоли ёндашув биринчи навбатда инсонда фикрлаш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, у шу асосда инсонда ақлий ҳаракатларни ва амалларни зарур даражасининг шаклланганлигини таъминлайди[9, 48-бет]. Шунингдек, муаммоли ёндашувга мурожаат қилишининг долзарблиги қуйидагиларга таянган ҳолда асослашга ҳаракат қилган: биринчидан, мактабда математика ва табиий-илмий фанларни ўқитишга вақтнинг кескин камайиб кетганлиги; иккинчидан,

фундаментал фанларни ўрганиш ўқувчиларда илмий тафаккурни, илмий дунёқарашнинг шаклланишига, ўқувчилар томонидан келгусида инженерлик ва техника соҳасини эгаллаш бўйича зарур билимлар тизимини эгаллашларига хизмат қиласди; учинчидан, масалаларни ечиш ҳар доим инсоннинг ақлий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, улардаги ижодий потенциални ривожлантиради. Ҳаёти давомида инсон хоҳлайдими йўқми, турли хил масалаларни: ижтимоий, касбий, ишлаб чиқариш мазмунидаги, ўқув, майший ва бошқа масалаларни ечишга тўғри келишини кўрсатган.

У.Ж.Содиқовнинг фикрича масалавий ёндашувнинг моҳияти ўқувчиларда таълим олишга ижодий мотивацияни ўқув масалаларини ечишга ўргатиш усуллари, методлари ва методикасига ўргатишни, уларнинг ижодий қобилиятларини пайқашга имкон яратади. [3]

Бу борада шуни эслатмоқ ўринлики, ностандарт масалаларни тизимлаш масаласида кўплаб илмий ишлар қилинган, қўлланмалар яратилган. Бу изланишларда ностандарт масала ҳар хил асосларда таснифланган. Масалан, фанлар бўйича, талаблар бўйича, мураккаблиги бўйича, масалани ечиш пайтидаги ақлий фаолият бўйича, шартни эълон қилишдаги ривож бўйича ўқитиш жараёнида дидактик асослар ва бошқа белгилар бўйича фикрлар илгари сурилган, яъни ҳар хиллик юзага келган.

Жуда кўплаб тадқиқотчиларнинг изланишларида белгиланган масалаларни таснифлашда ўзига хос ёндошув зарурлиги таъкидланади. Таъкидлаб ўтмоқ ўринлики, кўриб чиқилган вариантларда битта камчилик учрайди: “ҳар хил таснифланган рукнлар бир-бирига мос келмайди, яъни “бир-бирини ёпиб қўяди”, уларни бирлаштириш эса ностандарт масалаларнинг яхлит йигиндисини ташкил этмайди”.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда “Муаммоли ёндашув” мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Чунки, асосий эътибор ўқувчиларда ўқув фаолиятининг асоси бўлган “ўқув кўникмалари”ни шакллантиришга йўналтирилмоқда. Масалалар ечиш жараёни ўқув фаолиятининг муҳим кўринишларидан бўлиб, ўқувчилар айнан шу жараёнда назарий материални амалиётда қўллаш кўникмаларини чукур эгаллашади, ижодий фаолиятлари шаклланади ва ижодий қобилиятлари ривожланади.

Биз эса таълим олувчиларни кучли қизиқиш ва ҳаяжонга солиб қўядиган масалаларни ностандарт сифатида таклиф ва тавсия этамиз. Чунки фанларни ўқитишда юқорида баён этилганларга хос бўлган бундай ёндашув бизга, таркибида ностандарт масалалар бўлган, айни пайтда, таълим олувчиларда ижодий фаолиятни фаоллаштиришга хизмат қиласди. Ўқув материаллари ишлаб чиқиш имконини берди.



Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://www.studmed.ru> → ball-ga-teoriya-uchebnyh-zadach-psihologo-ped... Балл Г.А. Теория учебных задач: Психолого-педагогический аспект. разное. pdf; 836.2 КБ; добавлен 12.04.2011. М.: Педагогика, –184 с.
2. Фридман Л.М. Психопедагогика общего образования. –М.: ИПП, 1997. – 286 б.
3. Содиқов У.Ж. Математикани ўқитишда масалавий ёндашув орқали ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш методикаси.: Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.Автореф. –Т., 2020. –18 б.
4. Ибрагимов Р. Бошлангич синф таълим олувчилари билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари: Дис. ...пед. фан. док. ...–Т., 2005. –249 б.
5. Абдуллаева Б.С., Джураева Д.Ш., Джуракулова А.Х. Математика ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент:“Турон-икбол”, 2020. – 220 б.
6. Эльконин.Д.Б. Избранные психологические труды/Д.Б.Эльконин. М.: Педагогика, 1999.- 560 с
7. Давыдов В.В. Методология и методика психолого-педагогического исследования: учеб. пособие для вузов/ В.В.Давыдов, П.И.Образцов, А.И.Уман.-М.: Логос, 2006.-128 с.
8. Бухарова Г.Д. Основные понятия теории решения задач и теории обучения решению задач// Образование и наука.-2011.-№3 (82).-С.44-58.
9. Djurakulova A. X. Development of creative abilities of younger students in mathematics lessons //Научные горизонты. – 2019. – №. 2. – С. 42-46.



19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

ПСИХОЛОГИЯ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИДА

СУБЪЕКТИВ НАЗОРАТ ДАРАЖАЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.56.88.029>

Расулов Абдимумин Ибрагимович,

Ўзбекистон Миллий университети “Психология” кафедраси
профессори вазифасини бажарувчи, психология фанлари доктори
(DSc)

Аннотация: психологияда субъектив назорат даражалари узоқ йиллардан буён ўрганилиб келинаётган ва аҳамиятли психологик тадқиқот йўналиши ҳисобланади. Ушбу мақолада психология таълим йўналиши талабаларидағи субъектив назорат даражаларининг эмпирик тадқиқотига багишланган. Муаллиф талабалар субъектив назорати даражаларини Дж.Роттернинг “Субъектив назорат даражаси” сўровномаси ёрдамида тадқиқ этган. Эмпирик кўрсаткичлар талабалар субъектив назорат даражаларининг умумий ва таркибий компонентлари бўйича ёритишига хизмат қилган.

Калит сўзлар: субъектив назорат даражаси, локус, назорат, интерналлик, сўровнома.

УРОВНИ СУБЪЕКТИВНОГО КОНТРОЛЯ У СТУДЕНТОВ НАПРАВЛЕНИЯ ОБРАЗОВАНИЯ ПСИХОЛОГИИ

Расулов Абдимумин Ибрагимович,

и.о. профессора кафедры Психологии Национального университета
Узбекистана, доктор психологических наук (DSc)

Аннотация: психология и уровни субъективного контроля изучаются уже много лет и являются важной областью психологических исследований. Данная статья посвящена эмпирическому исследованию степени субъективного контроля у студентов-психологов. Автор исследовал уровни субъективного контроля студентов с помощью опроса Дж. Роттера «Уровень субъективного контроля». Эмпирические данные послужили для раскрытия общей и структурной составляющих степеней субъективного контроля студентов.

Ключевые слова: уровень субъективного контроля, локус, контроль, интернальность, опросник.



LEVELS OF SUBJECTIVE CONTROL OF STUDENTS OF EDUCATION IN PSYCHOLOGY

Rasulov Abdumumin Ibragimovich,

And about. Professor of the Department of Psychology of the National University of Uzbekistan, Doctor of Psychology (DSc)

Abstract: Psychology and levels of subjective control have been studied for many years and are an important area of psychological research. This article is devoted to an empirical study of the degree of subjective control in psychology students. The author investigated the levels of subjective control of students using the survey by J. Rotter «The level of subjective control». Empirical data served to reveal the general and structural components of the degree of students' subjective control.

Keywords: level of subjective control, locus, control, internality, questionnaire.

Инсонга юклатилган ҳар қандай фаолият масъулиятни тақозо этади. Масъулиятли вазифаларни бажаришдаги муваффақиятсизликларнинг сабаблари изланганда у ёки ташки воқеликка ёки субъектнинг ўзига боғлаб талқин этилади. Ушбу ҳолат психологияда шахсда субъектив назоратнинг шаклланганлиги билан баҳоланади. Шахснинг субъектив назорати тушунчасини илк бора америкалик психолог Жулиан Роттер томонидан олиб кирилган ва унинг диагностикаси шахснинг иш амаллари, ҳаракатлари ҳаёти ва фаолиятида объектив равишда белгиланади [5,7,14,15]. Иродавий фаолиятни шахс унинг батамом оқибатлари учун субъект сифатида амалга оширади. Фаолият учун объектнинг ўзига масъул ҳисобланади, ваҳоланки унинг мақсади доирасидан ташқари чиқади. Субъект мурувват кўрсатаркан, бошқача тарзда ёрдам уюштиради, муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади. Агар психологияда шахсда субъектив назорат даражалари муаммосига доир тадқиқотларга мурожаат қилинадиган бўлса бир қатор илмий натижаларни кузатиш мумкин [5, 7, 14, 15].

Шахслар ўзларининг фаолияти учун масъулиятни бошқа бирорга юклашга мойиллигига биноан, улар сезиларли равишда бир-бирларидан тафовутланадилар. Инсоннинг шахсий фаолияти натижалари учун масъулиятни ташки кучларда ва шароитларда қайд қилиш, шунингдек, шахсий куч ва ғайратига, қобилиятига мойилликни аниқлайдиган мезонлар назорат локуси (латинча лотус ўрнашган жой ва французча. *contryle* - текшириш деган маъно англатади) деб аталади [3, 10, 11, 12, 16]. Маълумки, ўз хулқ-атвори ва ўз фаолияти сабабларини ташки

омиллардан деб тушунишга мойил одамлар мавжуд .

Психология фанида назоратни локаллаштириш деганда шахснинг индивидуал фаолияти натижалари учун масъулиятни ташқи кучларда ва шароитларда қайд қилишни, шунингдек, уларнинг куч-ғайратига, қобилиятига мойиллигини белгилайдиган сифатлар мажмуаси тушунилади. Назоратни локаллаштириш ташқи (екстернал) ҳамда ички интернал турларига ажратилади. Назоратни ташқи локаллаштиришга баъзи мисолларни келтирамиз: Ходим ишга, талаба дарсга кеч қолса, бу ҳодисани турлича баҳоналар билан изоҳлашга ҳаракат қиласди. 1) автобус ўз вақтида келмади, 2) йўловчилар кўп бўлганлиги учун автобусга чиқа олмадим, 3) автобус жуда секин ҳаракат қиласди, 4) транспорт бузилиб қолади, 5) кўчада йўл ҳаракати фожиаси юз бергани туфайли ушланиб қолдик ва ҳоказо. Психологик тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, назоратнинг экстернал локаллик турининг намоён бўлиши шахснинг муайян нуқсонлари ва иллатларига бевосита боғлиқдир, чунончи инсоннинг масъулияцизлиги, ўз имкониятига ишонмаслиги, ҳадиксираши, хавфсираши, шахсий ниятини рўёбга чиқаришни пайсалга солиши ва бошқалар. Мабодо шахс ўз хулқ-атвори оқибати учун масъулиятни ўз зиммасига олса, ўз қилмиш-қидирмишларини шахсий хусусиятидан деб тушунса, бундай психологик воқелик назоратнинг интернал (ички) локаллашуви мавжуд эканлигини билдиради. Назоратнинг ички локаллаштиришига хос инсонлар мақсадга эришиш йўлида масъулият ёки жавобгарлик ҳис этадилар, ўзини ўзи таҳлиллаш имкониятига эгадирлар. Ижтимоий тарбия жараёнида шахсда локаллаштиришнинг ҳар иккала (экстернал, интернал) турини шакллантириш туфайли унинг мустаҳкам шахсий фазилатига айлантириш мумкин [16]. Шахснинг субъектив назорати масаласи тадқиқотларда субъектив назоратнинг шаклланишга таъсир кўрсатувчи омиллар [5], шахс контекстида [7], ишсизларнинг социал хулқ-атвори регуляциясида субъектив назоратнинг аҳамияти [14] ва педагогик мулоқотда субъектив назоратнинг ўрни [15] тадқиқ этилган. Мазкур масалани бевосита психология таълим йўналиши талabalari мисолида ўрганишга эътибор қаратилди. Тадқиқотда 66 нафар иккинчи босқич талabalар жалб этилди. Тадқиқотда психология таълим йўналиши талabalariнинг субъектив назорат даражаси, шахсига хос иродавий сифатлари ҳамда фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичларининг ўзаро алоқадорлиги ўрганилди.

Тадқиқотда талabalarning кундалик фаолиятида субъектив назоратнинг қандай даражаларини шакллантиришга эришганлиги эмпирик ўрганилди. Бир қатор психологик адабиётларда субъектив назорат даражаси ва унинг ўрганиш усусларига бағишлиланган



методикалар ёритилган [1, 2, 3, 4, 8, 9]. Биз тадқиқотимизда мазкур манбалардаги методикалар хусусиятига эътибор қаратдик. Улар орасидан Ж.Роттернинг “Субъектив назорат даражаси” сўровномасидан ва унинг ўзбек мухити учун мослаштирилган шаклидан фойдаланишни [13, 87-90-6].

Тадқиқотда талабаларнинг субъектив назорат даражаларининг шаклланганлик ҳолати ва унинг таркибий компонентлари ўртасидаги боғлиқликар ўрганилди. Психология таълим йўналиши талабаларининг субъектив назорат даражасини ўрганишда сўровноманинг еттига шкаласига таянилди. Психология таълим йўналиши талабаларининг субъектив назоратини эмпирик ўрганиш натижалари қўйидаги жадвалда (1-жадвал) келтирилган.

Психология таълим йўналиши талабаларининг субъектив назорат даражаси умумий гурухнинг барча шкалалари бўйича $5,66 \square 8,00$ оралиқдан ўрин олган. Психология таълим йўналиши талабалари (кейинги матнларда талабалар тарзда ишлатилади)нинг субъектив назоратини ифодаловчи интерналлик шкаласини барчаси сўровноманинг нормасига нисбатан юқори экан (норма барча шкала 5,5)лиги кузатилди. Бу жиҳатдан талабаларда умумий интерналлик кўрсаткичи улар ҳаётларидағи мухим ҳодисаларнинг аксарияти ўз ҳаракатлари натижаси бўлиб, уларни бошқариши мумкинлигини, ҳодисалар ва умуман уларнинг ҳаёти қандай ривожланаётгани учун ўз масъулиятини хис қилувчи шахслар эканлигини ифодаламоқда.

Талабалар субъектив назоратининг барча шкалалари сўровнома меъёрларида юқори қийматни акс эттирган бўлса-да, шкалалар орасидан бошқаларига нисбатан фаолият натижаларига интерналлик шкаласи ($8,69$ стен) юқори кўрсаткичга эга бўлди. Улар ўз ҳаракатларини фаолиятларининг ташкил этиш, жамоадаги ривожланувчи муносабатлар ва уни рағбатлантиришда мухим омил сифатида ўрин тутишини биладилар.

Талабаларнинг субъектив назорат даражаларининг умумий кўрсаткичлари билан бир қаторда гендер тафовутларини ёритиш учун талаба қизлар ва талаба йигитларнинг кўрсаткичларининг статистик қиёслашга эришилди. 1-жадвалдаги ҳолат талаба йигитлар ва қизларнинг натижалари умумий ҳолатдаги сингари меъёрий кўрсаткичдан юқори эканлигини ифодалади (талаба қизлар: $4,66 \square 8,50$ стен; талаба йигитлар: $5,91 \square 8,66$ стен). Бу ҳолатлар талаба қизлар ва йигитлардаги гендер хусусиятлари жиҳатидан ҳам субъектив назорат даражалари статистик тафовутга эга эмас экан. Аммо талабалар саломатлик ва касалликка муносабат нисбатан интерналлик бўйича кўрсаткичлари $4,66$ стендан ўрин олган бўлса-да, талаба йигитларнинг ушбу шкала

бўйича қийматлари билан статистик тафовутга эга эмас.

1-жадвал

Психология таълим йўналиши талабалари субъектив назорат
даражаларининг кўрсаткичлари

Шкалалар	Синалувчилик тойфаси	x	σ	Стъодент t- мезони	Гуруҳнинг умумий кўрсаткичлари (N=66)		
					x	σ	t***
Умумий интерналлик	Талаба қизлар	7,00	2,48	0,207	7,43	3,07	19,628
	Талаба йигитлар	6,75	3,13				
Муваффақиятга нисбатан интерналлик	Талаба қизлар	8,50	3,50	0,447	8,00	3,44	18,883
	Талаба йигитлар	7,91	3,34				
Мкуваффақиятси зликка нисбатан интерналлтик	Талаба қизлар	7,16	4,21	0,070	6,81	3,88	14,267
	Талаба йигитлар	7,08	3,96				
Оилавий муносабатларга нисбатан интерналлик	Талаба қизлар	7,33	3,60	-0,494	7,92	2,99	21,466
	Талаба йигитлар	8,00	2,66				
Фаолият натижаларига нисбатан интерналлик	Талаба қизлар	9,75	0,86	1,367	8,69	2,82	25,030
	Талаба йигитлар	8,66	3,14				
Шахслароро муносабатга интерналлик	Талаба қизлар	7,75	4,07	1,146			
	Талаба йигитлар	5,91	3,70		5,66	3,76	12,232
Саломатликка нисбатан интерналл ик	Талаба қизлар	4,66	4,53	-0,911	6,78	4,13	13,350
	Талаба йигитлар	6,66	4,27				

Талабалар субъектив назорат даражаларининг шаклланганлик ҳолатини акс эттирувчи умумий кўрсаткичларни чуқурроқ таҳлил этиш мақсадида корреляция таҳлил усулидан фойдаландик (2-жадвал).

2-жадвал

**Психология таълим йўналиши талабалари субъектив назорат
даражаларининг корреляция кўрсаткичлари**

Шкалалар	Умумий интерналлик	Муваффакиятга нисбатан интерналлик	Муваффакиятсизлик ка нисбатан интерналлик	Оилавий муносабатларга нисбатан интерналлик	Фаолият натижаларига нисбатан интерналлик	Шахслараро муносабатга интерналлик	Саломатлика нисбатан интерналлик
Умумий интерналлик	1	-0,015	0,348**	0,325**	0,389**	0,106	0,224
Муваффакиятга нисбатан интерналлик				0,246*	0,257*	0,202	0,081
Муваффакиятсизлик ка нисбатан интерналлик				0,311*	0,196	0,455**	-0,089
Оилавий муносабатларга нисбатан интерналлик				1	0,341**	0,085	0,237
Фаолият натижаларига нисбатан интерналлик					1	0,228	0,274*
Шахслараро муносабатга интерналлик						1	0,087
Саломатлика нисбатан интерналлик							1

Талабаларнинг субъектив назорат даражаси шкалалари ўртасидаги корреляцияли боғланишлар ўзига хос кўрсаткични акс эттириди. Талабаларнинг умумий интерналлик даражаси ўзининг таркибий жиҳатларидан муваффакиятсизликка нисбатан интерналлик билан ижобий корреляцияга эга ($r=0,348$; $p<0,01$). Эмпирик кўрсаткич талабаларнинг фаолиятларидаги муваффакиятсизликлар қанчалик кўп юз бермасин бунинг сабабларини ўзларига боғлашлари ортиб борар экан. Бир жиҳатдан талабалар касбий фаолият босқичида шакхснинг

ўзини ички тартибга солиш тўғрисидаги ўкув курси материаллари ҳамда психолого касбий фаолияти учун зарур шахслик сифатлари юзасидан билим, кўнкма ва малакаларни шакллантиришга эътибор қаратилиши сабаб бўлиши мумкин.

Талабаларнинг умумий интерналлиги оиласидаги муносабатларга нисбатан интерналлик ($r=0,325$; $p<0,01$) ва фаолият натижаларига нисбатан интерналлик ($r=0,385$; $p<0,01$) шкалалари билан ҳам юқори ижобий корреляцияли боғланишни намоён қилди. Талабаларда айни дамдаги субъектив назоратларининг юқори даражада ўсиб бориши оиласидаги ҳаётидаги воқеалар учун масъулликлари ва ўз фаолияти натижаларига эришишларида хатти-ҳаракатлари аҳамиятли эканлигини англаб борар эканлар.

Талабаларнинг субъектив назорат даражаларининг алоҳида шкалалари ўртасидаги корреляцияли боғлиқликларда ҳам бир қатор ижобий аҳамиятли муносабатлар кузатилди. Уларда муваффақиятга нисбатан интерналликнинг юқори даражада таъминланиши муваффақиятсизликка нисбатан интерналлик ($r=0,385$; $p<0,01$) ва оиласидаги муносабатларга нисбатан интерналлик ($r=0,385$; $p<0,01$)ни ривожланиб боришига сабаб бўлади дейиш мумкин. Бундан кўринадики, талабаларнинг касбий тайёргарлик босқичларидаги муваффақиятга нисбатан интерналлик уларнинг ишдаги камчилик ва нуқсонларини бартараф этиш, фаолиятда юқори натижаларга эришишни таъминлаш учун ўзларида масъулиятлиликни камол топтирмоқдалар. Бу эса уларнинг касбий шаклланиши учун ижобий ҳолдир.

Талабаларнинг муваффақиятсизликка нисбатан интерналликнинг шаклланганлиги ҳисобида оиласидаги муносабатларга нисбатан интерналлик ($r=0,311$; $p<0,01$) ва шахсларро муносабатга интерналлик ($r=0,455$; $p<0,01$)нинг кучли намоён бўлишига туртки бўлар экан. Эмпирик кўрсаткичлар талабалар салбий ҳодисалар ва вазиятларга нисбатан субъектив назорат туйғусининг ривожлантиришлар, ўзиларини турли муваффақиятсизликлар, нохушликлар ва азоб-уқубатлар учун айблашларига нисбатан сезирликлари туфайли муносабатларни яхшилаш ҳисобида ижобий ўзгаришларга эришиш мумкинлигини тушуниб етганликларини кўрсатмоқда.

Талаба бир жиҳатдан ҳаётнинг янги босқичига, яъни оила қуришга тайёргарлик кўриш ҳисобланади. Шу боисдан ҳам уларнинг оиласидаги муносабатларга нисбатан интерналликни ижобий кўриниш олиши ўз фаолияти натижаларга нисбатан масъулият ва жавобгарликни кучайтиришидан ($r=0,341$; $p<0,01$) далолат бермоқда.

Шунингдек, талабалар фаолият натижаларига нисбатан интерналликнинг яхши бўлиши ўз навбатда шахснинг саломатлигига



муносабатини ўстиришини кўрсатмоқда ($r=0,341$; $p<0,01$). Бундан кўринадики, талабалар инсон саломатлик туфайли фаолиятни амалга ошириши, натижаларни ижобий бўлиши ва “соғ танда -соғлом ақл” ҳикматли иборани яхши ўзлаштирганлар дейиш мумкин. Эмпирик кўрсаткичлар талабаларда субъектив назорат даражаси тўғрисида ижобий муносабатларни акс эттиrsa-да, аммо корреляция кўрсаткичлар назоратнинг таркибий компонентлари ўртасида деярли тўлақонли боғланишлар бўлишини тақозо этади.

Тадқиқотдаги эмпирик маълумотлар таҳлилига кўра қуйидаги хуласаларга келинди:

психология таълим йўналиши талабаларида субъектив назорат даражаларида интернал назорат устуворликка эга;

талабалар субъектив назоратларида гендер тафовутлар аниқланмади;

психология таълим йўналиши талабаларида субъектив назоратнинг умумий интерналлик даражаси таркибий компонентларининг айримлари билан (муваффақиятсизликка нисбатан интерналлтик, оиласији муносабатларга нисбатан интерналлик, фаолият натижаларига нисбатан интерналлик) юқори ижобий корреляцион боғлиқликка эга, айримлари ўртасида алоқадорлик акс этмаган (муваффақиятга нисбатан интерналлик, шахслараро муносабатга интерналлик, саломатликка нисбатан интерналлик);

талабаларнинг умумий интерналлиги билан ички боғлиқликка эга бўлмаган компонентлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш бўйича психология ривожлантириш тадбирларини ташкил этиш лозим;

субъект назорат даражаларини ўрганиш бўйича эмпирик тадқиқот Республикаизда янги йўналиш сифатида тадқиқотлар олиб бориш зарур;

субъектив назорат даражасини эмпирик ўрганиш методикаларининг этномаданий муҳит учун мослаштирилган шаклларини тизимлаштириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аракелов Н.Е., Лысенко Е.Е. Локус контроль и методы его исследования // Психологический журнал, 1997. - Т. 4. - №2 - С. 34 - 38.
2. Бажин Е.Ф., Голынкина Е.А., Эткинд А.М. Метод исследования уровня субъективного контроля // Психологический журнал, 1984. - Т. 5. - №3. С. 152 - 162.
3. Большой психологический словарь / Под ред. Мещерякова Б.Г., Зинченко В.П. - М.: Прайм-Еврознак, 2003 - 672 с.
4. Елисеев О.П. Локус контроля // Практикум по психологии личности. - СПб.: Питер, 2003. - С. 413 - 417.

5. Калинина А.О. Факторы, влияющие на формирование субъективного контроля / А.О. Калинина. - М.: ВЛАДОС, 2004. - 383 с.
6. Карелин А.А. Большая энциклопедия психологических тестов / А.А. Карелин. - М.: Издательство «Эксмо», 2007. - 416 с.
7. Кондаков И.М., Нилопец М.Н. Экспериментальное исследование структуры и личностного контекста локуса контроля // Психологический журнал, 1995. - Т. 16. - №1. - С. 43 - 51.
8. Ксенофонтова Е.Г. Исследование локализации контроля личности - новая версия методики «Уровень субъективного контроля» // Психологический журнал, 1999. - Т. 20. - №2. - С. 103 - 114.
9. Маклаков А.Г. Профессиональный психологический отбор персонала. Теория и практика: Учебник для вузов / А.Г. Маклаков. - СПб.: Питер, 2008. - 480 с.
10. Немов Р.С. Психология: Словарь - справочник / Р.С. Немов. - М.: Издательство ВЛАДОС - ПРЕСС, 2003. - 304 с.
11. Платонов К.К. Краткий словарь системы психологических понятий / К.К. Платонов. - М.: Высшая школа, 2004. - 176 с.
12. Психология. Словарь / Под общ. ред. А.В. Петровского, М.Г. Ярошевского. - М.: Политиздат, 1990. - 494с.
13. Психологик ташхис методикалари мажмуаси// Тузувчилик: С.Н.Алимходжаева Ф.И.Хайдаров.- Тошкент, Ўкувчиликни касб-хунарга йўналтириш ва психологик - педагогик Республика ташхис Маркази, 2008.-132 б.
14. Чепляев В.Л. Субъективный контроль и регуляция социального поведения безработного [электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://window.edu.ru>, свободный.
15. Щербакова Т.Н. Субъективный контроль в педагогическом общении [электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://www.ipkpro.aaanet.ru>, свободный.
16. Гозиев Э.Ф. Умумий психология. – Тошкент: “Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010.- 542 б.



ANALYSIS OF THE PROBLEMS OF CREATING A PSYCHOLOGICAL PORTRAIT OF BULLING PARTICIPANTS

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.76.46.030>

Mullabaeva Nozima Mahmudjanovna,

*National University of Uzbekistan, Associate Professor of Psychology,
Tashkent, Uzbekistan*

Abstract. This article explores the problems of school violence. Bullying in school is one of the most pressing issues today. Bullying and victimization in school can have a serious impact on children's psychological health. The article provides an in-depth analysis of bullying victims and perpetrators. These concepts have been sufficiently defined by scientists.

Keywords: *bullying, victimization, violence, bullying victims, witnesses, sociometric position, psychological trauma*

БУЛЛИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ПОРТРЕТИНИ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Муллабаева Нозима Махмуджановна,

*Ўзбекистон Миллий Университети, психология кафедраси
доценти, Тошкент, Ўзбекистон*

Аннотация. Уибу мақолада мактабдаги зўравонлик муаммолари ўрганилган. Ҳозирги кунда мактабдаги буллинг энг долзарб муаммолардан бири хисобланади. Мактабдаги буллинг ва виктимизация болаларнинг психологик саломатлигига жиiddий таъсир кўрсатилиши мумкин. Мақолада буллинг қурбонлари ва зўравонлари чуқур таҳлил қилинган. Олимлар томонидан бу тушиунчаларга етарлича таъриф келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: *буллинг, виктимизация, зўравонлар, буллинг қурбонлари, гувоҳлар, социометрик мавқе, психологик жароҳатлаш.*

АНАЛИЗ ПРОБЛЕМ СОЗДАНИЯ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ПОРТРЕТА УЧАСТНИКОВ БУЛЛИНГА

Муллабаева Нозима Махмуджановна,

*Национальный университет Узбекистана, доцент кафедры
психологии, Ташкент, Узбекистан*

Аннотация. В данной статье исследуются проблемы школьного насилия. Буллинг в школе – одна из самых актуальных проблем на сегодняшний день. Буллинг и виктимизация в школе могут оказать серьезное влияние на психологическое здоровье детей. В статье

проводится глубокий анализ жертв и виновников буллинга. Эти понятия достаточно определены учеными.

Ключевые слова: буллинг, виктимизация, буллеры, жертвы буллинга, свидетели, социометрическая позиция, психологическая травма.

Мактабларидаги зўравонлик ва тажовузкорлик ҳолатлари баъзи хорижий давлатларда жиддий муаммога айланиб бормоқда. Шу сабабли, умумий ўрта таълим мактабларида содир бўлаётган зўравонлик ва тажовузкорлик ҳолатларининг ортиб бориши кўплаб таълим тизимидағи раҳбар ходимларини жиддий ташвишга солмоқда. Пировард натижада, мактаб шароитидаги агрессия ҳамда виктимизация жуда катта жисмоний ҳамда психологик жароҳат етказувчи омиллар сифатида психологолимларнинг алоҳида қизиқишлирига сабаб бўлмоқда.

Таълим шароитида зўравонлик ва тажовуз буллинг кўринишида намоён бўлиши мумкин. Мактаблардаги буллинг ҳамда виктимизация (қурбонга айлантириш жараёни ва натижаси) болаларнинг психологик, ижтимоий ва ҳатто жисмоний ривожланишиларига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида тан олинган. E.Roland (1989) зўравонлар (таъқиб қилувчилар, безорилар) ва уларнинг қурбонлари ҳамда гувоҳларини (кузатувчиларини) ўз ичига қамраб оловчи ижтимоий тизим – “буллинг-тизим”ни тасвирлаб беради. Тизимнинг ҳар бир иштироқчиси мазкур жараёнда ўзининг шахсий фикри ва нуқтаи назарига эга бўлади.

“Зўравонлар (зулмкорлар)”. Д.Ольвеуснинг таъкидлашича, зўравонлар умумий агрессивликнинг юқори даражасини намоён этувчи шахс сифатида тавсифланиши мумкин (D.Olweus, 1994). Улар нафақат ўз қурбонларига, балки ўзларининг устоз ва ўқитувчиларига ҳам “хужум қиласидилар”. Бундан ташқари, улар “қурбон” ва “гувоҳлардан” кўра кўпроқ агрессияга мойил бўладилар. Уларда “қурбонларига” нисбатан эмпатиянинг (мехр ҳиссининг) етишмаслиги, бошқалар устидан ҳуқумронлик қилишга бўлган юқори эҳтиёжни кузатилади. D.Olweus (1994) “зулмкорлар” бошқалар устидан назоратни ўрнатишга кучли ҳохиши хис этиб, ўзгаларнинг уларга бўйсунишидан роҳатлананишиларини ҳамда ўзларини ўзига ишонган ва омадли кишилар деб ҳисоблашларини аниқлаган. K.Kwak, C.Lee (1999) ҳамда Staub (1999) эса ўз тадқиқотларида “зулмкорлар” одатда ўзига нисбатан ижобий муносабатда бўлишларини аниқлаганлар. В.П.Маришчук атамашунослигидан фойдаланган ҳолда таъкидлаш мумкинки, гурухий фаолият жараёнида бир-бирини “психологик жароҳатлаш” ҳамда бир-бирининг олдида ўзининг устунлигини кўрсатиш (мен бошқалардан кам эмасман кабилида) ҳохишиларини вужудга келтирувчи кучлар пайдо

бўлади ва бу, пиравард натижада, агрессивликнинг ривожланишига олиб келади.

“Зулмкорлар” одатда ўз гурухларида “қурбонларга” нисбатан юқори социометрик мавқега эга бўладилар. Шундан келиб чиқиб, буллинг ўзгалар устидан ҳукмонлик қилмоқчи бўлган гуруҳ аъзолари учун ўзига хос қурол бўлиб хизмат қиласди. Мавқега, ҳукронликка, рақобатга бўлган эҳтиёжлар буллингда муҳим омилларидан ҳисобланади. Буллинг ҳолатида ўзини тутиш хатти-харакати нафақат “қурбонлар” учун салбий оқибатлар келтиради, балки “зулмкор”нинг ўзи учун ҳам ёмон таъсир қиласди.

«Қурбонлар». Ахён-ахёнда содир бўлувчи ёки қисқа муддат давом этувчи хужумларни ўз ичига оловучи бошқа агрессив хатти-харакатлардан фарқли ўлароқ, буллинг, одатда, ўз “қурбонини” қўркув ва вахима ҳолатига солган ҳолда узоқ вақт мобайнида тўхтовсиз давом этади. Кўпинча “қурбонлар” ўз шахсиятига нисбатан психологик босим ва зўравонликни, ёлғизлик ва ҳимоясизликни ҳамда қўркув ва вахима ҳисларини ўз бошидан кечирадилар. Ушбу барча кўзга ташланувчи жиҳатлар буллинг “қурбони” атрофида рўй берадиган муҳит шароитининг таъсир натижалари ҳисобланади.

Буллингда “қурбонни” ташки салбий таъсирлардан ўзини ҳимоя қила олмайдиган ҳолатга олиб келадиган куч-қудратнинг беқиёс катта бўлишини алоҳида таъкидлаш лозимdir. “Қурбонлар” ижтимоий ажralиб қолганлиги билан, баҳс ва мунозаралардан ўзини олиб қочиш каби жиҳатлари билан ажralиб турадилар. Улар ўқишга бўлган қизиқишлирининг пасайиб кетганлиги, мураккаб ҳолатларда ўзининг мустақил фикрига эга эмасликлари, ўзига нисбатан паст баҳо беришлари, депрессия ва қўркувнинг ўта юқори бўлиши, соматик жиҳатдан кучсизлиги, турли хил психологик симптомлар (аломатлар)нинг кўзга ташланиши ва мулоқат борасида кўплаб бошқа муаммоларнинг бўлиши билан ҳиссиётга берилувчан, одамови ва торгинчоқ кишилар (шахслар) сифатида таърифланади. Буллинг “қурбонлари” депрессия аломатлари ва шунга ўхшаш ҳиссиётларга мойил бўладилар. “Қурбонлардаги” юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятлар уларни икки тоифага: итоаткор (бўйсунувчи) ҳамда агрессив (тажовузкор) “қурбонларга” ажратиш имконини беради.

Аслида агрессив “қурбон” ҳам “зўравонлардаги” барча хусусиятларга эга бўлади. Улар бошқаларга қарши агрессив харакатларни амалга оширадилар ва шу билан биргаликда улар буллинг “қурбонлари” саналишади.

Буллинг “қурбонлари” турларига таъриф бериб ўтамиз.

D.Olweus (1995) маълумотларига кўра, итоаткор “қурбонлар”

бошқа ўқувчиларга нисбатан тез ваҳимага тушишлари, ўзига оро беришга мойил, сензитивроқ (хиссиётга берилувчанроқ), эҳтиёткорроқ бўлишлари билан ажралиб турадилар. Уларнинг буллинг типик реакциялари қаршилик қўрсатишда эмас, балки зулмкорлардан қочишга уринишлари билан ажралиб туради. Уларга ўзига нисбатан салбий баҳо бериш хос бўлиб, ёлғиз қолишга, тажовузкорликни қўрсатмасликка ҳамда бошқа ўқувчилардан ажралиб туришга мойил бўладилар. Улар ўз иззат-нафсига, қадр-қимматига нисбатан паст муносабатда бўлишларидан азият чекиб, кўпинча ўзларини омадсиз, ахмок, уятчан ҳамда хунук (кўримсиз) деб биладилар. Одатда, уларнинг синфда ягона энг яқин дўсти бўлмайди. Шунга кўра, улар ўзларини мактабда ёлғиз, ташлаб кетилгандек ҳис этадилар. Умуман, улар зўравонликка салбий муносабатда бўлиб, агресив воситалардан фойдаланишга қаршилик қиласадилар.

Агресив (тажовузкор) “қурбонлар” ўта тажовузкор ҳамда бекарор ҳолатда бўлишлари ҳақида эътироф этилади. Буллинг ҳолатида улар безовталик ва агресивлик реакциялари уйғуналигида таърифланади. Улар осонгина жаҳл отига миниб, осонгина игвога учадилар. Улар иғво ва алдовларга осон бериладилар ва гапнинг асл мазмuni ва моҳиятини нотўғри тушунишлари мумкин. Шулардан келиб чиқсан ҳолда улар “зўравонлар” ҳамда итоаткор “қурбонлар”дан ажралиб ҳам турадилар, уларга ўхшайдилар ҳам. Улар “зулмкорлар” сингари агресив бўлсалар-да, бироқ ушбу агресивликдан мақсаддага эришиш йўлида фойдаланмайдилар. Бироқ, агресив “қурбонлар” нафақат буллингга қаршилик қила бошлайдилар, балки шунингдек, бошқаларни ҳам бунга жалб қиласадилар. Улар тажовузкорликни ўзлари хавф деб билган тенгдошлари томонидан уюштирилган иғволарга қарши қасос олиш учун қўллайдилар. Ҳар қандай вазиятда агресив “қурбоннинг” бундай хатти-ҳаракатлари ўйлаб топилган ҳаракатлар эмас, балки буллинга қарши эмоционал реакцияси бўлиб ҳисобланади.

Агресив “қурбонлар” “зулмкорлардан” шуниси билан фарқиладики, улар нисбатан кучсиз ва ожиз болаларга қарши ҳаракатларни тизимли равишда амалга оширмайдилар. Улар ўзларини дадил тутишларини йўқотганликлари натижасида агрессиядан фойдаланадилар. K.Ekman агресив “қурбонлар” ўзига бўлган баҳонинг нисбатан паст бўлиши, ижтимоий қўллаб-қувватланишнинг паст даражаси кабиларга мойил бўладилар. Бу ўта муҳимдир, чунки ижтимоий қўллаб-қувватлов қалтис вазиятда ўта муҳим бўлиб, уни енгиб ўтишга кўмаклашади. K.Ekman бошқалар билан ижобий муносабатда бўлиш вазиятнинг психологик таъсирини камайтиради ҳамда инсон хатти-ҳаракатларини тартибга солиш имконини беради, деб таъкидлайди.

K.Kwak ва C.Lee (1999) фикрига кўра, “зулмкорлар” буллинг “қурбонларига” нисбатан ижтимоий қўллаб-қувватловни ахтаришга мойилроқ бўладилар. Ижтимоий қўллаб-қувватловнинг етишмаслигини ҳис қилган болалар қурбонга айланишга мойилроқ бўладилар. Бундан ташқари, синфдошларнинг қўллаб-қувватлови ўқувчининг буллинг қурбони бўлишига мойил бўлишини англатади. Агресив “қурбонлар” болалар орасида унчалик кўп довруқ қозонишмаган ва тенгқурлари улардан юз ўғирган бўлади. Агресив “қурбонлар” одатда – ўғил болалардир.

Lister (1990) шафқатсиз муносабатларнинг бошқа шакллари билан қиёслашларни амалга оширган ҳолда буллинг “қурбонлари” эгаллаган ўрнига аҳамият қаратади: барча зулм кўрганлар ўзига ишончни йўқотган ва уялиш ҳиссини ҳис этаётган бўладилар, бироқ ушбу таҳқирлашлар хақида лом-мим демасликка қарор қилган бўлишади.

“Гувоҳлар” (“кузатувчилар”). Д.Лейннинг таъкидлашича, “гувоҳнинг” характерологик хусусиятларини ажратиб кўрсатиш энг мураккаб вазифа саналади. Кўпинча болалар буллинг ҳолатида “гувоҳлар” ролини буллингнинг турли шакллари билан биргаликда бажарип берадилар.

Kelly(1990) ўзининг ожизлигини ҳис қилган болаларда ўзига нисбатан ишонч ва ўзига берган баҳоси тушиб кетишини исботлаб берган. Мазкур маълумотлар “яхшиямки, мен зулм кўрмадим” позициясини эгалловчи “периферик қурбонлар” деб номланувчи (peripheral victims) ортидан кузатув олиб борган (Taylor, 1991) бошқа муаллифларнинг кузатувлари билан мос келади; четдан туриб кузатувчилар кўпинча улардаги ўзини ожиз ҳис этишларини ва айбдор ҳисоблашларини аниқлаганлар.

Askew (1988) фикрича, зўравонликлардан нафақат “қурбонлар” зулм кўради, балки “зулмкорга” қаршилик кўрсата олмайдиган атрофдагиларнинг барчаси ҳам зулм кўради.

Бошқа психологлар нафақат боланинг индивидуал хусусияларига, балки унинг гуруҳдаги мавқеига ҳам эътибор қаратадилар. Умумий гурухий жараёнда фаол қатнашмайдиган болалар алоҳида ажralиб турадилар ва кўп мулоқатда бўлмайдилар. Улар, одатда, аутсайдерлар ҳисобланиб, уларни гуруҳда ёқтиришмайди (баъзан ўта иқтидорли ва истедодли бўлишсалар ҳам, бу нарса ҳеч қандай аҳамият касб этмайди). Мана шундай ҳолатларга гуруҳдаги иродани ўз қўлига олмоқчи бўлганлар тушиб қоладилар. Натижада буллинг вужудга келади.

Хорижлик тадқиқотчилар томонидан таълим муҳитида буллинг ҳолатига тушиб қолганлар ролининг қандайдир бир типик қиёфасини яратишга уринишлар бўлган. Афуски, ҳозирги пайтда фанда “зулмкор” ёки “қурбон” бўлишга мойилликнинг ижтимоий, илмий ва экологик

детерминантлари мавжуд эмас. Юқори айтиб ўтилган омилларнинг ҳеч қайсиси буллинг ҳолатидаги хатти-харакатларни олдиндан айтиб бериш ёки буллинг ҳолатидаги “зулмкор” ёки “қурбоннинг” психологик жиҳатларидағи фарқни айтиб бериш имконига эга эмас.

Буллинг иштирокчиларининг характеристикалари бўйича амалга оширилган тадқиқот натижаларини таҳлил қилган ҳолда биз “зулмкор” ҳамда “қурбонларнинг” шахсий ўзига хос жиҳатлари устида тўхталиб ўтамиз. Умумлаштириш натижалари қуйидаги жадвалга киритилган.

Таълим мұхитида “қурбон” ва “зўравонларнинг” психологик тавсифи

Буллинг иштирокчилари	Психологик тавсифи
“ҚУРБОНЛАР”	Ижтимоий бефарқлик, мунозаралардан кочишига мойиллик, одамовилик, уятчанлик, соматик нимжонлик, ваҳимага тушиш, депрессияга мойиллик, ўзига паст баҳо бериш, ўзига ишончнинг паст даражаси, ноконструктив стратегияларнинг шаклланиши, ўқишига қизиқишининг пасайиб кетиши, ижтимоий муаммолар (мағтанчоқлик, беътиборлик), мулоқат қилишдаги эҳтиёткорлик, муаммодан кочиши, ўзига салбий муносабатда бўлиш, юкори/паст даражадаги агресивлик, ўз кадр-кимматини ерга уриш, ижтимоий қўллаб-қувватланишнинг паст даражаси.
“ЗЎРАВОНЛАР”	Юқори умумий агресивлик, агрессияга ижобий муносабат, эмпатиянинг етишмаслиги, ҳукумронлик қилишига бўлган юқори қизиқиши, мувофақиятлилик ва ўзига бўлган ишонч, ўзига ижобий муносабат, нисбатан юқори социометрик мавқе.

Психологик тадқиқотларнинг назарий таҳлиллари буллинг иштирокчиларининг ўзига хос хусусиятларини ажратиш ва бир тизимга солиш ва қуйидаги тавсифни шакллантириш имконини берди. Була: ўзига бўлган муносабатнинг ўзига хослиги, коммуникатив қобилияtlарнинг ривожланиш даражаси, ўзаро муносабатларда уришқоқлик ва агресивлик, боланинг социометрик мавқеи, аффектив ҳиссиятларнинг даражаси ва йўналиши, ижтимоий қўллаб-қувватловнинг борлиги, можароли вазиятда ўзини тутишидаги ўзига хосликлар.

Келтириб ўтилган маълумотлардан келиб чиқиб, таълим мұхитидаги буллинг иштирокчиларининг психологик тавсифлари борасидаги тасаввурларимизни тартиба келтириб олиш мумкин. Тадқиқот жараёнида аниқланган ўзига хосликлар “зулмкор” ёки “қурбон” борасидаги умумий бир фирмни шакллантиришга имкон бермайди. “Зулмкор” ва “қурбонларнинг” мослашувчанлик хусусиятлари, муаммоли кечинмалари, назорат қилиш ўрни, темпераментидаги ўзига хосликлар борасидаги саволлар очиқлигича қолмоқда. Шунингдек, муаллифларнинг тадқиқот олиб бориш жараёнидаги буллингнинг “қурбонларида” бальзи бир устунликлар бор эканлигини таъкидлаб ўтиш керак бўлади.

Назарий таҳлиллар натижасида таълим мұхитидаги буллинг ҳолатида “зулмкорларнинг” психологик тавсифи бўйича маълумотлар ниҳоятда кам эканлиги аниқланди. Бу эса буллинг иштирокчиларининг



психологик хусусиятларини ўрганиш муаммоси етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатади. Шунингдек, мамлакатимиз таълим мухитидаги буллинг муаммолари ишлаб чиқилмаганлиги ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Ушбу изланишимизда буллинг иштирокчилари ёки унинг ўзи ҳақида кўпроқ ёки камроқ миқдорда маълумотлар бериши мумкин бўлган қатор илмий тадқиқотлар билан танишиб чиқишга муваффақ бўлдик. Шу сабабли, таълим мухитида буллинг тушунчаси (феномени) билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш бугунги куннинг ўта муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, на хориж, на мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларида буллинг, ҳаётий бардошлилик сингари атамаларнинг муштараклиги ҳақида ҳеч қандай маълумот топилмади. Шу сабабли, буллинг иштирокчиларининг ҳаётий бардошлилиги ҳамда “зулмкорлар” ва “қурбонларнинг” шахс хусусиятлари билан боғлиқлиги борасидаги далилларни тадқиқ этиш ўта муҳим саналади.

Шу сабабли, буллингни тадқиқ этган ҳолда ким уни амалга оширишини, унинг иштирокчиларини аниқ килиб белгилаб олиш зарур бўлади. Биз хорижда ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган тадқиқотларда буллингдаги “зулмкор” ёки “қурбон” ролларини бажарувчи ўқувчиларнинг психологик тавсифлари борасидаги кўплаб саволлар очиқлигича қолмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Богомолов В.А. Ориентированный на решение подход в работе с ситуациями травли в школе. 14 февраля 2013. http://www.sfbt.ru/2013/02/blog-post_5804.html
2. Гусейнова Е.А., Ениколопов С.Н. Влияние позиции подростка в буллинге на его агрессивное поведение и самооценку [Электронный ресурс] // Психологическая наука и образование psyedu.ru. 2014. Т.6. №2. С.246–256. URL: http://psyedu.ru/journal/2014/2/Guseinova_Enikolopov.phtml
3. Кравцова М.М. Дети-изгои: Психологическая работа с проблемой. М.: Генезис, 2005.
4. Муллабаева Н.М. Мактабдаги хавфсизлик ўсмир шахси тараққиётининг омили сифатида. ЎзМУ хабарлари, 2021/ 1/6
- 5.Петросянц В.Р.Психологические характеристики старшеклассников - участников буллинга в образовательной среде// Эмиссия. Электронный научный журнал. 2010. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.emissia.org/offline/ 2010/1479.htm>
- 6.Собкин В.С., Маркина О.С. Влияние опыта переживаний «школьной травли» на понимание подростками фильма «Чучело» // Вестник практической психологии образования. 2009. № 1. С.48–57.
7. Mullabaeva N. M., Kadirov K.B., Boymirzaeva D.D., Bondareva E. V. Relationship Between Propensity To Risky Behavior and Psychogeometrical Types Of Personality// European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 01, 2020

INKLUZIV TA'LIM SHAROITIDA FANLARNI O'QITISH JARAYONIGA TATBIQ ETILGAN ZAMONAVIY YONDASHUVLAR SAMARADORLIGI

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.50.97.031>

Raxmanova Dilfuza Uchqunovna,

Chirchiq davlat pedagogika instituti, pedagogika fakulteti, pedagogika-psixologiya mutaxassisligi 2-kurs magistranti

Mirzayeva Sayyora Rustamovna,

*Chirchiq davlat pedagogika instituti pedagogika fakulteti o'qituvchisi
psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent*

Annotatsiya: Ushbu maqolada ta'linda alohida ehtiyojli bolalar, uning jamiyat hayotida tutgan o'rni, xorij mamlakatlari tajribasi, statistik ma'lumotlar tahlili, ta'lim tizimida o'qitishdagi imkoniyati hamda amalga oshirish mexanizmi yuzasidan fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: inklyuziv ta'lim, tamoyil, imkoniyati cheklangan bolalar, konsepsiya, muammo, qarorlar, maktab, integratsiya, imkoniyat.

Аннотация: В статье рассматриваются дети с особыми образовательными потребностями, их роль в обществе, опыт зарубежных стран, анализ статистических данных, возможность обучения в системе образования и механизм реализации.

Ключевые слова: инклюзивное образование, принципы, дети с ограниченными возможностями, концепция, проблема, решение, школа, интеграция, возможность.

Abstract: This article discusses children with special educational needs, their role in society, the experience of foreign countries, the analysis of statistical data, the possibility of teaching in the education system and the implementation mechanism.

Keywords: inclusive education, principles, children with disabilities, concept, problem, decision, school, integration, opportunity.

